

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 930.1 (Гессе)*

ТОШОВ ХУРШИД ИЛХОМОВИЧ

GERMAN GESSENING FALSAFIY DUNYOQARIШИ

5A 120501 - Фалсафа тарихи

Магистр

академик илмий даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар: ф.ф.д.,
доц. Ш.О.Мадаева**

ТОШКЕНТ – 2013

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ.....	3-9
I-БОБ. GERMAN ГЕССЕ ҲАЁТИ ВА ДУНЁҚАРАШИ ШАКЛЛАНИШИ ЭВОЛЮЦИЯСИ	
I.1. Гессенинг ҳаёти ва ижодий мероси.....	10-20
I.2. Гессе дунёқарашининг асосий хусусиятлари ва эволюцияси.....	21-32
II-БОБ. HERMETISM GERMAN ГЕССЕ ИЖОДИНИНГ НАЗАРИЙ МЕТОДОЛОГИК АСОСИ СИФАТИДА ВА УНДА МУСИҚА ОМИЛИНИНГ МУҲОКАМАСИ	
II.1. Герметизм Герман Гессе ижодининг назарий методологик асоси сифатида.....	33-48
II.2. Гессе ижодида музика омилига муносабат.....	49-61
III-БОБ. GERMAN ГЕССЕНИНГ ГУМАНИСТИК ҚАРАШЛАРИ ВА УНДА ПСИХОАНАЛИЗ ОҚИМИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ	
III.1. Гессенинг инсонпарварлик ғоялари шаклланишида психоанализ оқимининг тутган ўрни.....	62-75
III.2. Гессенинг гуманистик қарашлари эволюцияси ва унинг назарий манбалари.....	76-85
ХУЛОСА.....	86-93
ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	94-103

К И Р И Ш

Тадқиқот мавзуининг долзарблиги. Бугунги кун юртимиз ҳаётида тарихий давр - халқимиз ўз олдига эзгу ва улуғ мақсадлар қўйиб, тинч-осойишта ҳаёт кечираётган, авваламбор ўз куч ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фукаролик жамияти қуриш йўлида самарали натижаларни қўлга киритаётган бир даврдир.

“Биз ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, азалий қадриятларимизга суяниб, шу билан бирга, тараққий топган давлатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, мана шундай олижаноб интилишлар билан яшаётганимиз, халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган озод, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этаётганимиз, бу йўлда эришаётган ютуқларимизни халқаро ҳамжамият тан олгани — бундай имкониятларнинг барчасини айнан мустақиллик берганини бугун ҳаммамиз чуқур англаймиз.

Ана шу ҳақиқатни халқимиз ҳар томонлама тўғри тушуниб, танлаган тараққиёт йўлимизни онгли равишда қабул қилгани ва қўллаб-қувватлаётгани олдимизга қўйган мақсадларга эришишнинг асосий манбаи ва гарови эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади”¹- деб ёзар экан муҳтарам Президентимиз ўзининг “Юксак маънавият - енгилмас куч” асарида ўта долзарб ва муҳим аҳамиятга эга бўлган масала бўлмиш, маънавий тарбия масаласига бежиз урғу бермаганлар. Зеро, маънавий тарбия масаласи тадқиқот ишимизнинг объекти саналган Герман Гессе ва унинг фалсафий дунёқарашида ҳам марказий ўринни эгаллайди.

¹ И.Каримов. Юксак маънавият енгилмас куч. Маънавият наш. Тошкент 2008 й. Б.2-3.

Маънавий комиллик масаласида умуминсоний бадиий мероснинг фалсафий моҳиятини татқиқ этиш, уни замонавий жараёнга йўналтириш долзарб вазифадир: “ биз бу масалада хушёрлик ва сезгирлигимизни, катъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озиқлаган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин”¹.

Герман Гессе ижоди мураккаб ва қарама-каршиликларга тўла немис воқеълигининг бадиий ифодаси ва нафақат унинг балки бутун инсониятнинг уруш ва қурболиклар акс этган XX аср ҳаётининг фалсафий ечими сифатида намоён бўлди. У ўзининг ҳаёти мобайнида ҳам бу ишнинг амалий ифодасини намоён қилган. Герман Гессе Швецариядаги Германиянинг марказий элчихонасида ишлаётган вақтларида асирга тушиб қолган немис аскарларига китоб тарқатиш билан шуғулланган. Бундан ташқари юқоридаги Президентимизнинг асарларида келтирилган иқтибосда айтилгани каби Гессе ҳам тинчлик ва осойишталик тарафдори бўлган. У нафақат немис миллати, балки умумжаҳон халқларининг тинч ва фаровон яшаши учун умрини сарфлаган инсондир. Гессе вайронкор ғоялар сифатида танқидга олинадиган ҳамда Иккинчи жаҳон уришининг келиб чиқишига сабаб бўлган нацизм ва фашизм таълимотлари билан сира келиша олмаган. Шунинг учун ҳам она юрти Германияни ташлаб Швецарияда яшашга мажбур бўлган. Аммо Швецарияда яшаган вақтларида ҳам немис халқининг осойишталиги, маънавий камолоти учун тиним билмай ишлаган мутафаккирдир.

Фалсафий, хусусан фалсафий тарихий нуқтаи-назардан эса, **биринчидан**, Гессе дунёқараши Уйғониш давридан бошланиб XX асргача давом этган гуманизм ғояларини ўзига хос тарзда синтез қилди. Унда Уйғониш даври, материалистик маърифатпарварлар, романтизм

¹ И.Каримов. Юксак маънавият енгилмас куч. Маънавият наш. Тошкент 2008 й. Б.2-3.

Достоевский, Ницшеларнинг инсон моҳияти, унинг камолоти, идеал жамият ҳақидаги ғоялари ўзига хос тарзда қайта ишланади. “Чўл бўриси” асаридаги Гарри образи фикримизнинг яққол ифодасидир. Бу ҳақида биз тадқиқот ишининг олтинчи параграфида батафсил тўхталиб ўтамиз.

Иккинчидан, Гессе фалсафа тарихи ва адабиётда янгича ифода усулини киритди. Яъни Гессе ўз фалсафий қарашларини фалсафа, санъат, адабиёт, психология соҳаларини мужассамлаштирган герметизм фалсафий оқимига таяниб баён этди. Унинг бу борадаги ишларида инсоннинг ички дунёси – онг ости қисми магиявий театр тушунчаси орқали рамзланади. магиявий театр тушунчаси орқали эса биз юқорида таъкидлаб ўтган Уйғониш давридан тортиб XX асргача бўлган гуманистик қарашлар билан боғлиқ муаммоларга ечим беришга уринади. Хусусан Достоевский ва Ницше томонидан қўйилган “аъло одам” -баркамол инсонга эришиш масаласини ўзига хос тарзда ҳал қилади.

Учинчидан, Бугунги глобал инқирозлар, инсон қалби ва онги учун кураш авж олган ҳамда республикамызда олимларимиз томонидан шундай ғоявий таҳдидлар таъсирига тушиб қолмаслик чора – тадбирлари изланаётган бир пайтда Гессе ижоди ва фалсафий дунёқараши тадқиқи ғоят долзарб саналади. Негаки Гессе дунёқарашлар, қадриятлар ва маданиятлар алмашинуви даврида яшаган бўлиб, ҳар икки давр дунёқараши кураши ўртасида қолган инсон қиёфасини фалсафий жиҳатдан таҳлил қилади ҳамда бу зиддиятларни ҳал қилишга оид ўзига хос ечимлар беришга уринади.

Тўртинчидан, Гессенинг фалсафа, психология, санъат, мифология, дин каби соҳаларни ўзида жамловчи дунёқараши Шопенгпуэрдан бошланиб XX аср экзистенциалистларигача давом этган фалсафий оқимлар сирасига киради. Шу маънода Гессе бугунги кунда кўп урғу берилаётган интеграл дунёқараш асосчиларидан ҳисобланади. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда тадқиқот мавзуи долзарб ҳамда тадқиқ қилишга эҳтиёжманд деб ҳисоблаймиз.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Гессе фалсафий дунёкараши ўз даврида ҳам, унинг вафотидан сўнг ҳам катта қизиқиш билан тадқиқ қилинди. Юртимизда Гессе ижоди деярли ўрганилмаган бўлиб, адабиёт соҳасига оид мавжуд ишлар ҳам жуда кам ҳамда умумий планда ўрганилган. Шу маънода Гессе ижодини фалсафий нуқтаи – назардан тадқиқи биринчи маротаба амалга оширилди дейиш мумкин. Диёримизда Гессе ижоди билан махсус шуғулланган тадқиқотчилардан Мирзаали Акбаровнинг ишлари алоҳида диққатга сазовор. Негаки биргина унинг саъй-ҳаракатлари туфайли ўзбек китобхонлари ва зиёлилари Гессе асарларининг ўзбекча намуналари билан танишиш имконига эга бўлдилар. Хусусан у Герман Гессенинг “Чўл бўйиси” романи, “Бўри”, “Муз остидаги ошиқ”, “Тунги чипор капалак” ҳикоялари, “Нюрнбергга саёҳат” сафарномаси “Курортдаги одам” қиссаларини немис тилидан ўзбекчага ўғирди ва китоб ҳолида чоп эттирди. Аммо умумжаҳон миқёсида Гессе ижоди катта қизиқиш билан турли нуқтаи-назардан тадқиқ этилган.

Гессе ижодининг дастлабки даврларига оид баҳсли жиҳатларини тушунтириш кўпёқлама танқидий ёндашувни талаб қилади. Ёзувчи профессионал адабий давраларга модернизм Европада мукаммал шаклланиб бўлишидан олдинроқ кириб келди. Шунинг учун Гессе ижодини реалистик деб баҳоланиши ҳам бежиз эмас. Бу унинг кейинги асарларини ҳам диққат билан ўрганиш заруратини туғдиради. Олимлар ёзувчининг ижодий наворотлигига алоҳида эътибор қаратиб, унинг ижодини эски қадриятлар қадрсизланиб янги қадриятлар шаклланаётган, бошқача қилиб айтганда хаосдан космосга ўтилаётган бир даврда вужудга келганлигига урғу беришади.

Немис танқидчиси Ф.Бётгер Гессенинг илк ҳикоялари реалистик руҳда ёзилганлиги, кейинчалик эса Гессе ижодий тафаккури аста секинлик билан

модернизм сари йўналганлигини, шу сабаб уни Кафка билан қиёсий ўрганилишини айтиб ўтади¹.

Ёзувчининг дунёқараш тизими, оригиналиги билан, бутун дунё, хусусан олмон зиёлилари ва мутафаккирлари эътиборини ўзига тортди. Лекин бугунги кунгача Гессе дунёқарашини бирёқлама тарзда ўрганилган. Айниқса бу ҳол унинг юксак романнависилик маҳорати билан боғлиқ.

Биринчи жаҳон уришигача Гессе ижодини В.Д.Седельник таклиф қилгандек икки даврга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ. 1899 – 1902 йиллари Гессе ижодида тадқиқотчиларнинг гувоҳлик беришича бадиий поэтик рух устунлик қилади. Бу даврда “Романтик қўшиқлар”, “Тун ярмидан кейинги соат”, “Герман Лаушердан қолган ёзишма ва шеърлар” тўплами чоп этилди. Мазкур асарларда оз бўлсада ёлғизлик, норозилик, инсон олдида турувчи танловга қаршилик кайфияти сезилиб туради.

Бундан ташқари Х.Бехер, Г.Баль, М.Дарендорф, В.А.Седельник, А.Г.Березина, А.С.Науменко ва кўплаб хорижий тадқиқотчилар Герман Гессе ижодини психоанализ оқими хусусан К.Г.Юнг қарашлари билан боғлиқ ҳолда таҳлил этадилар. Малащенко Владимир Владимирович Гессе насрий ижодини хусусан унинг ҳикояларида фаол қўлланилган ўйин мотивига урғу беради. Лазуткина Олеся Александровна эса Гессенинг илк циклик ҳикояларидаги инсон концепцияси ва образига эътибор қаратади. Аммо ҳар икки тадқиқотчилар ҳамда юқорида номлари зикр этилган гессешуносликнинг аксариятлари унинг ижодини адабий публицистик нуқтаи – назардан тадқиқ қиладилар.

Бизг тадқиқот ишимизда юқорида келтирилган маълумотларни назарий умумлаштирган ҳолда Гессе ижодини фалсафий нуқтаи – назардан тадқиқ этиб адиб фалсафий дунёқарашининг яхлит умумий манзарасини чизишга ҳаракат қилдик.

¹ Лазуткина, Олеся Александровна. Концепция человека в циклах рассказов Германа Гессе "По эту сторону", "Соседи", "Окольные пути". Б.4.

Тадқиқотнинг мақсади. Гессе фалсафий дунёқарашини яхлит тизим сифатида олиб қараб, унинг бутун ички зиддияtlари, унда етакчилик қилувчи асосий фалсафий концепциялар ва шу концепцияларнинг назарий манбалари моҳиятини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти. Гессе ижодий мероси.

Тадқиқотнинг предмети. Гессе ижодининг фалсафий моҳияти.

Тадқиқотнинг назарий ва методологик асослари. Гессе асарлари ва дунёқараши шаклланиш жараёни оддийдан мураккабга қараб, тизимли тарзда очиб берилди. Керакли ўринларда унинг дунёқараши шаклланишига таъсир кўрсатган фалсафий омиллар билан Гессе қарашлари қиёсий таҳлил қилинди. Шу маънода ишда таққослаш, ўхшашлик методлари устунлик қилади. Ишнинг моҳиятини кенгроқ ёритиш мақсадида гессешунос тадқиқотчиларнинг илмий ишлари, фикрларидан ҳам керакли ўринларда таҳлил асосида мақсадли тарзда фойдаланилди.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти. Гессе фалсафий дунёқарашини тадқиқ қилиш натижасида XIX асрнинг охири ва XX асрнинг 60 – 70 йилларига оид фалсафа, маданият соҳасидаги Ғарбий Европа хусусан Германияда устуворлик қилган ғоялар тизимини яхлит тасаввур қилишга имкон туғилади. Шу маънода мазкур тадқиқот ишидан фалсафа тарихи хусусан XIX – XX аср немис фалсафаси тарихи, XX аср наср фалсафаси, ахлоқшунослик, нафосатшунослик, маънавият асослари каби предметлар бўйича ўтказиладиган маъруза ва семинар машғулотларида ҳамда юқоридаги предметлар қамраб олувчи мавзуларга оид мақолалар, курс ишлари, малакавий битирув ишларида назарий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Мавзунинг илмий янгилиги:

1. Гессе ҳаёти ва ижоди ўзаро уйғун ҳодисалар эканлиги ва ижод жараёнига руҳий – маънавий муаммоларни ҳал қилувчи ижодий терапия ҳодисаси сифатида қараш лозимлигига алоҳида эътибор берилди;

2. Гессе фалсафий дунёқарашининг эволюцияси ва унинг ғоявий асослари фалсафий тарихий контекстда муҳокама қилинди;

3. Гессенинг мусика борасидаги қарашларининг фалсафий моҳияти очиб берилди ҳамда XIX – XX аср немис файласуфларининг бу борадаги фикрлари билан қиёсий таҳлил қилинди;

4. Герметизм Гессе ижодининг назарий методологик асоси эканлиши ва Магиявий Театр метафораси фалсафий нуқтаи – назардан таҳлил қилинди;

5. Гессенинг гуманистик қарашларининг синтетик моҳияти адибнинг инсон борасидаги ғояларининг назарий манбалари асосида қиёсий таҳлил қилинди. Хусусан “Чўл бўйиси”, “Мунчоқлар ўйини” асарларидаги ёритилган инсон моҳияти тўғрисидаги фикрлари фалсафий фикр эволюциясининг бир қисми сифатида олиб қаралди;

6. Гессе ижоди фалсафий нуқтаи – назардан биринчи марта тадқиқ этилди.

Тадқиқотнинг вазифалари. Тадқиқот мақсадига мувофиқ ҳал этилиши лозим бўлган қуйидаги вазифалар мавжуд:

1. Юртимизда Гессе ижодини фалсафий нуқтаи-назаридан таҳлил қилувчи илмий ишлар мавжуд эмаслигини ҳисобга олиб, унинг ҳаёти, дунёқараш эволюцияси, асарлари, фалсафий қарашларига таъсир кўрсатган ғояларни яхлит ҳолда баён қилиш;

2. Гессе дунёқарашида ҳаёт ва ижод уйғунлиги таҳлилига алоҳида урғу бериш;

3. Унинг дунёқараши эволюциясини кўрсатиб бериш;

4. Гессе дунёқарашининг шаклланишида герметизм фалсафий таълимоти ва мусиқа, умуман санъат омилининг таъсирини таъкидлаб ўтиш;

5. Гессе гуманистик қарашлари тадрижини унинг ғоявий манбалари асосида очиб бериш.

Диссертация илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Мавзу Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети Фалсафа

факультети «Фалсафа тарихи ва мантиқ» кафедрасининг илмий-тадқиқот ишлари доирасига киради.

Ишнинг синовдан ўтганлиги: Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Фалсафа факультети «Фалсафа тарихи ва мантиқ» кафедрасида муҳокама этилди (02.05. 2013, баённома №17) ва ҳимояга тавсия қилинди.

Диссертация натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертацияда баён этилган илмий-назарий хулосалар ва амалий тавсиялар муаллиф томонидан нашр этилган жами 5 та, шундан 1 та ОАК талабидаги журнал мақолалари ва республика илмий-назарий конференцияларидаги маърузаларида ўз аксини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация «Кириш», уч боб, олти параграф, «Хулоса» ҳамда «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»дан иборат бўлиб, умумий ҳажми 103 бет.

I-БОБ. ГЕРМАН ГЕССЕ ҲАЁТИ ВА ДУНЁҚАРАШИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ЭВОЛЮЦИЯСИ

I.1. Гессенинг ҳаёти ва ижодий мероси

Швецариялик таниқли немис адиби, рассоми ва эссеависи, XX асрнинг ўзига хос ноёб истеъдод соҳибларидан бири Герман Гессе ўзига хос фалсафий дунёқараш эгаси эди. Ўтган асрнинг 60 – 70 йилларга келиб АҚШлик ҳамда Япониялик ёшлар томонидан унинг ижодига оммавий тарзда қизиқиш бошланди. Бугунги Россияда эса унинг ижодига бағишланган махсус сайт кўпдан буён ишлаб турибди.

XX аср 60 – 70 йилларида Гессе АҚШ ва Япониялик ёшлар орасида жуда машҳур бўлган. Гессе XX аср ёшлари муаммолари интилишлари ва қизиқишларини ўзининг шеър, қисса, хат, мақола ва романларида кенг акс эттирган юксак истеъдод соҳиби саналади. Дастлабки юксак ижод намунаси бўлган 1904 – йилда чоп этилган “Питер Каминзид” асаридан бошлаб ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратади, шунингдек Эмиль Синклер тахаллусида остида ёзилган “Демиан”, “Чўл бўриси” каби асарларида ҳам мазкур муаммога мурожаат қилиб янада кенгроқ китобхонлар аудиториясини қамраб олишга муфаввақ бўлади. Гессе улғайиб ижоди ҳам етукликка эришган пайтларда ўз асарларида бир мунча универсал руҳоний – экзистенциал фалсафий психологик муаммоларга мурожаат қилганлигини кўришимиз мумкин. Шу сабабдан Гессенинг китобхонлари доираси ҳам нисбатан етук, чуқур фалсафий мушоҳадага эга бўлган кишилар ҳисобига кенгаяди. 1946- йилда “Мунчоклар ўйини” асари учун адабиёт бўйича Нобель мукофотини қўлга киритади. 1946 – йила Гёте, 1955 – йилда “Немис букдиллер”ларининг тинчлик мукофоти совриндорига айланади.

Гессе Германиядаги Шварцвальдда таваллуд топган бўлишига қарамасдан умрининг кўп қисмини Швецарияда ўтказди. 1895-1904-

йилларда пиетистлар харакатининг миссионери сифатида оиласи билан биргаликда Швецариянинг Базель шахарчасида истиқомат қилади. Германияга бир муддатлик ташрифидан сўнг 1912 – йилда доимий яшаш жойи бўлган Швецарияга қайтиб кетади. 1923 – йилда Гессе Германия фуқаролигидан бутунлай воз кечиб Швецариянинг доимий фуқаролигини қабул қилади.

Гессенинг ёшлиги ташвишли дамларга бой бўлган. Гессе болалигаданок ёрқин иъстедод соҳиби бўлиб, қизиққан нарсаларини катта тезлик ва энгиллик билан ўқиб ўзлаштирарди. Мактаб таълими уни унчалик қизиқтирмаган. 1891 – йилда Маульбарондаги мактабга бора бошласа-да, у ердан ҳайдалади. Мактаб таълимига ўзини кўнктиришга бўлган уринишлари самарасиз якун топгач, дастлаб соатсозга кейинчалик эса китоб сотувчисига шогирд тушади.

Шу ерда у адабий жамоа – “Le Petit Ce'nacle”га аъзо бўлади. Айни пайтлардан унинг ёзувчилик истеъдоди намоён бўла бошлаган эди. 1899-йилдан унинг илк ижод намуналари чоп этила бошлайди. Ўзининг ўқувчилик даврлари ҳақида эслаб Гессе: “Мен бошқариб бўлмас қулоқсиз бола эдим”-деб ёзади. 1893 – йилда отаси бу ҳолни куйидагича ифодалаб беради: “Қанчалик ҳақоратли ва тубанлик бўлмасин, жиддий ўйлаб кўриб унга мутлоқ бегона одамлар билан бирор-бир ташкилот ёки фермага жойлаштиришга мажбур бўлдик. Биз унинг учун жуда асабий ва заиф эдик¹. Ниҳоят оиласи у билан бирга эди. У китоб сотувчи бўлиб ишлаётган ўқувчилик пайтларидаёқ ўзининг илк “Романтик қўшиқлар” китобини ёза бошлади, 21 ёшга кирганда уни чоп эттиришга муваффақ бўлди. 27 ёшида чоп эттирган “Питер Каминзед” асаридан кейин Гессе ижоди автобиографик хусусият касб эта бошлади.

¹ Paul A. Schons. A winner of the Nobel Prize for Literature:Hermann Hesse. Originally published by the Germanic American Institute in August, 2000. Б.1.

“Сидхардха” номли асарига олинган филм ўз даврида култьфилм даражасига кутарилган эди¹. XX – асрнинг машҳур рок гуруҳларидан бири ўз номини адибнинг “Чўл бўйиси” асарига таклидан “Steppenwolf” деб атаган.

Унинг биринчи турмуш уртоғи Мария Бернулли эди. (1868 – 1963) Мария Бернулли ундан 9 ёш катта ва у суратчи бўлади.

Унинг 1911-йилда дунёга келган ўғли Мартин бетоб бўлиб қолади. Мартиннинг даволаниш жараёни узокқа чўзилади. Мартинни Кирхдорфга Ёҳана ва Алиса Ринжиер оиласига 1914-1927 йилларда боқиб олинган ўғил сифатида юборишади. 1914- йилда Гессе ўз хоҳиши билан немис армиясига хизматга боради, аммо соғлиғи туфайли кейин у ердан четлатирилади. Жаҳон уруши вақтида у Швецарияда яшайди. Немис элчихонасининг марказий идорасида ишлайди ва немис асирларига китоб тарқатиш билан шуғулланади. 1916-йилдан у тасвирий санъат билан ҳам шуғуллана бошлайди.

Унинг “Демиян” романи Томас Ман томонидан юқори баҳоланади. Роман Биринчи Жаҳон уруши қатнашчиларининг эътиборини қозонади. Бу асар Эмиль Синклер муаллифлиги билан чоп этилади. Кейинчалик “Ньюбергга саёҳат” асарида ёзилганидек пешонасига курол тираб таҳдид қилганларидан сўнг асар муаллифи ўзи эканлигини тан олишга мажбур. 1919- йилда у ўз оиласини қолдириб, Лугано яқинидаги Монтаньолага кўчиб келади. Бу ердаги эски уйнинг балконида, 1920-йилда ўзининг “Клингзорнинг сўнгги ёзи” асарини ёзади². Гессе 1919 – йилда Швецариялик ёзувчининг қизи Рут Венгер билан танишади. 1922- йилда у Рутга бағишлаб асар ёзади. Бу асарда қаҳрамонлар қари дарахтларга айланиб қолади ва ёш кизга бўлган муҳаббатлари туфайли яна ёшаришади.

¹ Paul A. Schons. A winner of the Nobel Prize for Literature:Hermann Hesse. Originally published by the Germanic American Institute in August, 2000. He was intensely popular among young people in the United States during the sixties and seventies. The film version of his *Siddhartha* became a cult film. A popular rock group bore the name of his novel, *Steppenwolf*.

² German poet and novelist. Hesse.ru.

1924- йилда у Рут Венгерга уйланади. 1919-1966 йилларда, Веймар Республикаси вақтида сиёсий ишлардан четроқда яшайди. 1928-йилда “Betrachtungen”(Мулоҳазалар) ва “Kreig und Freiden” асарлари унинг индивидуализмга оид қарашларини акс эттиради.

1931 – йилда у Неннон Гессе Долбинга уйланади. У яҳудий эди. У Гессега 1909 – йилда (14 ёшида) илк бора хат ёзади, шу тариқа улар хат ёзишиб туришади. 1931- йилда Гессе “Мунчоқлар ўйини” асари устида ишлай бошлайди. 1942- йилда Герман Гессе асар қўлёзмасини чоп эттириш учун Берлинга юборади.Урушдан кейинги йилларда ушбу асар немис мактабларида ўқитила бошлайди.

Нобель мукофоти олгандан кейин Гессе ҳеч қандай жиддий ишлар чоп эттирмади. 194-1965 йиллар оралиғида у 50 га яқин шеърларни Швецария газеталарининг саҳифаларида нашр эттиради. 6 йил давомида у лейкомия билан оғриган бўлиб, у 1962 – йил 9 – августда 85 ёшида мияга қон қуйилишидан вафот этади.

Гессе асарларида инсон руҳий борлиғининг жиддий тадқиқини кузатиш мумкин. Ушбу асарларнинг тез оммалашувининг сири ҳам шунда эди. Гессе дунёнинг турли чеккаларидан шахсий маслаҳатлар сўраб, мурожаат қилинган мактублар олиб тургани ҳам бежиз эмас эди¹.

1904-йилда ёзилган “Питер Камензид” номли асари ҳам Гессе учун ижодий юксакликлар эшикларини очиб берди. Кейинчалик ёзувчи “Эмиль Синклер” таҳаллуси остида “Демиян”, “Чўл бўйиси” номли шоҳ асарларини ёзди. Айниқса “Чўл бўйиси” асари китобхонлар томонидан ҳаяжон билан мутоала қилинди. Чунки унда ўз даврининг кўплаб руҳий-фалсафий муаммолари акс эттирилган. Шунинг билан бир қаторда уларга ўзига хос ечимлар беришга уринилади. Муҳими шундаки, асарда қамраб олинган

¹ Paul A. Schons.A winner of the Nobel Prize for Literature: Hermann Hesse.Germanic American Institute in August, 2000. Б.4.

муаммолар ва уларга берилган оригинал фикрлар, глобал инқирозлар авж олиб бораётган бугунги кунда ҳам ҳал қилувчи ўрин тутadi.

Унинг илк “Романтик кушиқлар” китоби 21 ёшида чоп этилади. Гессе асарлари китобхонлар томонидан ўзлари ҳақида ёзилган асардек қабул қилинади. Негаки, автобиографик хусусиятга эга бўлганлиги туфайли, уларда ўша даврда кечаётган ижтимоий – тарихий жараёнлар, ҳамда ўша замон кишисини қийнаган индивидуал – психологик муаммолар акс этиши табиий ҳол. Аниқроқ айтганда Гессенинг ҳаёт йўли ва ижоди ўзаро бир – бирини тўлдирувчи ҳодисалар сифатида намоён бўлади. Бу ҳодисани инсоннинг, хусусан ижодкор руҳи бетакрор индивидуаллиги “Мен”ини излаш йўлидир десак муболаға бўлмайди. Гессе ижодининг бу синкритик хусусиятлари кўплаб омиллар таъсирида вужудга келганлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Гессешунослар унинг ижодига, бир томондан, немис романтизмнинг, айниқса, Гёте, Шиллер, Новалис каби классикларнинг, иккинчи томондан, ўша давр маданиятида энг шуҳрат қозонган ҳодиса бўлмиш руҳий таҳлил оқимининг, учинчи томондан, Ғарб ва Шарқ маданиятлари орасида ҳамда санъат, айниқса, мусиқа ва фалсафий қарашлар орасида боғланишнинг узвийлиги катта таъсир кўрсатганини, қолаверса, даврининг ўта зиддиятли ва инқирозли шарт – шароитлари уни ноёб ижод соҳиби қилиб етиштирганини қайд этишади. Масалан, унинг дўсти, биографи ва ёзувчи Хуго Балл айтишича, “Г.Гессе шавкатли романтиклар сафининг энг сўнгги рицари”¹ бўлган. Бу унинг барча асарларида акс этиб туради. Гёте образи эса ҳатто ёзувчи асарида бевосита қатнашади ҳам.

Руҳий таҳлил оқими таъсирига берилиши эса бутун Ғарб маданиятида кечаётган инқирознинг руҳиятига қандай таъсир этганини кўрсатади. Руҳий таҳлил Гессега ўзлигини топишига ёрдам бера оладиган таълимот сифатида намоён бўлган эди.

¹ А. Г. Березина. Герман Гессе. — Л.: 1976. — Б. 21.

Гессе Ғарб файласуфлари Платон, Спиноза, Ницше, Шопенгауэрлардан каттиқ таъсирланган, бироқ уларнинг ҳеч бири унинг Ҳинд кейинчалик Хитой фалсафаси каби таъсир курсатмаганлигини ёзади адиб. “Сидхардха” асари айни қизиқишнинг махсули бўлса ажаб эмас.

Гессе ижодини дастлаб даврларига оид бахсли жиҳатларини моментларни тушунтириш, кўпёқлама танқидий ёндашувни талаб қилади. Ёзувчи профессионал адабий давраларга модернизм Европада мукаммал шаклланиб бўлишидан олдинроқ кириб келди. Шунинг учун Гессе ижодини реалистик деб баҳоланиши ҳам бежиз эмас. Бу унинг кейинги асарларини ҳам диққат билан ўрганиш заруратини туғдиради. Олимлар ёзувчининг ижодий наворотлигига алоҳида эътибор қаратиб, унинг ижодини эски кадриятлар қадрсизланиб янги кадриятлар шаклланаётган, бошқача қилиб айтганда хаосдан космосга ўтилаётган бир даврда вужудга келганлигига урғу беришади.

Немис танқидчиси Ф.Бётгер Гессенинг илк ҳқоялари реалистик руҳда ёзилганлиги, кейинчалик эса Гессе ижодий тафаккури аста секинлик билан модернизм сари йўналганлигини шу сабаб уни Кафка билан қиёсий ўрганилишини айтиб ўтади¹.

Ёзувчининг дунёқараш тизими, ажралиб турувчи оригиналлиги билан, бутун дунё, хусусан олмон зиёлилари ва мутафаккирлари эътиборини ўзига тортди. Лекин бугунги кунгача Гессе дунёқараши бирёқлама тарзда ўрганилган. Айниқса бу ҳол унинг юксак романнавислик маҳорати билан боғлиқ.

Биринчи жаҳон уришигача Гессе ижодини В.Д.Седельник таклиф қилгандек икки даврга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ. 1899 – 1902 йиллари Гессе ижодида тадқиқотчиларнинг гувоҳлик беришича бадиий поэтик руҳ устунлик қилади. Бу даврда “Романтик қўшиқлар”, “Тун

¹ Лазуткина, Олеся Александровна. Концепция человека в циклах рассказов Германа Гессе "По эту сторону", "Соседи", "Окольные пути". Б.4.

яримидан кейинги соат”, “Герман Лаушердан қолган ёзишма ва шеърлар” тўплами чоп этилди. Мазкур асарларда оз бўлсада ёлғизлик, норозилик, инсон олдида турувчи танловга қаршилик кайфияти сезилиб туради.

1904 – йилдан, 1954 – йилгача бўлган ижодини сархисоб қилар экан жумладан шундай дейди Гессе: менинг “Питер Коменцет”дан “Чўл бўйиси”гача ундан “Йозеф Кнехт”гача бўлган асарларим ҳеч қандай тенденция ва ҳеч қандай мақсад кўзлаб ёзилмаган¹. 1902 – йилда чоп этилган танланган асарлар тўпламига киритилган “Раритет” ҳикоясида Гессе ўз хисобидан кам нусхада чоп эттирган дастлабки шеърлари устидан истехзо қилади.

Гессе орқали 60 – 70 йилларда АҚШда Ҳинд фалсафасига қизиқиш сезиларли даражада ортганлигини кузатиш мумкин.

У диндор оилада тўғилган бўлиб, ота – онаси протестантлик мессионерлари бўлганлар. Она томондан бобоси Герман Гандред Ҳиндистонда мессионерлик фаолияти билан шуғулланган. Онаси Мария Гессе Ҳиндистонда мессионер оиласида таваллуд топган бўлиб, ота – онасининг қистови билан ўқийди ва протестантликнинг гуллаб яшнаши учун мессионерлик билан шуғулланади². 1911 – йилда, яъни 34 ёшида у 4 ой Ҳиндистода истиқомат қилгади

Келиб чиқиши Болтиқ буйи немисларига бориб тақалувчи отаси Иоган Гессе ҳам протестантлик Пастори, ҳамда илоҳиётшунос олим бўлган. Гессе бобосиникида яшаган йилларидаёқ Ҳинд фалсафасига оид китоблар билан таниша бошлайди. Бобосининг уйида бўлиб ўтадиган Европалик ва Ҳиндистонлик олимлар иштирокидаги йиғинлар ҳам бу борадаги билимларининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этган. 1911-йилда Ҳиндистонга қилган тўрт ойлик сафаридан сўнг у Европага ҳиндуизм бўйича

¹Ўша асар.Б.8.

²Лазуткина, Олеся Александровна. Концепция человека в циклах рассказов Германа Гессе "По эту сторону", "Соседи", "Окольные пути".Б.8.

кучли олим бўлиб қайтади ва 1922 – йилда унинг “Ёш Будда, Сидхардха” ҳикояси чоп этилади.

Умуман олганда Гессе ижодидаги ҳиндуизмнинг таъсири тасодифий эмасди. Инжиқ табиатли бўлишига қарамасдан Гессе болалик вақтлариданок тенгдошларидан мустақиллиги ва ўткир мушоҳадалари билан ажралиб турган. Онаси эсталикларида Гессе ҳақида ёзаркан. Қалам ва қоғоз унинг доимий ҳамроҳи бўлганлигига алоҳида ўрғу беради¹. Бироқ ота-онаси Гессенинг ҳам ўзлари учун ягона ҳақиқат саналавучи, ҳамда олти авлоддан буён меърос бўлиб келаётган мессионерлик фаолияти билан шуғулланишини хоҳлаганлар. Бўлажак адиб эса санъат билан машғул бўлишни афзал кўрарди. Шу пайтларда Гессе шоир бўлишга қарор қилганди. Унда болалик чоғларидан руҳий эркинликка интилиш мавжуд эди. Амакиваччасининг семинариядан қочиб мустақил ижод билан шуғуллана бошлаши, унинг қарорини қатъийлаштирди. У ҳам амакиваччаси сингари мустақил ижод билан шуғулланиш учун семинариядан қочиб кетади. Санъат унинг учун нафақат ўз ижодини воъқе этиш йўли балки, руҳий-жисмоний лохасликларни енгиш усули ҳам эди. Характеридаги инжиқлик, атрофдагиларга қўпол муомалада бўлиш, эрксеварлик ота-онаси тайёрлаб қўйган қисмат билан келиша олмаслигини кундай равшан қилиб қўйди. Малбурн семинариясидан қочгач, озодлигига нисбатан таҳдидларни сезиб юрди. Бироқ унинг эркинлиги узоққа бормади. Гессени семинарияга қайтиб олиб келинади, ҳамда жазоланади, кимники дўст деб билган бўлса уларнинг барчаси эрксевар Гесседан юз угирдилар. Ва ниҳоят Герман депрессияга тушиб қолади ҳамда ўзини- ўзи ўлдиришга уринади. Кейинчалик уни қайта тарбиялаш мақсадида болалар пасторига юборилади. Иккинчи марта ҳам бу ҳол такрорлангач, ноёб истеъдод соҳибига ахлоқий телбалик ташҳиси қўйиб, тарбиячиларнинг маслаҳати билан руҳий касаллар шифохонасига

¹ Канарш Г.Ю. Творческие терапия. Б.3

юборилади¹. Айти касаллик ҳам Гессе ҳаёти ва ижодининг ажралмас жиҳати саналади. У ўлим тўшагида ётган онасининг олдида бўлишга бардоши етмасди. Оиласидаги, бундай кўнгилсизликлардан қочиб, алкоголизм ва саёқтабиатликни одат қилади.

Энди у қочоққа айланган эди. Унинг ҳаётдан бу тарзда қочиши атрофдаги ижтимоий муҳитга нисбатан норозилиги ифодаси эди. Адибнинг бу хатти- ҳаракатлари “Мунчоқлар уйини” асарининг қаҳрамони Жозиф Кнех ва “Чўл бўйиси”даги Гарри Галлерни эсга солгандек туюлади. Гессе ушбу қаҳрамонлари сингари бир томондан ижтимоий тартибот тарафдори бўлса, бошқа томондан ўз руҳий эркинлигини ижтимоий тартибот қолипларига солишни истамасди.

Гессенинг ноёб қобилиятида хассостабиатлик ва жонли аналитик ақл мужассам эди. Қобилиятининг ҳиссий жиҳати асоссиатив хусусиятга эга эди. Аниқроғи баҳор образи унда Бужин ҳиди, Шуберт мусиқалари билан воёқе бўларди. Мусиқа тинглаганда ҳам худди шу ҳол руй берарди. Қобилиятининг тафаккур аспекти аутизмга боғлиқ ҳолда, ўзига хослик касб этади. Бу ҳол реал воёқеликдан узилган ўз ҳаёллар дарёсига чуқур шунғиган кишиларда кузатилади, натижада Гессе ўзининг бошқаларга ўхшамаган киши эканини англаб етган. “Сабабият ҳаётда мавжуд эмас, у фақат тафаккурда бўлади. Табиатдан бутунлай ажралиб қолган батамом маънавий инсон албатта ўз ҳаётида узлуксиз сабабли боғланишларини топа олган ва ўз онгига тушунарли бўлган сабаб ҳамда далилларни бирдан бир ягона деб ҳисоблашга ҳақли бўла олар эди, ахир у буткул онг шуурдан иборат бўлган бўларди-да². Масалан , соат стрелкаси айланишини оддий кишилар тартибот деб тушунса, Гессе образли тафаккури мангуликни ўзига сингдирган доимий ҳаракат сифатида идрок этади. Бўлажак ёзувчи битирув имтиҳони топшираётиб

¹ Канарш Г.Ю. Творческие терапия Б.3

² Нюрнбергга саёхат:сафарнома:кисса ва хикоялар/Х.Хессе;таржимон М.Акбаров—Тошкент:Ўзбекистон, 2012.-26 б.

кийин бир муаммони ҳам шу асосда ҳал қилади. Юнонча “*paragus*” сўзини тамаки ва қоғоз сўзлари ёрдамида ифодалайди¹.

Қизиғи шундаки гарчи бу аналогия қадимги юнон тилида ҳеч нарсани билдирмаса ҳам, бугунги кунда ўз маъносига эга. Бироқ ундаги даҳолик ҳамиша ҳам унга ижобий таъсир курсатавермаган, депрессиялар, бош оғриғи ошқозон касалликларини келтириб чиқарган. Туғрироғи унинг асаб тизимига анча салбий таъсир қилган. Ёшлигидаги юқорида тилга олинган кийинчиликлар, бетартиб оилавий ҳаёт (адиб уч марта турмуш қурган бўлиб, улардан охиргиси нисбатан муваффақиятли бўлган), иккита жаҳон уруши даврида яшаганлиги, касалликлар билан қўшилиб руҳий мувозанат бузилишига олиб келган.

Акаси Ганс ана шундай депрессиялар оқибатида ўзини – ўзи бошқара олмай жонига қасд қилади. Гессени бундай фожеадан унинг кенг маънодаги ижодий фаолияти асраб қолган. Кенг маънодаги ижодий фаолият деганда фақатгина у яратган асарлар эмас, балки унинг санъатга, жумладан мусиқа ва тасвирий санъатга, психоанализ ҳамда боғдорчиликка бўлган қизиқишларини тушуниш лозим. Айниқса психоанализ ижодининг шаклланиши, депрессиядан халос бўлишига таъсир кўрсатган. Шахсан Карл Густав Юнг кўлида даволанган. Юнгнинг шогирди Иосеф Ланг диний символлар кўмагида дўнёқарашини ривожлантирган. Психоанализ Гессега ички руҳий зиддиятларини ҳал қилишда ёрдам берган. Бадий ижодий тафаккурида эса психосимволлардан фойдаланиш кўринишида намоён бўлади. Доктор Ланг ва Гессе ўзаро ижодий таъсири ўлароқ адибнинг “Демиян” асари дунёга келди. “Сидхардха” асарини ёзиш мобайнидаги уч йиллик ижодий жараёндан кейинги депрессиядан чиқишда ҳам “психоанализ” кўмагига таянди.

Аммо, бизнингча, булар орасида Гессени буюк сиймо қилган ва кўплаб ёш авлоднинг жону дилига айлантирган бир сир алоҳида ўрин тутди. Бу Гессе ижодининг мусиқа билан уйғунлигидир. Бу уйғунлик Герман

¹ Канарш Г.Ю. Творческая терапия Б.5.

Гессенинг “Чўл бўриси” асарида мусиқа ҳақида олдинга сурилган жуда оригинал ва қизиқарли концепциясидан келиб чиқади. Гап шундаки, Гессе яшаган давр ўз мусиқий маданиятини шакллантира бошлаган ва бу маданият классик мусиқа маданияти билан зиддият ҳолатида эди. Гессенинг бош қаҳрамони Гарри Галлер классик мусиқий маданиятнинг оташин ҳимоячиси бўлиб, унинг антиподи бўлган саксофонист Пабло эса, аксинча, янги мусиқий маданият – Жаз намояндаси эди. Гаррига классик мусиқагина энг тоза, энг буюк санъат намунаси бўлиб туюлар эди. Лекин, негадир, фақат, нолаю ғамга тўлиқ эди. Жаз эса, аксинча, бутун ҳаётни нуқул қувноқ ўйин, хазилга айлантирарди. Асар қаҳрамони бу икки хил мусиқанинг инсон ҳаётидаги ўрнини ажратишга уринади ва охир оқибат ҳар иккисининг бир бутунлигини англаб етади, ҳатто Пабло ролида ўзини кўради.

Асарда олдинга сурилган бу мотив, мураккаб давр маънавиятининг Гессе каби ижодкорлар ва мутафаккирлар олдида қўйган долзарб муаммоси бўлиб, унда Ўрта асрлардан бошланган ва романтизмга қадар бўлган Европа маданияти ҳамда фалсафаси инқирозига, аниқроғи, Ницше алоҳида эътибор қаратган Аполлонча ва Дионисийча маданиятлар орасидаги зиддият акс этган.

Нобель мукофоти олгандан кейин Гессе ҳеч қандай жиддий ишлар чоп эттирмади. 1945 – 1965 йиллар оралиғида у 50 га яқин шэърларни Швецария газеталарининг саҳифаларида нашр эттиради. 6 йил давомида у лейкемия билан оғриган бўлиб, у 1962 – йил, 9 – августда 85 ёшида мияга қон қуйилишидан вафот этади.

Умуман олганда Гессе дунёқараши ва ижоди унинг ҳаётий кечинмалари маҳсули дейиш мумкин. Канарш Г.Ю.нинг таъбири билан айтганда “Гессе учун тафаккур қилиш жараёни ижодий терапия хисобланади”.

I.2. Гессе дунёқарашининг асосий хусусиятлари ва эволюцияси

Таниқли олмон адиби Герман Гессе ўзининг зиддиятларга бой буюк тақдири ва ижоди билан бир вақтнинг ўзида ҳам севиб ўқиладиган, ҳам инкор қилинадиган юксак исътедод соҳиби эди. Унинг ижоди ва ҳаёт йўли кўп бор таъкидлаб ўтилганидек маданиятлар алмашинуви, юксак илоҳий хисобланувчи қадриятларнинг қадрсизланиши, фан ва ақл маҳсули деб қаралаётган бугунги кун утилитар прагматик ҳамда нигилистик дунёқараш шаклланаётган, инсонлар онги ва қалбида эътиқодий ҳамда мафкуравий жихатдан иккиланиш пайдо бўлган бир даврга тўғри келди.

Балки адиб ижодида турли хил нуқтаи – назарлар, қарама – қарши кутбларнинг ўзаро гармонияси усталик ва юксак маҳорат билан акс эттирилганлиги туфайлиги у 60 – 70 йиллар Европа, АҚШ ва Япония ёшларининг кумирига айланган бўлса бежиз эмас. Герман Гессе XX– аср Ғарбий Европа маданиятининг энг мураккаб шунинг билан бир қаторда серқирра феноминидир. Гессе дунёқарашини асрлар оша бир неча авлод мероси билан бойиб борган немис интеллектуаллари руҳиятининг эволюцияси дейиш мумкин. Бироқ унинг дунёқарашини биргина немис ментелетети ва фалсафа билан чеклаш ножоиз бўлар эди. Герман Гессе нафақат ўз даври, балки бугунги кун муаммоларини ҳам муҳокама қилар экан, уни бевосита руҳнинг, маънавиятнинг тадрижи билан узвий алоқадор ҳолда ёритишга уринди. Унинг “Мунчоқлар ўйини” асари фикримизнинг яққол далилидир. Унинг ҳар бир асари руҳнинг, қалбнинг, шахснинг, индивиднинг ҳамда борлиқ диалектикасини чуқур таҳлил қилган юксак ақлнинг автобиографияси дейиш мумкин. Етук Гессенинг маънавий – ахлоқий мўлжалларига эътибор қаратар эканмиз, ўзини ўраб турган кўплаб маданиятлар таъсирига тушиб қолган ижтимоий муҳит тор маънода ҳам, кенг маънода ҳам узлуксиз ўзгариб турганлигига, ёзувчи хулқ – атвори ва дунёқарашидан ўзгаришларни талаб қилган ва уни қатий тарзда шунга

ундаган бўлишига қарамасдан ўз шахсияти ва ахлоқини сақлаб қолганлиги амалий жихатдан ўзгармаган ёки жуда кам ўзгарганлигини кузатишимиз мумкин.

Гессенинг ҳикоялари, шеърлари, “Демиян”, “Чўл бўйиси”, “Сидхарта” асарларидан ташқари фалсафий гуманистик утопияси бўлмиш “Мунчоқлар ўйини” шунингдек танқидий руҳдаги ижтимоий – сиёсий, публицистикаси ва эсселари ҳам машҳур. Публицистика ва эсселарисиз Гессе ижодини тўлиқ тасаввур қилиш имконсиз. Гоҳо Гессе ҳақида қандайдир аскетик, узлатга чекинган, ҳатто шундай руҳдаги таълимотларда таъкидлангани каби олам моҳиятини англаган авлиё, ижтимоий – сиёсий ҳаётдан буткул узилган, руҳоний сифат инсон деган фикрлар ҳам йўқ эмас. Лекин Гессенинг публицистикаси ва ёзишмалари бунинг аксини исботлайди. Уни бир сўз билан ўз даври ижтимоий – сиёсий ҳаётини тўла акс эттира олган ва шу борада узоқ келажакка дахлдор прогнозлар қила олган, биров муболаға бўлсада ҳақиқий сиёсатчилардан кўра кўпроқ узоқни кўра олган ёзувчи сифатида кўрамиз. Генераллар, банкирлар, курул савдогарлари сиёсати бўлмиш империализм ва национализмдан буткул юз ўгириб, яхлит инсоннинг шахсияти устуни бўлган сиёсий виждонни ва ахлоқни бирламчи ўринга қўйувчи гуманистик сиёсат тарафдори бўлган. Гессе жамиятдан, ижтимоий ҳаётдан узилиб қолганлиги ва ундан нафратланганлиги учун индивидуализмни мутлоқлаштирмади, аксинча жамият ва индивид ўртасида гармония ҳосил қилиш учун уларни диалектик нуқтаи – назардан ўзаро қарама – қарши қўйди. Унинг учун жамият ўз – ўзидан ташкиллашган ва маълум ижтимоий қонуниятлар асосида ривожланувчи ҳодиса ҳисобланиб, пунктуал тарзда регулятив функция бажарган.

Гессе шахс ўзлигини англаш учун ўзининг туб моҳияти макрокосмнинг инъикос бўлган микрокосмик субстанциялар “мен”ини англамоғи зарур деб ҳисоблайди. Лекин ўз – ўзини англаш, унда ҳеч қачон ички муаммолар билан чегараланмаган. “Ўз – ўзига қайтиш” оламда ўз – ўзини топишни англатиб,

инсон бўлишни буюк санъатини ўрганиш керак ва ўзлигини йўқотмаган холда ўзгалар ичида яшаши керак деган маънода англашилади, Гессенинг бу қарашларидан. Гессенинг герметизм фалсафа билан танишлиги ҳамда герметизм билан ўзаро ўхшашлик касб этувчи хиндуизм тасаввуф фалсафасида ҳам шунга ўхшаш фикрларни ҳам қўплаб учратиш мумкин. Мазкур мураккаб ўз – ўзини англаш санъати борасидаги Гессе қарашлари нафақат унинг “Ўз ахлоқим” ва “Бошпанам” эссеси балки унинг барча хатларида ҳам акс этиб туради.

Гуманизмни қуйлар экан Гессе, инсоннинг кечки буржуа жамиятига сингиб кетиши эмас, балки унинг юксалиши, ўзлигини англаши, ҳамда намоён қилишига қўмак беради. У маркисизмга бўлган муносабатини шундай дейди: “катта масштабда Маркс ва менинг ўртамдаги маъно жihatдан фарқ шундаки, Маркс бутун оламни, мен эса алоҳида инсонни ўзгартиришни хоҳлайман, Маркс оммага, мен эмас индивидга мурожаат қиламан”¹. Гессенинг мазкур фикри собиқ Совет сиёсатидан фарқланувчи бугунги кун сиёсатимизни ҳам акс эттиради. Республикамизда олиб борилаётган бугунги кун давлат сиёсати, шахс давлатга эмас, давлат шахс манфаатларига хизмат қилиши керак, деган ғояга асосланади. Юксак маънавиятли баркамол шахслардан ташкил топган фуқаролик жамияти қуриш борасидаги интилишларимизга ҳам Гессенинг юқоридаги фикрлари мувофиқ тушади. Республкамизда нафақат бутун давлат ва жамият балки алоҳида шахснинг баркамоллиги ва фаравонлигига катта эътибор қаратилмоқда. Миллий ғоямизнинг бош ғояларидан саналувчи комил инсон идеали ҳам фикримизнинг яққол далилидир. Гессе инсон дастлаб етуклик ва маъсулят хисси ҳақида ундан кейин эса, дунёни ўзгартириш хусусида ўйламоғи лозим деб ҳисоблайди.

¹В. Седелник. Я верю в законы человеческого рода. Hesse.ru Б.3.

Рухоний пиетистик миссионерлар оиласида туғилганлиги туфайли Гессе автобиографик ижодини диний руҳда талқин қилиш ҳам учраб туради. Христианликнинг пелитизм оқимини тушунмасдан Гессе дунёқарашини англаш қийин. Гессенинг жанубий Германиядаги Шваблар шаҳарчасида шаклланган пелитистик диний дунёқараши унга бир умр ҳамроҳ бўлди. У бу борада ўзининг “Ньонбергга саёҳат” асарида ҳам озми – кўпми ишоралар беради. Бироқ Гессе дунёқарашини биргина унинг болалиги билан боғлаш тўғри эмас. Хатларида корреспондентларнинг берган саволларига ўз дунёқарашининг замон билан ҳамнафас тарзда умр бўйи шаклланиб бойиб боришини таъкидлаган. Бадиий ижодидан фарқли ўлароқ Гессе хатлари ва публицистикасида Гессе шахсияти янада тўлароқ намоён бўлади. Гессенинг мазкур меросида у “Ньонбергга саёҳат” асарида айтганидек “бутун бир кунларини бекорчилик билан ўтказувчи, қўққисдан келадиган илҳомни кутиб ўтрадиган зоҳиднамо ёзувчигина эмас, балки ҳиссий ва ақлий тарбияси устида қаътий ишлаган уларни бойитиб борувчи шахс сифатида намоён бўлади”.

30 – йиллар воқелигига жавобан ёзилган “Адибнинг миссияси”номли очик хатида:“Жангавор шухратпарастлик менинг табиатимга бегона деб ёзади Гессе. “Балки бу миссия қандайдир классик шоирнинг миссияси бўлиши лекин, меники эмас. Менинг ҳаёт ва ижодим яқинлиги танқидчиларга кўринганидек уйғунликка эга эмас, аксинча қайғу ва эътиқоддан маҳрум бўлмаган узлуксиз курашлардан иборат”¹.

Гессе “индивидуаллик”ни унинг ижтимоий шакли билан алоқасидан излаган ва топган. Ўз вақтида ижтимоий ҳамкорлари бўлган “Симплициссимус”, “Мерц”, “Вивос воко” журналларида фаол иштирок этган. Аммо Гессенинг асосий ижтимоий коммуникация воситаси унинг ёзишмалари саналади. Кўп сонли корреспондентларга жавоблари, қисқа

¹В. Седельник. Я верю в законы человеческого рода. Hesse.ru Б.5.

муддатли ёзишмалари, эпизодик ва ўн йилга чузилган, битта шахсга каратилган хатлари, иқдор хатлари ва очиқ хатлари, “маслашдошларига ёзган хатлари” ёзувчининг жамият билан иккиёқлама таъсирга эга бўлган алоқа усули эди. Хатлар устида у жиддий эътибор билан ишларди. Ижодининг кейинги давларида мазкур мактублар хатто етакчи ўрин эгаллай бошлади.

Одатда хатлар муаллифнинг вафотидан сўнг меросхўрлари томонидан тўпланиб чоп этилади. Гессе ҳаётида мобайнида мактубларни фалсафий дунёқарашни ифодалашнинг энг таъсирчан ва тезкор жанрига айлантирди. У ўз мактубларидан нусхалар олиб маълум тасниф асосида китоб кўринишида чоп эттирди. Гессенинг мактублари нафақат унинг ҳаёти, хатто сиёсий қарашларининг ҳам жонли гувоҳи, таъбир жоиз бўлса уларни асословчи тарихий ҳужжат дейиш мумкин.

Гессе мақолалари ва мактубларида кўтарилган муаммолар унинг ҳаёти орқали немис халқи ва умумжаҳон тафаккур тараққиётига тегишлидир.

Унинг китобхонлари таъкидлаган ҳаётий устозлик ва маънавий етакчилик мақомини Гессенинг ўза ҳам ҳеч қачон инкор этмаган. У китобхонлари учун эзгу қалб тарбиячиси, инсон қалбидаги барча ёрқин нарсаларнинг жонкуяр эгаси, ҳамма жойда осонгина ин қурадиган ёвузлик билан башафқат тарзда қурашувчи шахс эди. У томонидан кенг тарихий нуқтаи – назардан кўйилган аниқ вақтнинг аниқ муаммолари, ўтмиш ва бугунга дахлдор бўлган ҳолда, келажакни кўришга йўналтирилгандир. Ўз даври муаммоларини ҳал қилар экан Гессе инсон ва унинг виждонини асосий мезон қилиб олади. Унинг публицистикаси қандайдир сиёсий даъватлар ёки бақир – чақирлар эмас, виждонли, эзгу ўзининг ва бошқаларнинг ички дунёсига яқинроқ бўлишга чорлар эди. Гессе ҳеч нарсага жим қараб туролмайди, унинг учун таъқиқланган мавзулар йўқ, ҳеч нарсага табу кўймайди, у китобхонни ўзи билан билимнинг чуқур, айланма ва чалкаш йўлларида олиб ўтади, лекин ҳар сафар ҳақиқатга элементар ва оддий ҳолда

етиб келади, олам зарурати эса муҳаббатда, ўзаро тушуниш, ҳаёт ва ерга боғлиқликдадир¹.

У шовинизм нацизм каби вайронкор ғоялар авж олган хатарли замон ва маконда яшаган эди. Шу туфайли ҳам у Кант, гегель, Ницше, Шопенгауер, Гёльдерлин ва Жан Пол, Мёрик ва Новалис, Гёте ва Томас Ман каби гуманист файласуфлар юрти бўлган Германияни ташлаб, сиёсий нейтраль ҳудуд Швецарияда яшашга мажбур бўлган эди. Юқорида номи зикр этилган буюк файласуфларга бағишлаб Гессе кўплаб мақолалар ёзди ва улар Гессенинг сайланмаларидан ўрин олди. Бу мақолалар нафакат буюк устозларга ҳурмат ва муҳаббат эди; муҳими шундаки улар Гессе дунёқарашининг ғоявий манбалари ҳам эди.

Гессе умри мобайнида инсон руҳий мустақиллиги ҳақида қайғурди. Унинг ижоди ва ҳаёт тарзида ҳарбий технологик цивилизация ҳамда енгилмас шахсият ўртасидаги, тап – тортмас ахлоқсиз оммавий маданият ва эзгу гуманизм ўртасидаги зиддиятларни кўришимиз мумкин.

Гесседа аввалданоқ сиёсатга муносабат шаклланган эди. Бироқ Биринчи жаҳон уришидан кейин, у бирмунча қатъий тус олди. Бунгача бўлган давр Гессе ижодида бадиий публицистика кўпроқ устуворлик қилган. 1914 – йил "Нойе цюрхер цайтунг" газетасиги "Дўстлар, бу овозлар керак эмас" номли мақоласида Биринчи жаҳон уришининг ғоявий асосчиларига қарата, миллатлар орасидаги маънавий кўприкларни бузмасликни таъкидлаб ўтган.

Бунга жавобан империалистик Германия матбуоти адиб бошига турли ёвуз бўхтонларни ёғдирди. Оқибатда унинг немис дўстлари очикчасига ундан юз ўгирдилар, китоб сотувчилар эса уни китобларини сотишдан бош тортдилар. Швецария фуқаролигини қабул қилгандан сўнг эса миллий манфаатларга хиёнат қилган дезертир сифатида айбланди.

Франциядаги националистлар томонидан бадарға қилинган Роман Роллан Гессега Женевада катта ёрдам кўрсатди. Аста секин уришга қарши

¹В. Седелник. Я верю в законы человеческого рода. Hesse.ru Б.8.

курашувчилар даврисида шаклланада бошлади. Ҳарбий асирларга кўмак берувчи Берн комитетида ишлай бошлади. Тинимсиз равишда уришга қарши мақолалар ёзиб маслакдошлари сафини кенгайтирди. Гессе уришда ҳеч бир томон ғалабасининг тарафдори эмас эди. У ҳар қандай адолатсизлик ва милитаризмни танқид қилар эди. Чунки ҳар қандай милитаризм охир – оқибатда гуманизмга зид бўлиб чиқади.

XX асрнинг 10-20 йилларидаги Гессе ижодида Достоевскийнинг таъсири яққол сезилиб туради. Бу ҳол қандайдир ғайри-табиий ҳодиса эмас эди. Чунки ўша даврларда Достоевскийнинг таъсири нафақат Гессе балки бутун Европа бўйлаб кўзга ташланар эди. Гессе Достоевскийнинг шунчаки мухлиси бўлиб қолмади балки унинг ғояларини дунёқарашига интенсив тарзда сингдирди¹. Гессе Достоевскийдан руҳнинг мувозанати ва жамият-шаҳс ўртасидаги зиддиятлар ғояларини қабул қилди. Биз Достоевский тасвирлаган бешафқат иблисона руҳий инқирозларга бой оламни тушуна олганимиздигина у назарда тутган муסיқа, муҳаббат ва гўзаллик тушунчаларини англай оламиз.

Урушгача бўлган даврда, эзгу омадли гўзал қалб соҳиби бўлган Гессе учун ҳам бу ҳол жуда қўл келди. Германиядан бадарғалик, эски дўстларидан ажралиш, эски олам одатларига асосланган эътиқодининг синиши, ҳодисалар ва маданиятларнинг тез – тез ўзгариши, оиласининг бузилиши, одатий ҳаёт тарзининг ўзгариши буларнинг ҳаммаси ёзувчи олдида қадриятларни бутунлай қайтадан баҳолаш заруратини туғдирди.

Кўриниб турибтики Гессе ўзининг “Ўсмир” ва “Телба” ҳақидаги мақоласида, Достоевскийда акс эттирилган руҳнинг қора томонлари, оғриқли англашнинг нозик ривожланиб бориш жараёни, кучли ахлоқий қаноати, жамиятнинг хўрланган ва ҳақоратланган қисмига ҳамдардлик каби ғоялари унинг эътиборини тортганлигини ифодалаб беради. Худди Достоевский каби Томас Ман ҳам ўз дунёқараши шаклланишида муҳим ўрин тутганлиги ҳақида

¹В. Седелник. Я верю в законы человеческого рода. Hesse.ru Б.11.

Гессенинг ўзи гувоҳлик беради. Томас Ман ҳам Гессе ҳам Достоевскийнинг шахс борасидаги қарашларини бойитди ва мукаммаллаштирди.

Дастлаб Гессе Достоевский томонидан устамонлик билан очиб берилган шахснинг зарар кўрган, ноқис, инсон руҳиятидаги вулқон мисол яширин кучни ҳис қила олганлигига, ҳар бир индивидаги катта ўзгаришлар содир қила оладиган қобилият кучига, қочиб бўлмас содир бўлиши муқаррар бўлган инсон ҳалокатига мафтун бўлган. Мазкур қарашларнинг барчаси 1920- йилда ёзилган хоасга назар номли тўпламидан ўрин олган мақоласида мужассамлашган. Тўпламдаги марказий мақолалардан бўлмиш “Ака – ука Карамазовлар ва Ғарбнинг ҳалокати” номиёқ асарда ўша даврда урф бўлган Шпенглер қарашларининг таъсири сезилиб туришидан далолат беради. Гессе “Ака – ука Карамазовлар” романида поёнига етаётган ва ҳалокатга юз тутаётган янгиланишга зарурат сезаётган Европа цивилизациясини ва шу цивилизация одамани, маънавий қадриятларни сиқиб чиқараётган иделларни кўради. Рус ёзувчисининг Осиёча оккульт идеалини Гессе, бу ҳар қандай ахлоқ ва этикани инкор қилувчи, ҳамма нарсани тушуниш ва кечириш номи билан янги, хавфли, илоҳий кўрқувни дахшатга солувчилик, эски хоасдан туғилувчи янги оламнинг янги одами номи билан тушунади.

“Сирли рус руҳияти” ҳақидаги Гессе муҳокамаларида сийқаси чиққан адабиётшуносликка қарама – қарши руҳ кўзга ташланади. Достоевскийнинг “Ғарбий Европа инқирозидан куч олувчи” қахрамонларини, тобора қизиқиши ортиб бораётган Фрейд ва Юнг психоаналитик концепцияси ва И.Я.Бахофеннинг символикамик бирламчи жамият назарияси позицияларидан туриб талқин қилади. Мазкур қахрамонлар табиатида эзгулик ва ёзувлик биргаликда мавжуд бўлади: улар бир вақтнинг ўзида қотил ва одил ҳакам, эгоист ва фидойидирлар. Бундай одамларнинг эски дин, эски ахлоқ ва эски тартиб меъёрлари билан келиша олмайди. Унга янги мажоз, янги Худо таъбир жоиз бўлса эзгулик ва ёзувлик ўртасига чегара қўймайдиган шайтоний Худо керак. Достоевскийнинг барчага маълум ва

машҳур ижодий мероси ва умумий ижтимоий – сиёсий фикр талатўплари билан Гессе мангу қарама – қаршилиқлар цивилизацияга асосланган ақл томонидан тартибга солинувчи бирламчи инстинктларни уйғунлаштиради. Гессе аслида эски цивилизация тарафдори эмас. У босим остидаги инстинкт исёнини ҳамдардлик билан кузатади, агар шу инстинктнинг Карамазовлар шахсиятидаги элементларига бироз эркинлик берилса янги маданият янги ахлоқ илдизларига асос солинган бўлармиди, деб тахмин қилади. Аммо бу янги имкониятни воқеъликка айлантириш йўли олдида ожиз қолади.

Гессе Карамазовларнинг баъзилари ўз хулқ-атворларини жиловлай олмасаларда уларни айбдор санамайди, бундай фикрга келишига психоанализ оқимининг таъсирини кўриш мумкин. Зеро, инстинктлар Юнг таъбири билан айтганда “соя”лар инсон табиатининг ажралмас қисми саналади. Бироқ ишимизнинг кейинги қисмларида Гессе ва психоанализ ҳамда Достоевскийнинг “Жиноят ва жазо” ва Гессенинг “Чўл бўйиси” асарлари таҳлиliga алоҳида жой ажратганлигимиз туфайли айни ўринда уларга батафсил тўхталиб ўтишни жоиз кўрмаймиз. Гессега кўра “Ака – ука Карамазовлар” асаридаги ягона жиноятчи прокурор ва унинг маслаҳатчиларидир. Ақлий имкониятларнинг чекланганлиги ҳамда инсоннинг рационал қисмини эмоционал қисмидан устун кўрганликлар туфайли жиноят содир қиладилар. Аниқроғи адолатсиз ҳукм чиқарадилар.

Мазкур тўпلامда Гессенинг Достоевскийдан ташқари Фридрих Ницше ва унинг қарашларига муносабати акс этган. XX аср бошларидаги кўплаб Европалик ёзувчи ва мутафаккирлар қатори Гессе ҳам Ницше қарашларига танқидий муносабат билдиради. Айниқса унинг ўрта қатламни ҳеч вақога арзимас деб кулиши Гессе қарашларига мувофиқ тушмайди. Гессе ўзининг дастлабки эсдаликларида Ницшега кўп бор мурожаат қилиб, уни танқидий руҳда эсга олади. Гессенинг Ницшега нисбатан танқидий қарашлари психоанализ оқими таъсирида инстинктга асосланган зўрлик билан ҳокимиятга интилиш ғоялари зарбасига бардош бера олмади. Унга асосан

Ницшенинг “ёвузлик ва варварлик кучларини куйловчи қарашлари” туртки берди, Т.Маннинг образли ифодаси билан айтадиган бўлсак, “ахлоқ постулатларидан воз кечиш, виждонни йўқ қилиб шунинг билан биргаликда “оқ қўлли маккорларнинг” аморализмини тасдиқлайди”¹. Гессе замонида ницшечиликнинг реакцион моҳияти чекланган эди.

1925-йилда ёзилган “Достоевский ҳақида” номли мақоласида Гессе дунёқарашдаги ахлоқий элементларнинг кучайиши натижасида, онгсизликнинг хоатик характери ҳақида эмас, янги воқеълик асосида ётувчи буржуазиядан мерос бўлиб қолган қадриятлардан тубдан фарқ қилувчи инсон виждони ҳақида гап борар эди². Буюк рус ёзувчиси Достоевскийнинг, ёвузликка эришиш ва уни муҳаббат умид ҳислари билан енгишни куйловчи икки овози бўлиб, Гессени фақат курашдагина намоён бўладиган юксак инсонга муҳаббатни куйловчи иккинчи овоз ўзига мафтун қилган эди.

XX асрнинг бошларига келиб Гессе Томас Ман билан биргаликда тилга олина бошлади. Табиийки бу тасодифий эмас. Айтиш мумкинки ҳатто уларнинг тақдирлари ҳам ҳайратланарли даражада бир – бирига ўхшар эди. Ҳар иккисининг ёшлари ҳам деярли тенг бўлиб, битта адабий авлодга мансуб эдилар. Муҳими шундаки, Томас Ман ҳам Гессе ҳам иккита Жаҳон уруши рўй берган суронли даврларда яшаганлар. Иккаласи ҳам бюргерлар орасидан чиққан ёш профессионал адиб эдилар. Иккаласини ҳам бир хил муаммолар қийнаган. Ҳар иккисига ҳам бир хил фалсафий эстетик психологик оқимлар таъсир кўрсатган. Гессе ҳам Томас Ман ҳам эссенавис танқидчи ва адабий талқинчи эдилар. Иккаласи ҳам эпистоляр жанрнинг тиним билмас усталари эдилар. Уларнинг хатларида бутун Европа маданият тарихи акс этган. Веймарлар ва кайзерлар Германиясидан кейин ҳокимиятни қўлга киритган фашистлар даврида ҳар икки адиб ижоди тақибларга учради. Иккаласининг ҳам умр йўллари Швецарияда якун топган. Гессе Швецарияни ўзини иккинчи

¹В. Седелник. Я верю в законы человеческого рода. Hesse.ru Б.15.

²В. Седелник. Я верю в законы человеческого рода. Hesse.ru Б.19.

ватани деб ҳисоблаб унинг фуқаролигини қабул қилган бўлса, Томас Ман эса АҚШга содиқ қолди.

Бир неча ўн йиллар мобайнида улар орасида дўстона алоқалар мавжуд бўлган. Бу дўстлик маслакдошлик, антифашистик асосларига таянар эди. Улар орасилаги ёзишмаларни ажойиб қиссадек ўқиш мумкин.

Томас Ман ва Гессенинг алоқалари фашизм ва уришга қарши ғоялари туфайли янада мустаҳкамланади. 1910 – йилдан бошлаб қарийб ярим аср давом этган ёзишмаларида фикримизнинг исботини кўришимиз мумкин.

Умуман олганда Гессе дунёқараши кўп ёқлама таъсирга учраган ва уларни синтез қилган. Жумладан унинг қарашларига протестантликнинг пейтизм миссияси, хиндуизм, хитой ва шарқ фалсафаси (бу унинг ёшлик чоғлари ва оиласи билан боғлиқ), Достоевский, Ницше, Томас Ман унинг иделлари бўлмиш Моцарт ва Бах, Карл Юнг, Зигмунд Фрейд, Йозеф Ланг психоаналитик қарашлари таъсири остида шаклланган бўлиб, уларни ўзига хос тарзда синтез қилади. Аммо Гессенинг фалсафий дунёқарашини фақатгина юқоридаги саналганларнинг эклектик йиғиндиси дейиш ноўрин бўлар эди. Зеро, Гессе уларни тўғридан – тўғри адекват тарзда қабул қилмай, ўзи нотўғри деб ҳисоблаган жиҳатларини инкор қилиб, комил инсонни шакллантириш жараёнида зарур қисмларини умумлаштиради. Натижада Гессенинг бутун Европа индустриал технологик цивилизациясининг инқирози ҳамда улардан чиқишнинг ўзига хос йўлини акс эттириб берувчи фалсафий дунёқараши тадрижий тарзда шаклланиб боради.

I БОБГА ХУЛОСА

Герман Гессе ҳаёти ва дунёқараши эволюциясини таҳлил этишга қаратилган бобимизда унинг ижодий фаолияти қирраларини шаклланишига тамал тоши бўлган ҳаёт йўли ҳамда ижодий мероси ҳақида тизимлаштирилган маълумотни беришга ҳаракат қилдик. Ушбу боб тадқиқоти қуйидаги асосий хулосаларни келтириб чиқарди.

1. Гессе дунёқараши ва ижоди унинг мураккаб ҳаёт йўли ва кечинмаларининг маҳсулидир. Шунингдек, унинг ижод маҳсулларида XX асрнинг ижтимоий-сиёсий воқеълиги, глобал характер касб этаётган маънавий таназзул олдидаги тушқунлик ҳолатининг рамзий белгилари асқ этган.
2. Герман Гессе ўз шахсий ҳаётида психологик инқироз ва ижод симбиозининг ўзига хос терапиясини босиб ўтди. Унинг оилавий мушкул вазияти ва олимлик даҳоси ижод йўлида янги феноменал тенденцияга эга бўлган йўналишнинг вужудга келишига олиб келди.
3. Герман Гессе ўзининг зиддиятларга бой буюк тақдири ва ижоди билан бир вақтнинг ўзида ҳам севиб ўқиладиган, ҳам инкор қилинадиган юксак исътедод соҳибига айланди. Унинг ижоди ва ҳаёт йўли маданиятлар алмашинуви, юксак илоҳий ҳисобланувчи қадриятларнинг қадрсизланиши, фан ва ақл маҳсули деб қаралаётган бугунги кун утилитар прагматик ҳамда нигилистик дунёқараш шаклланаётган, инсонлар онги ва қалбида эътиқодий ҳамда мафкуравий жихатдан иккиланиш пайдо бўлган бир даврга тўғри келди.
4. Адиб ижодида турли хил нуқтаи-назарлар, фалсафий мулоҳаза ҳамда қарама-қарши қутбларнинг ўзаро гармонияси усталик ва юксак маҳорат билан акс эттирилганлиги туфайлиги у 60 – 70 йиллар Европа, АҚШ ва Япония ёшларининг ва китобхонларининг энг севиб ўқилувчи муаллифига айланди.

II-БОБ. ГЕРМЕТИЗМ ГЕРМАН ГЕССЕ ИЖОДИНИНГ НАЗАРИЙ МЕТОДОЛОГИК АСОСИ СИФАТИДА ВА УНДА МУСИҚА ОМИЛИНИНГ МУҲОКАМАСИ

II.1. Герметизм Герман Гессе ижодининг назарий методологик асоси сифатида

Инсоният тарихида учинчи минг йиллик одамзоднинг билиш соҳасидаги имкониятларини чексиз – чегарасиз доираларга интилаётганини кўрсатмоқда. Илмий тадқиқот услубиётида гносеологик ва эпистемиологик соҳаларда инсон ақли имкониятларининг янги парадигмалардаги хусусиятлари намоён бўлмоқда. Шундай феноменлардан бири ХХI аср адабиёт ва санъат йўналишида герметизм фалсафасининг вужудга келишидир.

Аслида “вужудга келиш” ибораси ушбу ҳолатда қайтадан янги шаклда намоён бўлиш маъносини англатади. Чунки герметизм асл ҳолида, фалсафий оқим сифатида антик даврдаёқ мавжуд бўлиб, у инсоният ижтимоий – тарихий бурилишларининг энг мураккаб даврларида сўз орқали тўғридан – тўғри ифодалаб бўлмайдиган муаммоли вазиятларни тушунтириш, англатиш ва фалсафий моҳиятини очиб берувчи услуб сифатида даврма – давр пайдо бўлади.

Герметизм – кечки антик давр ва эллинизм даврида вужудга келган диний – фалсафий оқим бўлиб, у ўзида грек мифологияси, фалсафаси ва эзотерикасини мужассамлаштиргандир. Кейинчалик унда астрологик, алхимик ва магиявий хусусиятлар ҳам намоён бўла бошлади. Бу оқимнинг номи қадимги грек қаҳрамони Гермес Трисмегист номи билан боғлиқ.

Герметизм нарс ва ҳодисаларнинг сирли моҳиятини очишга қаратилган бўлиб, уни англаш оддий инсоний ақл имкониятларини эзотерик ва космологик даражага олиб чиқилган ҳолатда юз беради. Шу билан бирга герметизм фалсафаси ҳар бир оддий инсондан тортиб комил ақл эгасигачи ўз

имконияти даражасида тушуниши мумкин бўлган ақлий озукани беради. Унга асосан, халос бўлишга ҳар бир инсоннинг ҳаққи бор ва халосга йўл инсоннинг қалбида ётади. Герметизм табиатнинг олий қонунияти тўғрисидаги таълимотдир. Шунинг учун табиат ўз ҳукм ва қонуниятларини рамзлар кўринишида билдиргани сингари герметизмда ҳам рамзлар фалсафаси кучли шаклланган.

Герметизм Ўрта асрларда яҳудийлик ва Шарқ христианлиги ҳамда мусулмон мистицизми (тасаввуф таълимоти) орқали юксак тараққиётга эришди, салб юришларидан сўнг эса католиклар Европасида оккультизм кўринишида ривож топди. Герметизмнинг асосий жиҳатларидан бўлмиш магия билан боғлиқ томонлари католик черкови томонидан шайтоний деб эълон қилинди.

Ўрта асарлар Ғарбида ўз таъсирини йўқота бошлаган герметик корпус, 1460-йилда Константинополдан топилган грек тилидаги герметик асарлар кўчирмасининг Флоренцияга олиб келиниши билан унинг мавқеи яна қайта тиклана бошлади. Герметик корпуснинг 14-трактини, Марсилио Фичино томонидан латин тилига ўгирилиши оқибатида уйғониш даврида герметизмга бўлган қизиқиш янада кучайтирди.

Табиий магия назариясининг муаллифи Фичино шогирди, Пико Делла Мирондола ўша давр герметизм оқимининг йирик вакилларида саналади. Булар қаторига Жордано Бруно, Томмазо Кампанелла, Йоханнес Тритемиус, Генрих Корнелий Агриппа Неттесхемский, Роберт Флудд, Парацельс, Коперник, Кеплер, хусусан Ф.Бэкон ва Ньютонлар ҳам герметизм фалсафасидан илҳомланганлар.

Россияда герметизмга бўлган улкан қизиқиш асосан XX аср бошларида юзага қалқиди. Мисршунослар олимлар ва адабий даврларда хусусан, Гумилев, Белог, Волошинлар герметизмнинг маънавий – ахлоқий мероси билан қизиқишди. Биз замонавий ғарбий Европа фалсафасида ҳам герметизм ғояларини учратишимиз мумкин. Қадимги Миср диний фалсафий герметик

ёдгорликлар замонавий инсон учун бебаҳо принципларни ўз мазмунида акс эттиради.

Герметизм Европа цивилизацияси тарихи тараққиётига улкан ҳисса қўшди. Герметизм антик даврдан сўнг уйғониш даврида кенг ёйилди, черков ва академик фанлар босими ва танқидига қарамасдан, ҳанузгача унинг таъсири сақланиб қолмоқда.

Герметизм ўзида мистик анаъна, мистик таълимот ва мистик тафаккур тарзини мужассамлаштиради. Бошқа қўплаб анаъна ва таълимотлар каби, у ҳам кўр – кўрона эътиқодни инкор қилади. У тизимлаштирилган догматика ва талқин заруратини юзага келтирувчи руҳонийлар воситачилигини ҳам инкор этади. У шунингдек ақлни билишнинг асосий воситаси ва реалликнинг асосий орбитаси сифатида тан олишни ҳам маъқулламайди. Бунинг ўрнига герметизм мистик ёхуд олий ҳиссий тажрибани, олам архитиплари ва рамзларини тўғридан – тўғри англаш ҳамда илоҳийликка бевосита эришишни назарда тутди¹. Герметизм назарда тутган масалаларни барчаси магиявий театрда амалга ошади.

Турли хил дуалистик таълимотлар дунёни икки қисмга ажратишади. Биринчи қисм гунохкорона деб қаралиб шунга кўра инкор этилади. Улар учун “гнозис” (билиш жараёни) ўзида моддий ташкиллашишдан юқори бўлиб, соф руҳ билан эришиладиган ёки у руҳ билан қўшилиб кетиш мумкин бўлган ҳодисани намоён қилади. Бу жараёнда инсоннинг ҳақиқий моҳиятини очиб берувчи барча нарсалар кўзга ташланади. Герметиклар учун эса аксинча олам яхлит ва ягонадир. Герметислар учун ҳар қандай қарама – қаршилиқ (руҳ ва жисм, руҳ ва материя) бир – бирига ўтиб турувчи ягона мақсадга хизмат қилувчи интегратив гармония ҳосил қилади. Улар учун реаллик ҳамма нарсани қамраб олувчи, ҳамма нарсага кириб боровчи ҳолат ҳисобланади. Ҳаммаси ўзининг баҳосига эга. Буларнинг барчаси улкан дунё

¹Владислав Лебедько, Елизавета МироноваФилософия Магического Театра и Герметизм (ч.2). hesse.ruБ.3.

курилишида бирлашади. Хатто ёзувликни ҳам бу улкан планда ўз вазифаси мавжуд¹.

Ва биз буни ҳар бир магиявий театр ва унинг назарий-методологик асосида кузатишимиз мумкин.

Гёте “Фауст”да Мефестофель “Мен ҳамиша ёмонликни истаб яхшилик қилувчи қудратнинг бир қисмидирман” деган сўзлари билан ахлоқий космик драмада ўзининг маълум вазифаси бор эканлигига ишора қилади. Бу соф герметик ёндашув саналади. Дуаслистлардан фарқли ўлароқ герметис учун “гнозис”, олам гармониясига бевосита эришиш ва унга сингиб кетишдир².

Мазкур гармониянинг кучи орқали ҳамма нарса ўзаро таъсирда ва алоқада бўлади. Бундай алоқадорлик аналогия тамойилига асосланади. Бир моҳият иккинчисини акс эттиради ва муносабатга киришади. Реаллик анологиянинг узлуксиз ва ҳаракатчан тўрини ўзида акс эттиради. Бу анология нота ва мусиқий аккордлар сингари, ягона улкан мусиқий симфонияни ташкил этувчи ҳар қандай комбинацияларда такрорланади.

“Зумрад лавҳ”га мувофиқ юқори куйидан, куйи эса юқоридан келиб чиқувчи ягона мўжизадир³.

Герметиклар учун анология реаллик қатламларининг қўшилиши бўлиб, уларни сиимволлар орқали ифодалаш мақсадга мувофиқдир. Масалан, микрокосм ва макрокосмнинг ўзаро таъсири анаънавий тарзда иккита учбурчакнинг кесишишидан ҳосил бўлган олти қиррали юлдуз, бурчаклар учининг бири юқорига, иккинчиси эса пастга йўналтирилган шаклдаги Сулаймон муҳрида ифодаланади. Бу рамзлар шунчаки қулай қисқартмалар эмас. Улар қадимга миср ва яхудий тилида ҳарф ва овозлар шунингдек сирли энергия кучи тўпланувчи хотира хужайралари вазифасини бажарган. “Муҳр” ёки “имзо” деб аталувчи бу символлар, реаллик матосида бирлаштирувчи сифатида ва у матони ташкил қилувчи чоклар сифатида қабул қилинади. Шу

¹Ўшар асар.Б.5.

²Владислав Лебедько, Елизавета МироноваФилософия Магического Театра и Герметизм (ч.2). hesse.ruБ.8.

³Ўша асар.Б.11.

маънода реаллик Шарль Бодлер икки минг йил олдин таъкидлаганидек “рамзлар ўрмони”дир¹. Бу образларни айна шаклда фаоллаштириш мақсадга мувофиқ. Символларни химиядаги молекулялари сингари, янги аралашмалар ёки имкониятлар қоришуви ҳосил қилиш сифатида манипуляция қилиш мумкин. Бундай манипуляция воситасида ўзгаришлар ҳосил бўлади. Бу жараён қандай шаклда қабул қилинмасин магиянинг кўпхилликларидан бирини узила акс эттиради.

Шу маънода герметизм шунчаки назария ёки фалсафий таълимот эмас. Балки у бу назариянинг амалиётга татбиқ қилиш конкрет методологиясини ҳам таклиф қилади. Бу методология ўзида медитация, хотира машқи ва нафас назорати каби психологик соҳаларни мужассам этади ва бундан ташқари бизнинг даврамизда магиявий театрда мавжуд кўплаб психологик, мистик, културологик амалиётни ҳам ўзида акс эттиради.

Герметизм дунёқараши инсонга пассивликни инкор қилиш, эҳтиёжмандликни енгиш ва ўзини фаоллаштириш имконини беради. Агар барчаси ҳақиқатдан ҳам ўзаро таъсирда бўлса ва инсон ўз сферасида туриб бошқа сфераларни ҳам бошқара олиш имконига эга бўлади. Агар реаллик матосининг бирор бир ипи тортилса, бу ҳол бошқа раелликда ҳам ўз аксини кўрсатади. Гессе “Чўл бўйиси” асари қахрамони Гарри магиявий театрга кирганда герметик уста унга шахмат доналари рамзида ўз руҳияти ва борлиқнинг барча аспектларини бошқаришни ўргатади. Ҳар бир фигуранинг ўзгариши Гарри руҳияти ва бутун борлиқда ўзгариш ҳосил қилиш имконияти борлигини таъкидлайди. Юқорида айтиб ўтилган бутун оламга таъсир кўрсатиш усули айна ўринда яққол акс этганлигини кўришимиз мумкин. Бунинг асосий сабабларидан бири Гарри ҳам инсон сифатида микрокосим эканлигини тушуниш кифоя. Герметизм билан биргаликда инсон онгига мутлоқ янги ғоялар ҳам кириб келди. Агар бу ғоялар “бирор тугмачани босса” (ўз маъносида ҳам, кўчма маънода ҳам) ҳаётимизда бирор – бир

¹Ўша асар.Б.14.

воқеанинг рўй беришига сабаб бўлади. Бу шаклда эҳтиёжманд ва пассив инсон магиявий театрда реалликнинг фаол агентига айланади. У фаол равишда ўзи ва уни ўраб турган олами ўзгартириш воситаларини кидиришни бошлайди. Бу яхшими ёки ёмонми, у ҳолатлар билан ўйнаш имкониятига эга бўлади.

Бу янги мўлжаллар натижасида инсон реалликнинг шунчаки қурбони бўлишдан халос бўлади. Атрофдагилар билан муносабатда эса шунчаки кузатувчи бўлишдан ҳам озод бўлади. Гарри ҳам магиявий театрда худди шундай имкониятни қўлга киритади. “Сенинг руҳинг ҳам худди шу шахмат доналари каби кўплаб фигуралардан иборат. Уни қандай жойлаштириш ўз қўлингдаси”¹. Энди унда бу олам кучларини бошқариш имконияти пайдо бўлади, бунинг учун у реалликни ўз иродасига мувофиқ бошқариш имконини берувчи керакли калитларни топтоғи лозим. Бу асос ўзида нисбатан кенгрок илмий тадқиқотлар базисини мужассамлаштирган. Искандариялик герметиклар учун фан ва магия ўртасида ҳеч қачон фарқ мавжуд бўлмаган². Уйғониш даври ҳатто Фауст даврида ҳам бундай фарқни кузатиш қийин. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш керакки бугунги кунда магиявий театрда ҳам бу фарқ мавжуд эмас.

Уйғониш даври ҳақида гап кетганда биз Жотто, Боттичелли, Леонардо, Микеланджело, Дюрера, Донателло, Рабле, Ронсара, Марло, Шекспир каби герметикларни тилга олишимиз зарур³.

Бу шахсларнинг барчаси уйғониш даврининг магиявий асосчиси бўлмиш Фаустда ўзининг бутун бошли зиддиятлари билан акс этади. Мазкур шахсларда ўша даврда ҳукмронлик қилган ва уларнинг фаолиятни оқловчи тафаккур тарзи мавжуд. Хусусан билиш ва бошқарув соҳаси билан уйғониш даври мағи Фаустнинг алоқалари яққол кўзга ташланади. “Чўл бўйиси”даги Гарри ҳам XX – аср Фауст образининг ёрқин кўринишларидан биридир. Унда

¹Герман Гессе. “Чўл бўйиси” Шарк наш. 2006 й. Б.205.

²Владислав Лебедько, Елизавета Миронова: Философия Магического Театра и Герметизм (ч.2). hesse.ru Б.16.

³Ўша асар.Б.18.

хам барча Фаустларда бўлгани каби донишмандлик, билимга чанқоқлик, икки табиатлилик, шайтонийлик ва илоҳийлик кураши мавжуд. Уйғониш даврining келиши билан Фауст образи Европа цивилизациясига мансуб замонавий ғарб одами учун асосий архитип ва парадигмага айланди.

Билишга чанқоқлик мотиви Фаустнинг ҳар қандай тарихий шакли кейинчалик Гёте Фаустида ҳам мавжуд эди. Айнан мана шу мотив Фаустни ҳақиқий христиан нигоҳида гуноҳкор қилиб кўрсатди. Айнан шу мотив иблис билан келишувнинг сабаби бўлиб, натижада у ҳукмронликка эришади. Христианлик нуқтаи – назари бўйича черков қўллаб – қувватламаган ҳар қандай билиш гуноҳ бўлиб, бу фаолият шайтоний деб аталган ва уни Одам донолик дарахти мевасини еб қўйиб жаннатдан қувилиши ҳақидаги воқеа билан боғланади. Шу маънода Фаустнинг билимга чанқоқлиги христианлик томонидан қораланади.

Реал Фаустуснинг гуноҳи қандай бўлишига қарамасдан, афсонавий Фауст бошқача айбдор. Черков нуқтаи – назари бўйича унинг гуноҳи, билимга чанқоқлиги ва чанқоқликни қондиришда ҳар қандай воситадан фойдаланишга уринишидир. Айнан шунинг учун ҳам улар иблисона деб эълон қилинган.

Кейинчалик яъни Гёте талқинидаги Фаустда, Фаустнинг илмга чанқоқчилиги ҳамиша ҳам ёзувликка олиб келмайди. Ва ахлоқ теология нуқтаи – назаридан ҳам айбдор саналмайди. Ва асар сўнгида Фауст нафақат халос бўлади, балки у Прометей образига муқояса қилинади.

Магиявий Театрга фалсафа ва Карл Юнг психологиясининг амалиёти катта таъсир кўрсатган бўлиб, ўз навбатида Карл Юнг психологияси ҳам кўп ҳолларда герметизмга асосланади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки герметизм ғоялари Жойс, Рильке, Томас Манн, Герман Гессе ижодига катта таъсир кўрсатган. Хусусан Гессенинг “Чўл бўриси” асари орқали Магиявий Театр метафорасини вужудга келтирган.

Магиявий Театрга интеграциялашишга интилиш герметизм анаънасига мувофиқ санъат ва психология, фалсафа ва психология, мифология ва психология ўртасида алоқаларни давом эттирди.

Агар герметизм тарихига қайта мурожаат қиладиган бўлсак, Германиядаги герметизмнинг асосий тарафдорлари сифатида Эрнест Теодор, Амадей Гофман ҳамда Новалис таҳаллуси билан машхур мистик шоир Фридрих фон Гарденберглари келтириш мумкин.

Сеҳргар, алхимёгар ёки магиявий театрнинг етакчиси бир вақтнинг ўзида ўз тажрибасининг объекти ва субъекти бўлишга интилади. Магиявий театр устаси тажриба ўтказар экан, уни ички томондан ҳис қилади, шу эксперимент унинг шахсий трансформацияси жараёнини акс эттирувчи кўзгу бўлишни хоҳлайди. Замонавий психологияда назарда тутилгандек бу жараёни ташқи томондан назорат, манипуляция, қилиш билан бир қаторда, магиявий театр етакчиси тажрибани ажралмас қисми сифатида ички назоратни ҳам амалга оширган бўлар эди, зеро унинг шахсий ҳаракати бутун жараён ҳаракатига мувофиқ келмоғи зарур. Ўз тажрибасининг объекти ва субъектига айланар экан маъсулятсизлик, зўравонлик ва мухтожликдан ҳалос бўлади. Уйғониш даврида бундай жараёни ботаник ёки боғбон фаолиятига ўхшатиш бўлиб, унга табиатга ғамхўрлик, инсондаги мудраб ётган потенциални кўзгатувчи куч сифатида қаралган. Парацелсга кўра “алхимик” табиатнинг яширин сирларини ошкор қилувчи кишидир.

Бу образли параллеларни психология тилида қандай ифодалаш мумкин? Бу саволга жавоб иллюстрация қилингандек кўринади, ҳеч бўлмаганда уни биз шахснинг ривожланиши ёки комилликка эришиш деб атайдиган жараёнинг бир қисми дейиш мумкин. Реал ҳаётда инсон шахсияти икки хил йўл билан тараққий топади.

Биз психологияда инсон шахсиятининг етакчилик аспекти шакллантириш деб атайдиган жараёнга мувофиқ, ривожланишга йиллар тўпланган тажрибанинг махсули сифатида қараш мумкин. Бошқача қилиб

айтганда, инсон шахсияти ўз асосига кўра ўзгармас бўлиб, унинг сақланган қисми ҳам конфигурация ҳисобланади. У муҳаббат ғалабаси, саёхатлар таъсироти, саргузаштларни бошдан кечириш, орттирилган бойликлар каби кўплаб компонентларни ўзи учун танлайди. Образли қилиб айтганда, шахсий тажрибанинг тўпланиб бориш оқибатида, ўлчамлар босқичма – босқич юксалади, кенгаяди, лекин ўз шаклини ўзгартирмайди. Бошқа томондан тажрибани ўзига тортиш эмас, балки сингдириш керак. Конфигурациялар ташқи жихатдан шаклан ўзгаргандек туюлади, аммо бу ҳолни шунчаки атрофга мослашиш деб талқин қилиш мумкин. Ўз-ўзини трансформациялашга нисбатан сонлар ва ўлчамлар камроқ аҳамият касб этади.

Бу эса магиявий театр метофорасидир. Бу нуқтаи – назардан илоҳий камраб олиш кучи инсонга ўз шахсий руҳиятини ташкил қилиш имконини бошқача қилиб айтганда ихтиёр эркинлигини беради.

Бизнинг давримизга келиб адабиёт ва санъат йўналишида герметизм усулидаги ижод шакллари кўплаб яратила бошланди. Адабиёт соҳасида Герман Гессининг “Чўл бўриси” асари герметизм усули намунаси сифатида тан олинган ХХІ – асрнинг энг яхши асари бўлса, уни саҳналаштириш ва кейинчалик шу йўналишда ижод қилиш санъат соҳасига “Магиявий Театр” номи билан бутунлай янги жанр ёки, янги ифода усулини берди ва Ғарб оламининг санъат соҳасидаги кашфиётига айланди.

Герметизм фалсафаси Герман Гессе ижодининг назарий методологик асосини ташкил этади. У ўз асарларида герметизм таълимотини тури фалсафий оқимлар алоҳида файласуфларнинг қарашлари, мусиқа математика каби кўплаб фан соҳаларига оид билимлар билан бойитган ҳолда қайта ишлайди. Жумладан, Гессе ҳинд фалсафаси психоанализ оқими Шопенгауер, Достоевский, Ницше кабиларнинг қарашларини бадиий фалсафий жихатдан синтезлаган ҳолда ўз ижодида акс эттиради. Герметизмнинг принципларидан бири саналмиш менталлик унинг “Чўл бўриси” асарида яққол намоён бўлади. Кимки тафаккурни моҳият деб билса, у албатта кўп нарсага эриша олади,

бирок шу билан бирга, ер билан сувни алиштириб юбориб, чўкиб кетиши ҳам ҳеч гапмас.¹

Герметизмнинг биринчи тамойилига кўра менталлик ёки ақлий соҳа, чексиз океанга ўхшатилади. Бутун олам олий ақлнинг усталигига асосан яратилган бўлиб, хатто ҳалос бўлиш ёки ўзликни англаш жараёни ҳам билиш воситасида амалга оширилади. Ҳалос бўлиш масаласига тўхталишдан олдин герметизм фалсафасида илгари сурилган дунёнинг яралиши хусусидаги фикрларга тўхталиш лозим. Герметизмга олам ибтидоси сифатида илоҳий нур ёки олий ақлни тан олади. Ундан кейинги ўринда “қўрқинчли, тунд, спиралсимон шаклдаги илон” образи орқали ифодаланувчи қоронғулик ёки материя туради. Шу маънода бутун олам моҳияти иккиёқлама: нур ва қоронғулик, ақл ва материя шаклидаги кўринишга эга. Бошқача қилиб айтганда дунё бошланишданок турли қутблардан ташкил топади. Герметизмнинг ўхшашлик ёки аналогия принципига асосан бутун олам макрокосим, инсон эса унинг кичик модели микрокосим дейилади. Шунга кўра инсон борлиғи ҳам кўплаб қарама – қарши қутблардан ташкил топади.

Гессе ижодида эса “Чўл бўйиси” асарида Гарри борлиғидаги инсон ва бўйи, Пабло ва Гарри, Пабло ва Гермина, академик мусиқа ва жаз, “Мунчоқлар ўйини” асарида Касталия (олий педагогик муассаса) ва оммавий таълим тизими, Кнехт ва Пленио, “Сидҳардха” асарида эса Будда ва ичкиликбоз савдогар образлари орқали қутблилик принципи ифода этилади. Гессе герметизмнинг аналогия принципига таянган ҳолда олам моҳиятида ётувчи қарама – қарши қутблар принципини кичик олам инсонга кўчиради. Унда инсон ва бўйи ёнма ён яшар, бирок улар бир – бирларига камдан – кам ёрдам беришар, аксинча бир – бирлари билан доимий хусумат, ашаддий душманлик муносабатида бўлишар эди.²

¹Г.Гессе. Чўл бўйиси 19 бет.”Шарк” Тошкент 2006.

²Г.Гессе. Чўл бўйиси 43 бет.”Шарк” Тошкент 2006.

Гарри вужудидаги иккита қарама-қарши инсон ва бўри қутблари ҳамиша ўзаро курашда бўлади. Герметизм таълимотининг ритм принципи ёки концепцияси қонуниятига мувофиқ тарзда улар тез – тез ўзаро ўрин алмашиб турар эдилар. Бу ҳақида Гессе “Чўл бўриси” асарида қуйидагича ёзади: “бизнинг Чўл бўримизда ҳолат шундай эдики, у ўзининг ҳиссиёти ичра барча аралаш, қоришиқ жонзотларда бўлганидек, дам бўри бўлиб, дам инсон бўлиб яшарди. Бироқ шуниси бор эдики у бўрилик пайтида унинг вужудида одам ҳамиша ҳушёр, сергак ва огоҳ бўлиб турар, у инсон бўлган пайтда эса бўри ҳудди шундай ҳаракат қилар эди”¹. Ритм принципи ёки концепцияси қонунида айтилишича дарёнинг бир қирғоғига сув қандай куч билан урилса, иккинчи қирғоғига ҳудди шундай куч билан қайтади. “Чўл бўриси”да эса Гарри борлиғида бўри қанчалик ҳукмронлик қилса унинг ўрнига келган инсон ҳам шунчалик ҳукмронлик қилади. Бошқача қилиб айтганда ҳар икки қутб тенглик асосида ўрин алмашиниб турадилар. Гарри эса ўзини кимлигини англаш ўз-ўзига баҳо бериш жараёнида икки ўт орасида қолади.

Карл Юнг “Чўл бўриси”даги бўри образини инсоннинг нотўқис, шайтоний қисми ёки унинг сояси деб атайди. Инсоннинг шу сояни бартараф қилиш жараёни Юнг таъбири билан самотга – инсоннинг илоҳий ибтидоси билан бирлашуви дейилади. Зеро, Гаррининг борлиғидаги бўрининг ибтидоси табиат ёки герметизда назарда тутилган тунд, қўрқинчли илон кўринишидаги материя бўлса, ундаги инсон Юнг назариясига мувофиқ самот ёки инсоннинг илоҳий моҳияти саналади. Герметизм таълимотида Гаррининг инсоний қисми дунё ибтидосидаги илоҳий нур ёки олий ақлнинг тажаллиси саналади.

Инсон ақл орқали ўз илоҳий моҳияти билан бирлашиб ментализм принципидаги ақл уммониға ғарқ бўлса, ундаги бўри бош кўтара бошлайди. Гарри бўри тайзиқида бўлган вақтларда эса ақл уммонида сузиб ўрганганлиги туфайли қуруқликка – кундалик ҳаёт тартибларига мослаша

¹Ўша асар. Ўша бет.

олмай азоб чекади. Герметизм адабиёти ва фалсафаси тарихида бундай образлар кўплаб учрайди. Масалан Гёттинг Фаусти. У ўзини “яхшилиқни истаб ёмонлик қилувчи” киши деб ҳисоблайди. Ёки Ф.М.Достоевскийнинг “Жиноят ва жазо” асари қаҳрамони Родион Романич Раскольников ҳам яхшилиқ қилиш аниқроғи ўз руҳияти, шахсий ҳаёти ва атрофида кечаётган инқирозли ҳолатни бартараф этиш мақсадида жиноятга қўл уради. Бироқ Раскольников табиатидаги инсон қутби ундаги бўри ёки соя қутбининг жиноятини кечира олмайди. Гессе эса бу масалага ўзгача ёндашади. Жамиятда шундай инсонлар борки на ўз табиатидаги бўрига тобе бўлиб руҳиятидаги ва жамиятдаги инқирозни бартараф эта олади на табиатидаги инсонга тўла бўйсуниб ҳар иккисини ўзаро қилиштирувчи ўрта табақа мешчанлик қатлами яшаш меъёрларига қўниб яшай олади. Бундай инсонлар муаммони қандай ҳал қилишлари мумкин деган саволни қўяди Гессе. Бу саволга улар фақат юмор ёки ижод орқали муаммони ҳал қилишлари мумкин деб жавоб беради.

Унинг мусиқа борасидаги қарашларида масаланинг қамрови янада кенгроқ ҳажмда намоён бўлади. Элитар маданият намунаси бўлган полифоник мусиқа ва оммавий маданият намунаси бўлган жаз ўртасидаги кураш ҳам икки маданият ҳам икки давр ҳамда элита ва омма ўртасидаги кураш сифатида акс этади.

Энди қутблар миқёси шахс даражасида жамият миқёсига кўтарилади. Инсонни руҳий юксакликларга чорловчи полифоник академик мусиқа (Моцарт, Бах, Бетховен, Шуберт)ни ресторанларда қилинувчи жаз мусиқаси таҳдидларидан қандай сақлаш мумкин. Умумийроқ қилиб айтганда элитар маданият ва оммавий маданият баҳсига қандай ечим бериш мумкин, деган саволлар юзага чиқади.

Ушбу ижтимоий қутблар ўртасидаги беаёв кураш магиявий театрда ечим топади. Магиявий театрда киришнинг яқкаю ягона шарт ақлдан воз

кечиш. Зеро унинг пештоқиға “Магиявий театр, фақат жиннилар учун” деб ёзилган.

Гаррини Магиявий театрга Гермина исмли ёш қиз олиб боради. Ва театрга киришдан олдин Гаррини обдон тайёрлайди. Гаррига олам фақат унинг ақлий назариялари яратган тасаввурларидан иборат эмас эканлигини тушунтиради. Гермина бу борада енгил жаз муסיқаси, жисмоний ишқий муносабатлардан восита сифатида фойдаланади. Бундай кўринадики магиявий театр инсоннинг онг ости дунёси ҳисобланади. Магиявий театрда Гарри герметик уста Пабло ёрдамида ўз табиатида фақатгина инсон ва бўри қутблари эмас бошқа юзлаб қутблар мавжудлигини англайди.

Айнан ижтимоий ҳаётда ҳам омма ва элита, санъат ва маданиятда жаз ва академик муסיқа каби юзлаб қутблар мавжудлигига амин бўлади. Қарама – қарши қутблар тангани икки томони мисоли бўлиб, уларнинг ҳар бири шахснинг ҳам жамиятнинг ҳам борлиғида тенг асосда мавжуд эканлигини тушиниб етади. Ҳатто Гермина ҳам герметизмнинг жинсий ибтидолар принципига мувофиқ унинг руҳиятидаги аёллик ибтидоси рамзи бўлиб чиқади; Пабло эса табиатидаги ҳою – ҳавасларга интилиш рамзи эканлиги маълум бўлади. Инсон онг остига кириб герметизмда тутилган турли медитациялар ва шунга ўхшаш кўплаб руҳий покланиш воситалари орқали ўзлигини англагач қутблар комбинациясини ўзи хоҳлагандай жойлаштира олади.

Герметизмнинг вибрация принципига монанд тарзда бундай одамлар барча қарама – қарши қутбларни бир нуқтада жамлайдилар ва ўзлари хоҳлаган комбинацияларда жойлаштира оладилар. Бу борада Гессега руҳий таҳлил оқими қўмак беради. Бироқ бундай қийин масалаларни ҳал қилишдаги беминнат ёрдамига қарамасдан Гессенинг психоанализдан ҳам кўнгли қолади. Чунки улар бирор – бир юксак ижод намунаси жумладан Гёте, Моцарт асарларини қандайдир нерв ёки ошқозон касалликлари ёки болаликда олинган руҳий жароҳатлар маҳсули деб баҳолайдилар. Шу

туфайли ҳам Гарри Герминани магиявий театрда ўлдириб қўйганлиги сабабли Моцарт ундан юз ўгиради. Аниқроқ қилиб айтганда илоҳий манбадан келувчи интуиция маҳсули бўлган ижодни кундалик ҳаётдаги қандайдир руҳий камчиликлар билан боғлаб тушунтириш Гессе учун ножоиз туюлади. Умуман олганда герметизм таълимоти ва магиявий театр мажози Гессе дунёқараши ва унинг манбаларини тўлдиришга қонунлаштиришга ва тизимлаштиришга хизмат қилган. Айнан Магиявий Театр, санъат мотивлари Гессе асарларининг элитар маданият намунаси бўлишига қарамасдан тез оммалашishiга сабаб бўлди десак ҳато бўлмайди.

XX – асрнинг бошларидаги Фауст образи ва ниҳоят Гессе “Чўл бўйиси” асари қахрамони Галлер умидсиз тушкун ахволда қолади. Унинг шахсияти тинчлик ва нафрат, беғубор болалик ва қари донишмандлик, илмга ташналик ва аскетик зохидлик каби кўплаб “мен”лардан ташкил топган ҳисобланади. Гарри Галлер буларнинг барчасини магиявий театрда англайди ва интеграция қилади; уларнинг ҳеч бирини инкор қилмайди аксинча бағри кенглик билан қабул қилади. Гарри қайсидир маънода Гётенинг Фаустини эслатиб, бироқ уйғониш давридаги эмас, мешчанликни қабул қилмайдиган ва уни инкор қилувчи, ва айни пайтнинг ўзида мешчанлик ҳаётининг барча атрибутларидан фойдаланилган, нозик интеллектуал ва романтик ниқоби остида қонхўр, ёвуз ва ёлғиз бўрини ҳис қиладиган Фаустдир. Бундай одамлар ёшидан ва жинсидан қатий назар, жамиятни умумий талабларидан чарчаган ва уйғонишни эркин ва мустақил фикрлашни бошлаган, бироқ ўзининг ҳаёлий оламидаги мақсадларини амалга ошириш йўллари топа олмаганликлари туфайли магиявий театрга келадиган кишилардир. Унинг психосоматик симптомларни бошдан кечирганлиги, оилавий муаммолари, невроз, билимга чанқоқлиги, яхлит ва зиддиятли шахсияти оламни англаганлиги ҳеч қандай аҳамият касб этмайди. Уларнинг ҳар бири дастлаб ўзлари инкор қилган магиявий театрда яшайдилар.

Бугунги кун маданияти ва технологик махсуллари ўзида қайсидир маънода магиявий доирани акс эттирмоқда. Ичкаридан хавфсиз кўринган бу доира, вайронкор характерга эга бўлган понциалларни намоён қилади. Биз ер юзини пластмассалар, захарли химикатлар, саноат чиқиндилари билан ифлослантирамиз. Худди доктор Франкшейнт айтганидек, биз ёвуз махлук яратаяпмиз. Жиддий бўлмаган эртақдаги сеҳргар сингари биз ўзимиз яратган кучни устидан назоратни йўқотаяпмиз. Чернобил ҳодисасини фикримизни яққол далили сифатида келтириш мумкин. Натижада биз магиявий театр устаси бўла олмаймиз, бошқача қилиб айтганда ўзимизни – ўзимиз бошқаро олмай қоламиз.

Технология инсон қўлларини узун ва кучли қилиши мумкин аммо маънавиятини юксалтирмайди. Биз техника воситасида эркин бўлдик деб, эркимизни бой бердик. Бу жараёнда биз ўз “онамиз табиат”дан ёки бизни ўраб турган борлиқдан ажралиб бегоналишиб бормоқдамиз. Бугунги кунда глобал ахборот технологиялар орқали амалга оширилаётган манипуляцияни ҳам сеҳргарлик дейиш мумкин, бироқ у уйғониш даври ва герметизм фалсафасида назарда тутилган сеҳргарликдан йироқ таъбир жоиз бўлса – қора сеҳргарликдир. Юқоридаги фикрларни умумлаштирадиган бўлсак Герман Гессе ижодида қайта ишланган герметизм инсон борлигини ташкил қилувчи фалсафаси табиат ва руҳият, моддийлик ва маънавийлик ўртасидаги мувозанат бузилишини ҳамда уларни муросага келтириш йўлларини излаш сифатида баҳолаш мумкин. Тарих, хусусан фалсафа тарихи ҳар икки соҳанинг ҳам идеологик нуқтаи – назардан мутлоқлаштирилиши қандай салбий оқибатларга олиб келганлигига гувоҳдир. Зеро, президентимиз И.А.Каримов ўзининг “Юксак маънавият - енгилмас куч” асарида **“инсонга хос орзу-интилишларни рўёбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз**

қилаётган қушнинг икки қанотига қиёсласак, ўилайманки, ўринли бўлади”¹, - деб таъкидлаб ўтади.

Бир сўз билан айтганда, магиявий театр фалсафий билимларни тизимлаштириш ва ифодалашнинг янгича усули ёки анъанаси сифатида намоён бўлиб буларнинг барчасини ўзида мужассамлаштирган герметизм таълимоти Гессе дунёқарашининг назарий методологик асосини ташкил этади.

¹И.А.Каримов. “Юксак маънавият - енгилмас куч”. -Тошкен: Маънавият нашриёти, 2008. Б.-47.

II.2. Гессе ижодида мусиқа омилининг муҳокамаси

Серен Кьеркегор XIX да мусиқа ҳақида гапириб уни шайтоний талвасага солувчи шунингдек уни ҳиссиётни энг мувофик келувчи мадиуми деб атаган¹ (ҳиссиёт христианлик динида ҳамиша шайтоний ҳисобланган). Кьеркегорга кўра мусиқа – инсон борлигининг энг характерли ва асосий ҳолатини ифодаловчи Худо билан дўзахий ҳолат орасидаги ўрталикдир. XIX аср охири ва XX асрда мусиқага муносабат иррационаллик тушунарсизлилик аклга номувофикликнинг ифодаси сифатида адабиётда ва фалсафада кенг тарқалди.

“Мусиқа – барча санъатлар ичра энг гўзалидир (романтикидир),- дея иддао қилган эди жаноб Гофман 1810-йилдаёқ: - балки ҳатто ягона романтик дейиш мумкин чунки у ўзининг чексиз предметиға эгадир”². Лира Орфей дўзах дарвозаларини очди. Мусиқа инсонга ташқи олам билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган аллақандай нотаниш салтанатни, оламини уни қамраб олувчи уни ўзининг барча аниқланган тасвирлаб бўлмайдиган азобга гирифтор қилувчи ҳислари ичра қолдирадиган ҳиссиёт оламини очади³.

XX асрнинг иккинчи ярмига келиб мусиқага бўлган қизиқишни кескин ортиб кетиши тасодиф эмас эди. Мусиқа санъатнинг нисбатан субъектив шакли бўлиб у мантиқий анализдан кўра кўпроқ инсон шахсиятининг эмоционал қисмларига мувофик келади, бу йилларда кўплаб ижодкорлар учун санъат рамзлари умумийлик касб этди, лекин ҳаётга қарши турган бундай санъат иррационалликнинг катта қисмини ўзида мужассам қилди. Мусиқага номантикий, нореал олам сифатидаги муносабат Шопенгауер ва Кьеркегор фалсафасига хос хусусият саналиб, кейинчалик эса бошқа таълимотларга кўчади. Шопенгауер айнан мусиқада инсон шахсиятининг мазкур иррационал феноменида олам моҳиятига интуитив эришиш

¹Оппозиция музыкальных пространств в “Степном Волке” Германа Гессе: менестрельная традиция VS опусной музыки А. Костерин, К.П. Степанова. Б.1.

²Ўша асар. Ўша бет.

³Э.Т.А. Гофман. Крейслериана // Избранные произведения в трех томах.- М.: 1962.

имконияти масаласини кўтаради. Томас Ман “Германия ва немислар” (1945) номли асарида – “мусиқа шайтоний соҳадир; буни Серен Кьеркегор ўзининг оғрикли ва эхтиросли “Моцарт Дон Жуани ҳақида” мақоласида қатъий тарзда исботлаган” – деб ёзади. Мусиқа Ғарбий Европада кўп ҳолларда салбий хусусиятга эга бўлган христиан санъатидир. У аниқ саналувчи тартиб бўлиш билан бир қаторда ўз навбатида бирламчи асосига кўра хаосдир. Унинг арсеналида афсунловчи мантикий йўл билан етиб бўлмайдиган овозлар образи, сонлар сеҳри мавжуд; у реалликдан энг узоқ айна пайтда абстракт мистик ҳамда эхтиросли санъат туридир деб талқин қилинади. Немисларнинг муסיқага муносабати ҳақида тўхталаркан, жумладан Рехард Вагнер шундай дейди: “немислар мусиқани соф тўғридан – тўғри идрок этишдан коникмайдилар; улар (мусиқанинг) бутун ички организми билан танишишни холайдилар, мусиқани шунчаки ўрганмайдилар, мусиқанинг кучи – қудратли ва мўжизавий тарзда шедевр мусиқа санъатига олиб бориши буни англаш учун уни нозиктаъблик билан ўрганадилар, у ўзининг изланишлари йўлида энг чуқур асосларигача кириб боради, ва нихоят ўзи ижодкорга айланади”¹.

Немис мутафаккирларининг мусиқага нисбатан билдирган фикрлари орасида Герман Гессининг “Чўл бўриси” асаридаги мусиқа концепцияси қолганларга нисбатан бирмунча аниқ ва мукаммал қараш ҳисобланади. XX – аср янги, барча қонунларни ҳамда Европада асрлар оша жамланган муסיкий хазинани итқитиб ташловчи мусиқани дунёга келтирди.

Гессе дунёқарашига кўплаб омиллар хинд, хитой, христиан фалсафалари, рухий таҳлил оқими катта таъсир кўрсатган. Рухий таҳлил оқими таъсирига берилиши бутун Ғарб маданиятида кечаётган инқирознинг

¹ Для более полной картины взглядов немцев на музыку я считаю нужным привести этот отрывок из письма Г. Гессе 1950 года: “Европейская душа создала Музыку - этот воплощенный порядок, этот высший символ всего достойного поклонения, всего, к чему нужно стремиться. Не станем спрашивать, способно ли искусство и прекрасное сделать человека действительно лучше и сильнее, они напоминают нам во всяком случае, подобно звездному небу, о свете, об идее порядка, гармонии, “смысла” в хаосе” (Цит. по статье: Березина А.Г. Философия музыки в творчестве Германа Гессе // Литература и музыка. Л., 1975).

руҳиятига қандай таъсир этганини кўрсатади. Руҳий таҳлил Гессега ўзлигини топишига ёрдам бера оладиган таълимот сифатида намоён бўлган эди.

Аммо, бизнингча, булар орасида Гессени буюк сиймо қилган ва кўплаб ёш авлоднинг жону дилига айлантирган бир сир алоҳида ўрин тутди. Бу унинг ижодининг мусиқа билан уйғунлигидир.

Мусиқа ва Герман Гессе бир – биридан ажралмас даражада боғлиқдир. Ва агар Алберт Швейцернинг куйидаги фикрига қўшиладиган бўлсак, мусиқачи қалбан санъаткор бўлиш керак, шу маънода Гессени ҳам табиатига кўра мусиқачи дейиш мумкин. У ўз фикрларини ифодалашдагина сўздан фойдаланган.

У уйида ҳам музикаий тарбия олган бўлиб, моҳир скрипка чалғувчиси эди ва яқинлари дўстлари орасида ҳам мусиқачилар ва машҳур бастакорларни кўплаб учратиш мумкин бўлган. Унинг кўплаб шеърӣ ва насрий асарлари, ўзи юксак баҳоловчиси ва қадрловчиси ҳисобланадиган классик мусиқага бағишланган. У мусиқа соҳасида Моцарт ва Бах асарларини идеал деб ҳисобларди. Моцартнинг “Сехрли флейтаси” унинг энг сеvimли музикаий асари эди. Унинг “шаффоф бўёқлар” билан ажралиб турувчи поэтикасида ҳукмронлик қилувчи гармония, аниқроқ айтганда мутлоқ музикаий гармония унинг асарларидаги музикаий гармонияни ҳосил қилишга қодир эди.

Гармониянинг ҳар қандай бузилиши Гессени чуқур изтиробга солар эди. Унинг асарлари саҳифаларидан куйидаги сатрларни топишимиз мумкин: “шундай дилбар, ёқимли ҳатто гўзал хоним, менинг кўз ўнгимда ўн саккинзинчи асрга тегишли жозибадор менуэтни кучли ва ноқобил қўллари билан барбод қилди. Мен бу ҳолдан даҳшатга тушдим, эзилгандек, уятдан қизариб ўтирар эдим, лекин қандай аҳмоқона ҳол содир бўлганлиги бирор кишининг ҳаёлига ҳам келмади, мен эса ўзимнинг бемаъни эътирозларим

билан ёлғиз қолган эдим¹. Гессе мусиқани шунчаки бефарқ тинглай олмасди. Классик мусиқа ижрочиларидан у, унинг сўзи билан айтганда, ижрочилик маҳоратидан ташқари “кичкинагина шахсий юрак, нутра: зарурат, жонли талаб, қалб ҳарорати, санъатдан кутилган эркинликни кутарди².

Чолғувчи “бу мусиқада қандайдир хазина яширинлигини билганда мусиқачиларнинг бундай ўйини Гессе ижоди билан туташиб кетарди, энди у худди ўз ҳаёти учун кўрашаётгандек жанг қилади”³. Ўзининг таъбири билан айтганда Гессе, мусиқани ўта профессионал даражада тушинмас эди, лекин мазкур ўзликни ифодалаш қобилиятига кўра у инстинктив тарзда болалигига таянар эди ва “натижада мусиқани ўзи учун қайсидир маънода тафаккур қилиш жараёни деб қабул қилади”.

У ўзи ҳам мусиқа яратишга уринар ва шу орқали сўз билан айтиш мумкин бўлмаган руҳий ҳолатларни ифодалашга интилар эди. Бу борада у шундай ёзади: “Бу фикр ва кайфиятини фақатгина эртак орқали ифодалаш мумкиндек туюлади менга, операни эса эртакнинг энг юқори шакли сифатида кўраман, шунинг учун тахмин қилиш мумкинки сўз сеҳри ёки маъноси бизнинг яроқсиз ва ўлиб бораётган тилимиздан ташқарида бўлиб мен бу тилга ишона олмасдим, бунга қарамасдан мусиқа менга жонли ҳали хануз жаннат меваларини берадиган дарахт бўлиб кўринар эди. Мен бадий асарларимда амалга ошириш мумкин бўлмаганларни операмда ёритишга уринар эдим: инсон ҳаётига юксак куйловчанлик маъносини бериш керак”⁴. Гессе ўз операсини якунлай олмади, чунки у яратмоқчи бўлганлари аллақачон яхшироқ шаклда Моцартнинг “Сеҳрли флейтаси”да мавжуд эканлигини англаб қолди”.

Шунингдек у ўзи “энг назокатли ва ширин” санъат тури деб айтган мусиқа ҳақида ҳам таъсирчан сўзларни ёзганди, “...ва мен кўкқисдан маст

¹ Мюнстер Елена Георгиевна. Гессе и музыка. Б.2.

² Мюнстер Елена Георгиевна. Гессе и музыка. Б.5.

³ Ўша асар. Ўша бет.

⁴ Ўша асар. Б.8.

ҳолатда унутган мелодиямни эсладим, у мени ялтироқ кичик совун кўпиги сингари юқорига кўтарди, олам кўз ўнгимда кичрайди ва ярақлаб кетди ва мен енгилгина ўз холимга қайтдим”¹.

Муסיқа Гессе учун поэзияга йўл эди. “Шоир” эртагида у бошловчи шоирларни шундай тасвирлайди: “Уста унга деярли бирор сўз демади, шогирднинг бор вужуди муסיқага сингунча фақат жимгина уд чалиш санъатини ўргатди ва шунинг учун Гессе назнида поэзия қийин ва юксак санъат бўлиб туюлар эди”. Кейинчалик шогирд бошқа муסיқий асбобларни чалиш, ҳатто шеър ёзишни ўрганди, аниқроқ қилиб айтганда муסיқа ижодкор қалбига ижод учун кенг йўл очади.

Гессе муסיқий лирикасини шоир ижодиётининг элементларини ва унинг поэтик услубининг муҳим жихатларини англаш шакли сифатида кўриш мумкин. Гессе сўз муסיқасини яратди. Унинг шеърларидаки муסיқавийлик унинг илк “Романтик кўшиқлар” ва “Шеърлар” тўпламиди кўзга ташланади. Тўпламдаги кўплаб шеърларга машҳур немис композиторлари томонидан куй басталанган. “Туманда” номли шеърининг 15 дан ортиқ вариациялари мавжуд. Шеърдаги тўрт қаторли структура муסיқий мелодий қофияларини англатар эди.

Гессенинг ўз шеъриятигадаги муסיқий мелодиядан кўнгли тўлмасди. Унинг муסיқий қарашлари “Сидхратха”, “Мунчоқлар ўйини” ҳамда “Чўл бўриси” асарларида яққол намоён бўлар эди. Бу асарларни кўплаб танқидчилар жумладан Гессенинг ўзи ҳам “насрий соната” деб атаган.

Асарлардаги композиция, услуб ва тил бирлиги адиб учун муҳим аҳамият касб этган. У умидсиз лаҳзаларда ҳам жим турмасдан, ифодалаш имконсиз бўлган ҳолатларни ифодалаш учун ҳам ўз ижод тилини бойитган: ва бу йўлда муסיқадан унумли фойдаланган. “Агар мен муסיқачи бўлганимда, икки овозли, икки тармоқдан ташқил топган, нота қаторларининг икки тоналлиги, бир – бирига мувофиқ тушувчи, бир –

¹Герман Гессе. “Чўл бўриси” Шарқ наш. 2006 й. Б.72.

бирини тўлдирувчи, бир – бири билан кўрашувчи, бир – бирини тақазо қилувчи, ҳар қадамда ва ҳар бир нуқтада, бир – бири билан изчил ва жонли алоқа ва таъсирда бўлган мелодия яратган бўлар эдим”¹ деб ёзади Гессе. Бу икки овозлилиқ ва “доимий ҳаракатланувчи антитезис, бу икки тармоқлилиқни” сўз ёрдамида ифодалашга имконсизлиқ ва эришиб бўлмайдиган юксакликларга қайта – қайта интилган. У ҳамиша мелодияда карама – қаршилиқлар бирлигини даврларни кулгулилиқ ва фожеавийлиқгини ҳис қилган ва буларни ўз ижодида акс эттирган. Унинг учун бу бирликда икки қутб ва икки яратилиш асоси ўртасида тинимсиз ҳаракатланувчи ҳаёт акс этади. Гессе бу икки қутбни мутлоқ бирлаштириб бўлмаслигини, ҳаётни икки овозли мелодиясини қоғозга ёзиб бўлмаслигини “назарий асослаб бўлмаслигини” аёнларди, бироқ шунга қарамасдан буларнинг барчасини ҳис қилиб турган ҳолда бундай уринишларга қайта – қайта жасорат топар эди.

“Идеал шакл” учун қайғуриш Гессе учун асосий масалалардан бири эди. У ўз асарларини нашр қилиш жараёнига жиддий эътибор қаратиб, ҳар бир сўз, ҳар бир ҳарф учун курашар эди чунки асар маъносини зиғирча ҳам ўзгариши Гессени қайғуга солар эди. Бу ҳақида у шундай ёзади: “Иборани оғзаки айтиб тинглаб кўрсангиз, мелодия ритми ўзгарганлигига ишонч ҳосил қиласиз”. Ҳарфларнинг тушириб қолдирилиши натижасида ибора шундай шаклланадики, уни маъносига кўра эмас, мусиқий жарангдорлик нуқтаи – назаридан буткул ўзгартириб юборади. Мусиқа хусусан наср мусиқаси, камсонли ҳақиқатдан ҳам сеҳрли, ростакан сеҳрли воситалардан бири бўлиб, хали – хануз адабиётда ҳам сақланиб келмоқда. Гессе “бўғинларнинг заррача орттирилиши ёки камайтирилиши, пунктацияни қўллаб – қувватлаш заруратини оширади, пунктацияни ўзи эса соф поэтик ва мусиқий вазифа бажаради ҳамда катта аҳамиятга эга.

¹ Мюнстер Елена Георгиевна. Гессе и музыка. Б.4.

Агар Гессе насрий мусикага қанча қайғ урган бўлса, шеърий мусикага ҳам шунча эътибор қаратган. Шунинг учун Гессени шеърий асарлари мусикий жарангдордир. 1964 – йилгача бўлган вақт мобайнида 273 та шеъри, 300 дан ортиқ композиторлар томонидан куйга солинган ва умумий ҳисобда 813 шеърига мусиқа басталанган.

Бироқ Герман Гессенинг мусиқа борасидаги қарашлари “Чўл бўйиси” асарида концептуал жихатдан нисбатланган ҳолда ифодаланган. Гап шундаки, Гессе яшаган давр ўз мусикий маданиятини шакллантира бошлаган ва бу маданият классик мусиқа маданияти билан зиддият ҳолатида эди. Гессенинг бош қаҳрамони Гарри Галлер классик мусикий маданиятнинг оташин ҳимоячиси бўлиб, унинг антиподи бўлган саксофонист Пабло эса, аксинча, янги мусикий маданият – Жаз намояндаси эди. Гаррига классик мусикагина энг тоза, энг буюк санъат намунаси эди, лекин, негандир, фақат, нолаю ғамга тўлиқ эди. Жаз эса, аксинча, бутун ҳаётни нуқул қувноқ ўйин, ҳазилга айлантирарди. Китоб қаҳрамони бу икки хил мусиқанинг инсон ҳаётидаги ўрнини ажратишга уринади ва охир – оқибат ҳар иккисининг бир бутунлигини англаб етади ва, ҳатто Пабло ролида ўзини кўради.

Асарда олдинга сурилган бу мотив мураккаб давр маънавиятининг Гессе каби ижодкорлар ва мутафаккирлар олдида қўйган долзарб муаммоси бўлиб, унда Ўрта асрлардан бошлаган ва романтизмга қадар бўлган Европа маданияти ва фалсафаси инқирозига, аниқроғи, Ницше алоҳида эътибор қаратган Аполлонча ва Дионисийча маданиятлар орасидаги зиддият акс этган. Жиноятчиларнинг жазоланиши ёки қатл маросимларида қўйланадиган, халқнинг кўнгил очар маросимларида фойдаланиладиган оғзаки менестриал мусиқа Дионисейча маданият рамзи ўларок, қайтий, тартиблашган, руҳни юксакликларга чорловчи ёзма полифоник мусиқа Аполлонча маданиятга қарши қўйилади. Ўрта асрларда менестриал мусикага анъанавий ёзма полифоник мусикага эса, янгича замонавий мусиқа сифатида қаралган. Бироқ Герман Гессенинг “Чўл бўйиси” романининг бош қаҳрамони Гарри яшаган

давр эса, жаз оғзаки менестриал мусиқа ва афро – американча мусиқанинг ўзига ҳос синтези кўринишида, янги мусиқа сифатида жамият ҳаётига кириб келади. Бутун Ўрта асрлар романтизми классик маданиятининг юкуни ўз зиммасига олган Гаррини бедаво дард мисол қийнади. Шунинг учун у жазни бирор – бир назария қолипига солиш ва у билан классик академик мусиқа ўртасига қатъий чегара қўйишга уринади. Пабло эса Гаррини жаз ёрдамида оғрикни кулгуга айлантиришга ундайди.

Ҳессе менестриал ва полофоник мусиқанинг ўзаро ўрин алмашинуви орқали санъат ва эстетик ондаги ворисийликка асосланган эврилишларни ҳам кўрсатиб берган. Дастлаб менестриал мусиқа анъанавий полефоник мусиқа эса унинг инкори ўларок янгилик сифатида юзага чиқди. Вақт ўтиши билан полефоник мусиқанинг ўзи анъанавий мусиқага айланиб менестриал мусиқа жаз кўринишидаги янгилик сифатида намоён бўлди. Гаррининг елкасидан илк Ўрта асрлардан бошланиб романтизм билан якунланувчи Европа фалсафаси ва маданиятининг тоғдай юки босиб турар эди.¹

Гарри ана шундай икки маданият, икки дунёқараш тўқнашган замон фарзанди эди. У ўзига шу икки маданият ўртасидаги кўприк сифатида қарар эди. Аммо иррационаллик рамзи ҳисобланувчи Пабло рациоал тунд Гаррига ҳар икки дунёқараш бир танганинг турли томонлари эканлигини юмор воситасида тушунтириб беради.

“Чўл бўриси”да бу масала классик мусиқанинг кадрловчиси Гарри Галлер ва жаз тарафдори саксофонист Пабло ўртасидаги баҳс кўринишида ёритилади, уларнинг ҳар иккиси ҳам ўз ўрнида ҳақдек гўё². Гарри бу оламни санъат кўз ойнаклари орқали идрок қилади, шу маънода у маданиятнинг кадрловчиси ва сакловчисидир.

¹Оппозиция музыкальных пространств в “Степном Волке” Германа Гессе: менестрельная традиция VS опусной музыки А. Костерин, К.П. Степанова

²Этой проблеме Барокко и Джаза посвящена повесть АлехоКарпентьера “Концерт Барокко”, где оппозиция “Степного Волка” Моцарт-Пабло разрешается примирением Вивальди и Филомено, но по отношению к “Степному Волку” эта повесть имеет вторичный характер.

“Жаз” унга тоза “араукари” бурчаги остидаги кулай бурчакни еслатувчи цивилизация дунёсини ўзининг мусикаси билан алмаштиргандек туюлади.

У классик мусиқа ва “Жаз” ўртасида қатъий чегара ўтказишга интилади. Дастлаб, хатто уларни аниқ фарқлаш мумкин деб ўйлайди.

Шу маънода “Чўл бўриси” икки мусиқий маконни қарама – қарши қўйиш асосига қурилган бўлиб, натижада бутун романни қамраб олган кулгу ва оғриқ оппозицияси келиб чиқади.

Оппозициянинг биринчи қисми вакили жаноб Галлер, иккинчи эса Гаррини “Жаз” орқали оғриқ устидан кулишга, ўша оғриқни кулгуга айлантиришга мажбур қилувчи саксафонист Паблодир. Бу ерда оғзаки менистриал мусиқа ва янги санъат сифатида ёзма полефоник мусиқа ўртасидаги оппозиция кўринишида Ўрта аср Европа воқелиги намоён бўлади. XX – асрдаги импровизаторлик мусикаси “жаз” билан “барокко” оппозицияси Ўрта асрлар воқелигининг янгича кўриниши дейиш мумкин. “Жаз” ҳам туб мохиятига кўра афро – американча заминда вояга етган менистриал саналади. Эндиликда эса мазкур қора менистриал мусиқанинг ўзи янги санъат эди. Менистриал мусиқа Ўрта аср Европа халқлари ҳаёт тарзида базмлар, тўйлар, жазо маросимлари, эротик ўйинлар, карнавалларда фойдаланилган. Бу руҳоний мусиқа инсонни кундалик турмушда бутунлай ўзиб оларди, унинг энергияси ўсувчи векторга монанд йўналтирилган эди. Бу ерда Гарри жондили билан қўллаб – қувватлайдиган академик мусиқада ҳукмронлик қилувчи қатъий назорат қилиш хусусиятига эга юксак идеал жаранглаб туради.

Хейзингнинг қарашларига мувофиқ ҳар қандай мусиқанинг мохиятда ўйин ётади. Мусиқа қувонч ё кўнгил хушликка хизмат қиладими, юксак

гўзалликни ифодалашга интиладими, муқаддас литургик вазифа бажарадими у ҳамиша ўйин бўлиб қолаверади¹.

Ўйин комбинаторикаларини шунчаки техника деб бўлмайди. Ўйин менистриалликни поэтикаси, эркинлиги, истехзоси, номеъерийлиги, кутилмаган манипуляцияланган, кутилмаган жиддийлик ва кулгулиликнинг бирлигини реализация қилади. Айни ўша менистриаллик Паблода акс этади, унинг учун ҳеч қандай муסיқий тадқиқотлар, назарий фикрлар муҳим ҳам, қизиқ ҳам эмас, у фақат чалиш учун яшайди. Паблонинг иши “саксафон”да “Жаз”ни акс эттиришдан иборат, у машғулотини катта муҳаббат ва эхтирос билан амалга оширади. Пабло “Жаз”дан бошқа муסיқа борлигини тасаввурига ҳам сиғдирилмайди. Дастлаб тунд ва романтик Гарри менистриал мусиқанинг вориси бўлган бу мусиқий маконни юзаки қабул қилиб, ўйинга болаларча берилади.

Эски анъанага айланган мусиқанинг эркатои билимдони Гарри роман оппозитсиясининг сўнгида турувчи рақсга қарши исён қилади.

Хейзингга кўра, рақснинг ўзи ўйин бўлиб, унинг энг мутлоқ ва соф шаклини намоён қилади.

Агар рақсга қарши йўналтирилган кўп сонли черков вердиктлари, махсус трактатлар, алоҳида таъкидларни муҳокама қилиб қаралса, улар асрлар мобайнида Европа маданиятининг қонуний даражадаги поцангиси бўлганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Рақс иблис тантанасидир.

Юқоридаги мулоҳазалардан, Пабло ва Германининг костюмли бални дўзахда ўтказганлари ҳам тасодиף эмаслиги келиб чиқади.

¹ Вся сложность музыкальных отношений и оппозиций у Гессе объясняется уже в следующей фразе Йохана Хейзинги, который отсылает нас к истокам ее возникновения: И именно в культе она [музыка] часто бывает внутренне связана с особенно ярко “выраженной игровой функцией - танцем”. То есть разрешение конфликту (или неразрешение) следует искать не в ситуации XX века, а в развитии и истории самой музыки, начиная с ее самых ранних периодов. И далее (там же): “Признанной функцией музыки всегда была функция благородной и возвышающей социальной игры, кульминацией которой часто считалась поражающая виртуозность [...] Романтизм, в столь многих отношениях поднявший нашу эстетическую оценку до уровня сознательного эстетического суждения, способствовал признанию во все более широких кругах высокого художественного содержания и глубокой жизненной ценности музыки. Однако это не отменило ни одной из ее прежних функций или оценок” (Хейзинга Й. Homo Ludens. М., 1997. С. 158).

Мазкур оппозицияларнинг барчаси уларнинг ҳаммасини ўзаро бирлаштирувчи икки мусикий оппозиция фонида вужудга келади ва мавжуд бўлади. Уларнинг ҳар бири ўзгаришлар, эврилишларга, вариациаларга эга. Ҳар бир эврилиш, ҳар бир ўзгариш жараёнида дастлаб – роман бошида ўзлари ҳам англамаган жарангларни воқеъ этадилар. Оппозициялар гоҳ бир – бирларига қарама – қарши қутблар, гоҳо яққаликнинг қарам – қарши ибтидолари бўлиб кўринади. Бироқ, шунга қарамасдан, улар ягона яхлитлик ташкил этган ҳолда ўзаро бир – бирларига таъсир қиладилар ҳамда ўтиб турадилар. Ниҳоят, мусикий оппозициялар роман қурилишини таъминлаган мусикий ривожланиш қонунига мувофиқ яхлитлик ташкил этадилар. Бу ақидада Герман Гессе 1932 – йилда ёзган хатида қуйидагиларни баён қилади: “Чўл бўйиси”, “Канон” ёки “Фуко” сингари қатъий тартиб асосига қурилган. Шундай қатъийки, бу фақатгина менинг ўзимгагина хос эди. У ўйнайди, ҳатто рақсга тушади. Баъзи оппозициялар ҳаракатини кузатиш ҳам мумкин¹. Роман бошида илоҳий мусиқа узоқроқда – ўзга оламда туради. Бизнинг бечора Гарризмиз эса шу ерда, ёнгинамизда қулоқни қоматга келтираётган, бизни қуршаб олган жаз мусиқаси маконига тушиб қолади. Роман сўнгида жаноб Галлер мангу мусиқа маконига тушади. Мусиқа бир нафас макон ва замонда ҳаракатсиз мангу қотган илоҳий кулгун эслатарди. У ерда Гарри Моцарт билан гаплашади. Сухбат мобайнида Моцарт Галлернинг тунд ва рационал руҳий қиёфасининг буткул акси бўлган ҳиссиёт ва қувонч хусусида сўзлайди. Охир – оқибатда Моцарт ҳудди илоҳий қувонч ва ҳиссиёт билан бирлаштиради. Вахоланки, Гарри балга келиб Марияни кўриши биланок бу ҳиссиёт уни чулғаб қолган эди. Гарридаги тунд, рационал кайфият ва илоҳий Моцарт унга тақдим етган илоҳий ҳиссиёт, қувонч ўртасидаги қарама – қаршилиқ кулгу билан оғриқ орасидаги оппозицияни ёдга солади. Мария билан учрашувдан сўнг юз берган рационаллик ҳамда илоҳий ҳиссиёт ёки

¹ Цит. по статье: Березина А.Г. Философия музыки в творчестве Германа Гессе // Литература и музыка. Л., 1975

иррационаллик ўртасидаги мувозанат бевосита оғриқ мувозанати маҳсулидир...кейин Моцарт жаз устаси Паблога айланади. Пабло эса бутун роман давомида Гаррининг эгизаги сифатида тасвирланади. Натижада Гарри ва Пабло бир танганинг икки томони, бир қаҳрамоннинг икки хил табиати бўлишига карамай бир – биридан ажратиб қўйилгани маълум бўлади. Шу маънода жаз ва барокко, сеҳрли мусиқа “Кристал”ининг икки қарама – қарши қирраси шу маънода Гарри эканини тушуниб етади. “Жаз” ва “Барокко” оппозицияси асар бўйлаб қолган бошқа оппозицияларга манба бўлиб хизмат қилади. Кейинчалик мазкур немис мусиқий анъанаси Гесси ижодида мутлақо камолотга эришди.

Кўриниб турибдики Герман Гессе “Чўл бўйиси” асарида ўша даврдаги дунёқараш инқирози билан боғлиқ бўлган муаммоларни акс эттиради ва уларга ечимлар излайди.

Аммо бу инқироз, бизнингча, бугунги кунда ҳам ўз якуини топмаган, аксинча, глобал инқироз даражасига чиққан¹. Глобал инқирозларнинг ечими эса, президентимиз И. Каримовнинг ҳамда ҳозирги давр кўпчилики мутафаккирларининг уқтиришларича, юксак ва глобал дунёқарашни шакллантиришдадир². Глобал дунёқараш деганда биз фан ва динни, фалсафа ва мифологияни, назарий тафаккур ва санъатни ўзида синтез қила оладиган суперментал ва интеграл дунёқарашни³ тушунамиз. Герман Гессе ҳам иррационаллик рамзи бўлган жаз ва рационаллик рамзи ҳисобланувчи академик мусиқанинг ўзаро уйғунлигини кўрсатиш орқали дунёқараш кўпёқлама ҳарактерга эга эканлигини кўрсатиб ўтган. Фикримизнинг тасдиғи

¹Шаҳноза Қаҳҳорова. Глобал маънавият – глобаллашувнинг ғоявий асоси. Т. “Тафаккур”. 2010. – 1-Боб.

² Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.

³ Интеграл дунёқараш ҳақида қаранг: Ш.Б.Каххарова. Роль философии в процессе перехода от ментальной ступени самосознания к суперментальной в условиях глобализации.// ЮНЕСКОнинг МОСТ дастури лойиҳаси асосида ўтказилган, “Ўзбекистондпги демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга оширишда фалсафанинг ўрни”га бағишланган миллий конференция материаллари.“Ижтимоий фикр ва инсон ҳуқуқлари”. 2011. №4.- Б. 138-146.

сифатида магиявий театрда рўй берган шахмат фигураларининг жойлашиш тартиботи ҳақидаги воқеаларини ёдга олиш кифоя.

II БОБГА ХУЛОСА

Герман Гессе ижодида герметизм ва унда мусиқа омилининг муҳокамаси масаласини тадқиқ этган бобимиздан қуйидаги асосий хулосаларни келтириб чиқардик.

1. Инсоният тарихида учинчи минг йиллик одамзоднинг билиш соҳасидаги имкониятларини чексиз – чегарасиз доираларга интилаши туфайли гносеологик ва эпистемиологик соҳаларда инсон ақли имкониятларининг янги парадигмалардаги хусусиятлари намоён қилувчи феномен яъни XX аср адабиёт ва санъат йўналишида герметизм фалсафасини вужудга келтирди.
2. Герметизм асл ҳолида, фалсафий оқим сифатида антик даврдаёқ мавжуд бўлиб, у инсоният ижтимоий – тарихий бурилишларининг энг мураккаб даврларида сўз орқали тўғридан – тўғри ифодалаб бўлмайдиган муаммоли вазиятларни тушунтириш, англатиш ва фалсафий моҳиятини очиб берувчи услуб сифатида даврма – давр пайдо бўлади ва Герман Гессе ижодида ушбу метод энг креатив синтез сифатида намоён бўлди. Шу билан бирга Гессе адабий асарларининг асосий ифода усулига айланди.
3. Герман Гессе фалсафасида мусиқа омили муҳим аҳамият касб этди. Мусиқа гармонияси ва фалсафий тизим унинг асарларини икки ташкил этувчи ва бир-бирини тўлдирувчи жиҳатларга айланади. Герман Гессе иррационаллик рамзи бўлган жаз ва рационаллик рамзи ҳисобланувчи академик мусиқанинг ўзаро уйғунлигини кўрсатиш орқали дунёқараш кўпёқлама ҳарактерга эга эканлигини очиб беради.

III БОБ. GERMAN ГЕССЕНИНГ ГУМАНИСТИК ҚАРАШЛАРИ ВА УНДА ПСИХОАНАЛИЗ ОҚИМИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

III.1. Гессенинг инсонпарварлик ғоялари шаклланишида психоанализ оқимининг тутган ўрни

Х.Бехер, Г.Баль, М.Дарендорф, В.А.Седельник, А.Г.Березина, А.С.Науменко ва кўплаб хорижий тадқиқотчилар Герман Гессе ижодига психоанализ оқими хусусан К.Г.Юнг қарашлари жиддий таъсир кўрсатганини таъкидлаб ўтадилар.

А.С.Науменко Гессе 1914-йилдан бошлаб XX аср бошларидаги психоанализ оқими вакиллари бўлмиш З.Фрейд ва А.Адлер қарашларига қизиқа бошлаганлиги ҳақида маълумот беради. Тадқиқотчилар ёзувчи Э.Лёвентштейннинг “Асабий кишилар” китобига тақриз берганлиги ҳақида гувоҳлик берадилар¹.

1916-йилга келиб Гессенинг психоанализга бўлган қизиқишлари янада ортади. 1912- йилда хотини Мария Бернулли руҳий хасталикка чалиниб, 1918-йил касалхонага жойлаштирилгач, 1923-йилда уларнинг никоҳи бузилади. 1914-йилда кичик ўғли касаликка чалинади. 1916-йилда отасининг вафот этади. Ҳаётида рўй берган ушбу қийинчиликлар ва оғир зарбалардан сўнг асабий беқарорлик ҳолатига тушиб қолган адиб, даволаниш мақсадида Карл Юнгнинг шогирди Йозефу Бернхарду Ланга мурожаат қилади.

У дастлаб Лютсерн қармоғидаги “Зонмат” статционарида даволанади. Муолажалар бир мунча енгил кечади. Натижада шифохонадан чиққач, ҳафтада бир маротаба доктор Лангникига бориб туришга қарор қилади. Бу ҳол бир ярим йил давом этади. Шу тариқа у 72 марта уч соатли сеанслар қабул қилади. Умумий ҳисобда 200-соатли психо-терапевтик муолажа қабул қилгач ниҳоят 1917-йилнинг кузида Гессе психоанализ оқимининг йирик вакилларида Карл Юнг билан учрашиш бахтига мушарраф бўлади. Учрашув

¹ Архетип тени в романе г. Гессе «Степной волк» с точки зрения теории аналитической психологии К. Г. Юнга www.hesse.ru Б.1.

пайтида улар тун бўйи қизғин суҳбат уммониға шўнғийдилар. Суҳбат психоанализнинг янги ғоялари ва назарий масалари устида борарди.

Қизиғи шундаки Гесседа Юнгга нисбатан икки хил муносабат шаклланади. Кейинчалик бу икки ёқлама муносабат Гессенинг Юнг ва унинг психологиясига бўлган чуқур муносабатини белгилаб беради. Юнг билан учрашувдан сўнг у кундалигига қуйидаги битикларни қоралаб қўяди:

«Кеча оқшом маҳали менга Тюрхдан доктор Ланг қўнғироқ қилиб, мени ўзи билан кечки овқат тановвул қилгани мемонхонага таклиф қилди. Мен таклифни қабул қилдим ва соат 11 га қадар у билан оқшомни ўтказдим. Унинг ўзига бўлган ишончи мени гоҳ ўзига тортса гоҳ хафсаламни пир қиларди. Бироқ охир – оқибат менда у умумий маънода ижобий таассурот қолдирди»¹.

Ўша пайтларда Гессе умрининг руҳий тушқунликлар ҳукмрон қисмини яшаётган эди.

Биринчи турмушининг бузулиши, “Сидҳардха” асарининг нияоялагандан кейинги бошидан кечирган руҳий изтироблар ва юқорида келтирган оғир дамлар фикримизнинг яққол далилидир.

Умуман олганда у кўп ёқлама салбий руҳий таъсирлар қуршовида қолганди. Бу инқирозли ҳолдан халос бўлиш мақсадида адиб руҳий магга мурожаат қилади. Бу руҳий маг психоанализ оқими вакилларида бўлган доктор Ланг эди. Натижада Карл Юнг ва унинг психо-аналитик қарашлари унда ижобий таассурот қолдиради ва бу ҳақида биз юқорида унинг психоаналитик муолажалари ҳақида батафсил тўхталиб ўтдик. Шу тариқа Гессе 1921 – йилнинг ёзида бир неча ҳафта мобайнида Карл Юнгнинг Кюстнахдаги квартирасида шахсан унинг ўзидан психоанализ курсларини қабул қилади. Гессе ҳаётининг айни дамларига оид хат даволовчи врач

¹ Герман Гессе и психология К.Г.Юнга Доклад Гюнтера Баумана на 9 Международном коллоквиуме, посвященном Гессе, Кальв, 1997 Б.1.

Юнгнинг шахсияти ва аналитик қобилияти олдида лол қолганлигидан далолат беради¹.

XX асрнинг 20-йиллари ўрталарида иккинчи турмуши ҳам омадсиз якун топгач, Доктор Лангга мурожаат қилиб у билан учрашади. 1925-декабридан 1926-йилнинг мартига қадар бўлган муддат оралиғида психоанализ курс муолажаларини қабул қилади. Гессенинг Доктор Ланг билан муносабатлари ҳақида гап кетганда у нафақат ёзувчининг дўсти ва даволовчи врач, балки “Чўл бўриси” асарининг дунёга келишида катта туртки бўлган шахс сифатида ҳам ёдга олинади. Доктор адибнинг энг қийин руҳий инқирозли кунларида унга ҳамнафас бўлиб, ижодий қўллаб – қувватлаб турганлиги маълум. 1927-йилда улар ўртасидаги муносабат аксинча тус олади. Аниқроғи, энди Герман Гессе Доктор Лангнинг ҳомийси ва қўллаб-қувватловчисига айланади. Оғир ночор аҳволда қолган дардман Лангни Гессе ўз ҳисобидан даволатади.

Учинчи турмушидан сўнг Гессенинг ҳаёти бирмунча барқарор кўриниш касб этади. Энди у ҳеч қандай психологик кўмакка эҳтиёж сезмасди. Бироқ руҳий барқарорлик ва психоанализга эҳтиёжнинг йўқлиги Карл Юнг ва Доктор Лангга бўлган дўстона муносабатларига заррача ҳам салбий таъсир кўрсатмади. Аксинча умрининг охиригача улар билан дўст бўлиб қолди. Нега Гессе бундай узоқ вақт мобайнида психоанализ билан шуғулланишга зарурат ҳис қилди, деган ҳақли савол туғилади. Гессенинг ёзувчи, Юнгнинг эса психолог олим бўлиб шаклланиш жараёнларини кузатар эканмиз шахсий ҳамда алоҳида ҳарактерли қобилиятлари туфайли уларнинг учрашуви ва ижодий ҳамкорлигини тақдирнинг ўзи олдиндан белгилаб қўйгандек туюлади гўё. Аммо бу ҳодисанинг уларга боғлиқ сабаблари ҳам мавжуд эди. Сабабларнинг энг кўзга ташланиб турадигани сифатида ҳар иккисининг автобиографияларидаги ўзаро ўхшашликни келтириш мумкин. Гессе ҳам

¹ Герман Гессе и психология К.Г.Юнга// Доклад Гюнтера Баумана на 9 Международном коллоквиуме, посвященном Гессе.Кальв, 1997. Б.-2.

Юнг ҳам қатъий белгилаб қўйилган диний тартиб – қоидаларга бўйсунувчи протестантлик оиласида дунёга келади. Масалан Юнгнинг отаси пастор Гессеники эса миссионер бўлиб, жуда қаттиқ қўл киши бўлганлар. Иккаласи ҳам диний мактабда таълим олган, ҳамда ўша ерда руҳий жароҳат олганлар. Бу хусусда ўзининг “Димиан” асарида тўхталаркан Гессе ота – оналар боланинг охирги иродасини синдиришига алоҳида эътибор қаратади. Улар болалари нима хоҳлаётганлигини билмайдилар, ҳатто болани руҳий касалликлар шифохонасида даволаниш даражасига олиб бориб қўядилар”¹, – дейди Гессе.

Умуман олганда Гессе ўзининг руҳий жароҳатларида маълум маънода ота – онасини ҳам айблайди. Гессеники каби жуда драмматик бўлмаса ҳам Карл Юнгнинг болалиги ҳам шу тарзда ўтганлиги ҳақидаги маълумотларни унинг эсталикларидан топиш мумкин.

Гессе “Димиан” номли қиссасининг бола руҳияти ҳақидаги қисмида ушбу тарбия усулини тасвирлар экан, нооқилона диний қарашлари нуқатаи – назаридан болаларини шу даражада қаттиқ қўллик билан тарбия қиладиларки, ундаги яшашга бўлган охирги ирода кучи ҳам синади, натижада бола руҳий касаллар шифохонасига тушиб, жонига қасд қилишга уринади ва буларнинг барига ота – оналар айбдор деб ҳисоблайди. Жуда бу қадар драмматик тарзда бўлмасада, К.Юнгнинг болалиги ҳам Гессеники сингари кечганига шубҳа йўқ. Бола психологияси билан жиддий шуғулланган Юнг эсталикларида бу масалага атрофлича тўхталиб ўтади. Бола психологиясидаги комплекслар – камчиликлар психологиянинг асоси эканилигини билмасди. “Ўзимни эса ярим шайтон ярим тўнғиз деб ўйлардим, тўлақонли шахс эмаслигимни қанча англаб борганим сари Худонинг меҳрибонлигини шунча кам билдим. Бир сўз билан айтганда мен жамиятдан ташқарида эдим. Мен умуман ўзимга ишонмасдим. Кунлардан бир кун онам

¹ Гермен Гессе. Демиан. Перевод с немецкого и послесловие С.Апта. //Иностранная литература, №5, 1994. Б.27.

менга “сен ҳамиша яхши бола бўлгансан”, – деганларида мен бу гапни умуман тушунмадим”. Мен яхши боламан?!” – менинг учун янгилик эди бу. Мен ҳамиша айниган, нотўқис шахс бўлганман деб ўйлаганман”¹. Диний руҳдаги протестантлик оиласи тарбиясининг маҳсули бўлмиш – ўзини шахс сифатида нотўқис ҳис қилиш туйғуси Герман Гессе ва Карл юнг психикаси шаклланишида умумий базис вазифасини ўтаган. “Рухий кийноқлар камераси”да руҳан синдирилганлигига қарамай, уларда ўз шахсий мавжудлигини тасдиқлашга бўлган интилиш кучли эди. Бузғунчиликдан импульс олган ҳаётий ирода кучи охир – оқибат ахлоқона ўз жонига қасд қилишга эмас, балки олий, юксак интеллектуал қобият, хассослик, табиатларидаги шахс сифатидаги нотўқислик туйғуси, чуқур айбдорлик ҳисси, қабиларни концентрация қилувчи “Немис пасторлик уйидаги Синдром” шахсий мавжудлигини тасдиқлашга интилиш ҳаётий иродаси билан қўшилиб ҳар иккиси учун ўзини ўлдириш каби фожеани эмас, балки тенгсиз ижодий маҳсулдорлик ҳадя этди, гениал ижод томон йўналди.

Шуниси аниқки, Гессенинг ҳам, Юнгнинг ҳам эришган ғайриоддий ютуқлари уларнинг болаликларида орттирган руҳий жароҳатларига компенсация бўлиб хизмат қилган. Адибнинг “Демиян”, “Чўл бўриси”, “Сидҳардха”, “Мунчоқлар ўйини” каби асарларида, психоанализ билан чамбарчас боғлиқ қарашлари ҳамда йиллар мобайнида тўпланиб борган психологик оғриқлари акс эттирилган.

Гессе ва Юнг тафаккур тарзларидаги ўзаро мувофиқликнинг сабабини чуқурроқ тушуниш учун яна бир бор мазкур ўхшашликнинг диний – психологик аспектига мурожаат қилиш лозим. Гессе Юнг психологиясида Юнгнинг ўзи сингари диний, ҳаёти базесини изоҳлаб бера оладиган инструментарий топади ва кейинчалик Юнг таълимоти адибга кейинчалик Юнг, Павел таълимотидаги “биринчи гуноҳ” тушунчасини инсоннинг

¹ Гермен Гессе. Демиян. Перевод с немецкого и послесловие С.Апта.//Иностранная литература, №5, 1994. Б.4.

ногўлиқ қисми деб ҳисоблаб, уни психология терминологияси нуқтаи – назаридан унга нисбатан “соя” атамасини қўллайди. “Соя”нинг бартараф қилиниши психоанализда “Самост”га эришиш ёки ўзликни англаш дейилса, динда эса Худонинг бандасини кечириши тарзида ифодаланади – деб таъкидлайди Юнг. Бу Гессе ва унинг сингари кишилар учун болаликдаги руҳий жароҳатларига қарамай асосий халоскорлик йўли бўлган. Гессе Юнгнинг “Соялар” ҳамда “халос бўлиш” назариясини қабул қилиб, ҳаётида рўй берган учта инқирозли вазиятлар билан биргаликда асарларида акс эттиради. Чунки Гессе инсон автобиографияси ва ўтмишига қараб унинг бугунги кундаги психологик муаммоларини психоаналитик йўл билан ҳал қилиш, изоҳлаш мумкинлигига ишонади. Масалан, Гессенинг донишмандона қобилияти адибни шундай жиловлар эдики, у бу қобилиятидан нафақат соғайишида балки, асарларида ҳам фойдалана олмасди. Шундай пайтларда бевосита психоанализ ёрдамига муҳтожлик сезарди.

Уларнинг ҳар иккиси ҳам бу маънавий – руҳий азоблар исканжасида таслим бўлишлари мумкин эди; аммо улардаги ирода ва ҳаётдаги ўринларини топишга бўлган интилиш бу ҳалокат келтирувчи импульсларни (азобларни) дил сузгичидан ўтказиб, ўзларини даҳо ижодкор шахсларга айлантирадиган йўналишга бура олишлари учун етарлича кучли бўлган эди. Охир-оқибатда бу азоблар телбалик ёки ўзини-ўзи ўлдириш билан эмас, балки ақлий қувватнинг унга юксак маҳсулдорлик бахш этадиган равишда қайта ташкилланиши билан натижаланди. Бу жараёни “протестантлик мазҳабидаги немис руҳонийси уйи”га хос бўлган аломат (синдром) деб аташ мумкин: уларда фавқулодда ўқимишлилик ва ўта сиркаси сув кўтармаслик хусусиятлари чуқур айбдорлик ва етарлича қимматга лойиқ эмаслик туйғулари билан қўшилиб кетган эди. Уларнинг ҳар иккисида ҳам жуда ёш болалик чоғларида орттирган бу қалб жароҳатларини ҳаётда ғайриоддий муваффақиятларга эришиш билан қоплашга бўлган эҳтиёжнинг туғилиши ҳам, аммо, шунинг билан бирга ҳар иккиси ҳам халоскор таълимот сифатида

айни бир таълимотни - одам зоти йўл қўйган илк гуноҳ ва Худонинг марҳаматлилиги ҳақидаги христианлик таълимотнинг танланиши ҳам шундан келиб чиқади. Апостол (хаворий) Павел антропологияси ва теологияси, инсон гуноҳкорлигининг ёвузликка ўлжа бўлиши ва шунга карамай Худонинг марҳамати билан оқланиши Гессе ва Юнг учун, уларга қадар ўтган ва улардан кейин келадиган ўз гуноҳларини ҳис этган барча беҳисоб христианлар учун бўлгани каби, “Жаннат дарвозаси” бўлган эди. “Шифоланишнинг архетипик йўли” номли китобимда мен Гессе ва Юнг ўзларининг бош ҳаётий тажрибаларида ва ҳаётни тушунишларида Исо (а.с.) дан бошланган, кейин (хаворий) Павел ва Августинлардан тортиб то Мартин Лютерга қадар давом этган ягона пойдеворий намунага эргашганларини исботлашга ҳаракат қилдим¹. Кейинчалик Юнг хаворий Павел таълимотидаги “илк гуноҳ” тушунчасини ўз психологиясида “эго”(“мен”)нинг ахлоқий – ноқис рақиби бўлган “соя” деб, Худонинг марҳамати билан амалга ошувчи халоскор тажрибани эса “ўзликнинг” намоён бўлиши деб атади.

Р.Г.Каралашвили, В.А.Седельник, А.Г.Березин ва бошқа тадқиқотчилар автобиографик руҳдаги “Чўл бўриси” асарида психоанализнинг таъсири кўпроқ кўзга ташланиб туришини таъкидлаб ўтадилар.

Айниқса А.Г.Березина Гессенинг “Демиян”, “Нарцисс ва Гультмунд” ҳамда “Чўл бўриси” асарларида психоанализ оқимининг таъсири яққол сезилиб турганлигини таъкидлайди.

Шубҳасиз Гессенинг шахсий руҳий кечинмалари психоанализ концепцияси билан боғлиқ ҳолда «Чўл бўриси» асарининг бош қаҳрамони Гарри Галлер образида акс этади.

¹ Герман Гессе и психология К.Г.Юнга// Доклад Гюнтера Баумана на 9 Международном коллоквиуме, посвященном Гессе.Кальв, 1997. -Б.6.

Юқоридаги фикрлармизнинг умумлаштирган ҳолда адибнинг “Чўл бўйиси” асарини Карл Юнг психоанализи нуқтаи – назаридан таҳлил қилиш мумкин.

Маълумки Юнг инсон руҳиятини уч қисмга бўлади: 1) онг; 2) шахсий онгсизлик; 3) жамоавий онгсизлик.

Онг категориясини тушуниш учун “мен” категориясини тушуниш зарур. У ўзида биринчидан сезги органлари ички ва ташқи таъсир натижасида ҳосил бўлувчи сигналларини, иккинчидан эса ўтмишда идрок қилинган образлар жамланмасини мужассамлаштиради. Бу иккита “мен”ни бирлаштириш оқибатида онг юзага келади. Аниқроғи онг меннинг зарурий шартидир. Лекин менсиз онг ҳам маънога эга эмас.

Шу билан алоқадор ҳолда Юнг “мен” онг ҳақида гапирди: “мен онг инсон мавжудлигини қамраб ола олмайди: унинг билганларидан унутадиганлари кўпроқ бўлади. У кўрган ва эшитларининг оз қисминигина бида олади. Англаган шахсни у ёки бу даражада эркин, жамоавий психиканинг танланган фрегменти дейиш мумкин. У “шахсийлик сифатида хис қилинган ижтимоий психика омиллари жамланмасидан ташкил топади”¹.

Шахсий онгсизлик “энг аввало қуйидагича мазмунга эга, улар ўз интенсивлигини йўқотганлиги туфайли онгсизликка айланган, шунинг учун ҳам унутилгандек туюлади, шунинг учун ҳам онг улардан ўзини чегаралаган”, аниқроғи шу сабабдан англаган мен уларни сиқиб чиқарган.

Юнг ўтказган тадқиқотлар шуни исботлашга имкон берадики, индивидуал психика нафақат шахсий тажрибанинг махсули, балки “барча дунё динлари ва мифологиясида универсал намоён бўладиган, жамоавий онгсизлик ёки архетипик психика деб аталувчи, шахсгача бўлган ёки трансшахсий хусусият касб этади”, аниқроғи улар аجدодлар томонидан

¹ Архетип тени в романе Г. Гессе «Степной волк» с точки зрения теории аналитической психологии К. Г. Юнга. www.hesse.ru Б.Б.

жамланган психик тажрибалар йиғиндисидир. Жамоавий онгсизлик моҳиятида архитиплар ётади.

Архетиплар – аجدодлар томонидан йиғиб борилган кейинги авлод ижтимоий онгсизлигида намоён бўлувчи образлардир. Улар ўзида хиссий, эстетик, маданий тасаввурларни концентрациялаб ва “келажак авлодга мия структураси орқали узатилади”.

Архетип – тарихий жараёнда алоҳида шахс психикасида такрорланувчи “воқеликда ёки инсонда иблис бўла оладиган фигурами”.

Марказий архетип ёки яхлитлик архетипи Юнг қарашларида самост деб аталади. Самост биздан моҳиятни ажратмайдиган конструкцияни ифодаловчи психологик тушунчадир, Юнг уни бизнинг ичимиздаги етиб бўлмас Худо деб атайди¹.

Ушбу тушунчаларнинг барчаси “Чўл бўриси” романининг қаҳрамони Гарри Галлер табиатида бирдек мужассамдир.

Шахсий онгсизлик Юнгга кўра соя архитипига мувофиқ келади. Соя деганда инсон психикасининг негатив жихатлари тушунилади.

Соя архитипи қандай шаклланади? Юнг тадқиқотчиси Э.Эденберг бунни қуйидагича изоҳлайди. Шахс ўзининг дастлабки ривожланиш босқичларида онгсизликдан ажратилмайди, аниқроғи самост билан айнан бўлади ва ўзини Худо деб ҳис қилади, – кейинчалик бу яхлит онгсизлик бўлинишга зарурат сезади. “шахс мутлоқ онгсизлик босқичида қолиб кетмаслиги учун бу босқичда “мен” соядан ажралади”².

Гессе ушбу иблисона икки табиатлилиқ ибтидосини Гарри орқали тасвирлаб беради: “бундай одамларнинг барчасида икки руҳият, иккита шайтоний ва илоҳий мавжуд бўлади, худди Гарридаги инсон ва бўри каби оналик ва оталик қони ҳамда бахтли бўла олиш ва азобланиш қобилияти

¹ Ўша асар. www.hesse.ru Б.7.

² Анисова А.А., Жук М.И. Архетип тени в романе Г. Гессе «Степной волк» с точки зрения теории аналитической психологии к. Г. Юнга Б.7.

уларда қоришиқ тарзда мужассам. Худди шундай фикр Юнгда ҳам учрайди: “шайтон соя архитипини варианты бўлиб, инсоннинг хавфли ва тан олинмаган аспекти, унинг қоронғу қисми ҳисобланади”.

Романда Гарри ўз табиатида бўри яшашидан азият чекмаслиги ноодатий ҳолдир: “не – не замонлардар бери қанчадан – қанча одамлар ўтган, баъзи бирлари кўпроқ итга ёки тулкига, балиққа ёки илонга ўхшаш бўлишган. Бу хусусиятларнинг уларнинг ўзларига заррача қийинчилик туғдирмаган. Бундай одамлар вужудида бир пайтнинг ўзида инсон, ҳам тулки, инсон ва балиқ ёнма-ён яшаган ва улар бир-бирларига озор етказишмаган, аксинча, ҳаттоки, бир-бирларига ёрдам қўлини чўзишган. Иши юришган муваффақият қозонган, кўпчилик ҳавас қиладиган баъзи бир одамда, буни қарангки, ўта бахт саодатга эришган инсоннинг ўзига қараганда тулки ёки маймун кўпроқ бўлар экан. Бу энди ҳар бир кишига маълум нарсас. Гаррида эса бутунлай бунинг акси эди, унда инсон ва бўри ёнма ён яшар, фақат улар бир-бирларига камдан-кам ёрдам берар, аксинча бир-бирлари билан доимий хусумат, ашаддий душманлик муносабатида бўлишар эди. Бир жон бир тан бўла туриб, икковлон бир-бирига душман бўлса, бундан ёмони йўқ. Албатта ҳар кимнинг ўз тақдир қисмати бор, бу йўлда ҳеч кимга осон тутиб бўлмайди”¹.

Инсон табиатида маданиятни бўртиб кетиши инстинктни заифлаштиради ва аксинча Гессе буни бўри ва инсоннинг бир-бири устидан ҳукмрон бўлишга интилиши орқали тасвирлаб берган.

Асар бошида биз қаҳрамонни тушкун ва умидсиз ҳолатда кўрамиз. Гаррининг мазкур ҳолати психоанализ ҳолатидан невроз деб аталади ҳамда юнгга кўра невроз ҳолатида бўри ва инсон ўзаро зиддиятда бўлади. Ҳар икки томондан бирига эътиборнинг кучайиши иккинчисининг заифлашиши ёки неврозни келтириб чиқаради.

Гаррида бу ҳол унинг болалигидаги хотиралари билан боғлиқ. Биз буни юқорида Юнг ва Гессе болаликларидаги ўхшашлик мисолида кўриб ўтдик.

¹Герман Гессе. Чўл бўйиси. –Тошкент: Шарқ, 2006. 43- б.

Асар қахрамони бизнинг қаршимизда ички зиддиятлари чўққисига чиққан ҳолда намоён бўлади. Бу конфликтилар табиати ҳақида Юнг шундай дейди: “инсон ўз соясини юраги ичидаги душманини англаганда зиддият бошланади ва бирлик иккиликка айланади”¹.

Конфликт оқибатида ўз-ўзидан бегоналашган қаҳрамон жамият билан ҳам алоқаларини узади.

Бегоналашувнинг энг чўққи кўриниши асар номидаёқ кўзга кўринади. Гарри шунчаки бўри эмас балки ростдан ҳам чўл бўрисидир. Чўл рамзи эса бу бепаён чегарасиз худуд бўлиб унда ҳеч қаерга бекиниб бўлмайди. Шу маънода Гарри чорасиз умидсиз саҳрода дайдиб юрган одамдир.

Асарда Гарри ўзининг ва бутун инсоният ақли ноқис эканлигини англаб етади. Ва шу сабабдан ҳам Гарри ўзининг иррационал ибтидоси бўлган соясини англаш учун магиявий театрға боради: магиявий театр пештоқига эса “фақат жиннилар учун” деб ёзиб қўйилган эди. Магиявий театрда Гарри ўз табиатидаги иккиланиш ақл асосида вужудға келган меннинг ёлғон тасаввури эканлигини аслида эса онгли “мен” ва онгсиз “мен” бир танганинг икки томони ёхуд ўзаро қоришиқ мен эканлигини тушуниб етади. Бунда унга иррационаллик рамзи бўлган мусиқа юмор кўмак беради.

“Чўл бўриси” даги Гермина (Герман Гессенинг аёллаштирилгани) исмининг ўзиёқ аниманинг (жоннинг, ҳаётий асоснинг) классик функциясига ишорадир: у (Гермина) хаддан зиёд ўқимишли (юксак интеллектул) бўлиб, кетган ва умидсизликка учраб ўзини-ўзи ўлдирувчиликка номзодға айланган Гарри Галлерни нормал ҳаётға қайтаради ва унга ўз меҳрини бахш этади. Юнгнинг фикрига кўра «Нарцисс и Гольдмунд»да ҳам анима концепцияси муҳим рол ўйнайди, зеро Гессе Гольдмунднинг хатти-ҳаракатларини “абдий оналик асоси”ни излаш билан, унинг ҳаёт ҳақидаги амбивалент (икки хил, қарама-қарши, зиддиятли) талқинини эса оналик архитипи билан боғлайди.

¹Анисова А. А., Жук М. И. Архетип тени в романе г. Гессе «Степной волк» с точки зрения теории аналитической психологии к. Г. Юнга Б.8.

Гессенинг ҳатто аёл персонажлари иштирок этмаган энг кейинги ижодида ҳам ҳикоячи ўзининг “Шарқ Мамлакатини Зиёрат” қилишдан мақсади гўзал малика Фатмэни топиш истаги эканини таърифлаганида, яна бир марта пайдо бўлади. Гётининг Фаусти учунгина эмас, балки Гессенинг қаҳрамонлари учун ҳам бу буюк трагедия нихоясидаги “Ва абадий аёллик (моҳияти) бизни у томон тортиб туради”, деган машҳур ғоя муқаддасдир. Аммо, Гессе ижодида, Юнг томонидан ишлаб чиқилган анимус (аёллик руҳиятининг эрлик қисми) назарияси ҳам, гарчи ёрдамчи бўлса ҳамки, муайян рол ўйнайди. Қариб қолган Камола қалби нурланган (комилликка эришган) Буддани изларкан, аввал ўз севгилиси бўлган Сидхартани учратади ва унинг диннинг машҳур асосчиси даражасига кўтарилганини тушуниб етади. Бу билан у Юнг назарияси мувофиқ ўлароқ ўзида амалга ошмаган баркамолликни ўз дўстига қаратади, худди шу каби “Чўл бўрисида” яримёруғлик аёли бўлган Гермина ҳам Гарри Галлер учун ўзининг руҳият оламига бўлган ва амалга ошмаган иштиёқини гавдалантиради. Ўзлик мажозлари Гессенинг «Демиян»дан тортиб то «Иарварид ўйини» («Игра в бисер»)га қадар барча асарларида яна ҳам муҳим рол ўйнайди ва айни пайтда асарнинг лейтмотиви (бош ғояси) вазифасини бажаради. «Демиян»да бу, ўз қатъий ёшига эга бўлмаган ва табиатан иккала жинси ҳам бор бўлган, ўзининг дастлабки етуклик босқичидаги бош қаҳрамоннинг ўзи бўлиб, унда, Юнг қарашларига кўра, шахс эришиши керак бўлган яхлитлик гавдалантирилган. «Сиддхартха»да бу яна ўша бош қаҳрамоннинг ўзи ва Васудеванинг қари аравашини бўлиб, улар ҳам Юнг назарда тутган маънода мукамал Абадий Такмиллашув мақсадига эришганлар. “Чўл бўриси”да саксофон чалувчи Пабло ва “ўлмас одамлар” – Гёте ва Моцарт – Гарри Галлер учун унинг ўзлигини топиши йўлидаги (“индивидуаллашуви жараёнидаги”) идеалларидир. Ва, нихоят, Гессенинг анча кейинги ижоди маҳсули бўлган “Шарқ Мамлакатини Зиёрат” асаридаги хизматкор Леода ҳам, “Маржон ўйинидаги” қари музыка магистри Иозеф Кнехтда ҳам Ўзлик

мажози гавдалантирилган. Шундай қилиб, Юнгнинг архитиплар ҳақидаги таълимоти Гессе ижодининг ўрталари ва охирларида унинг асарлари персонажларининг яратилишида асосий роль ўйнади. Гессе қаҳрамонларини тип деб, яна ҳам аниқроғи – архитиплар, деб қараш кўпроқ ўринлидир, характерлар дейиш эса унча ўринли эмас. Ушбу фигуралардан (асар қаҳрамонларидан) таралувчи харизма (шахсдаги, бошқа одамларлар унга сиғиниш даражасига етишларига, имкониятлари чексизлигига ишонч туғилшига ва унга сўзсиз бўйсунушларига олиб келадиган сифат ва хусусиятлар) ва маданият чегараларидан ошиб кетувчи жуда катта таъсир қуввати Гессе асарларининг туганмас глобал муваффақиятининг энг муҳим сабабларидан биридир. У ҳарқандай маданият кишилари учун тушунарли бўлган ва ҳамма даврларда инсон мавжудлиги учун пойдевор бўладиган имкониятлар образини яратди.

Масалан, «Сидхартха»да, шунингдек, «Нарцисс ва Гольдмунд»да дарёнинг бошқа қирғоғига ўтиш мотиви ҳамиша абадий ўзгаришларни бошдан кечирадиган асар қаҳрамони бўлган шахсда муҳим ўзгаришлар содир бўлиши мажози сифатида муҳим рол ўйнайди; айти вақтда бу ҳам Юнг томонидан унинг аввало “Либи́до метаморфозалари ва мажозлари” номли ишида кенг ишлаб чиқилган.

“Чўл бўйиси”даги фалсафий концепция эса Юнгнинг таҳлилий руҳшунослига аниқс равшанроқ бўйсундирилган. Чўл бўйиси трактатида Гарри Галлерга унинг фақат икки натура(қиёфа)га эмас, балки юзлаб, минглаб қиёфаларга эгаллиги ва унинг ҳаёти фақат икки қутб – инстинкт ва Рух ёки авлиё ва бузуқ киши – орасида эмас, балки беҳисоб қутбий қарама қаршиликлар орасида амалга ошиши уқтирилганида бунинг назарий асоси Юнгнинг “оммавий онгсизлик” ҳақидаги таълимоти бўлган эди.

Гессенинг Юнг психологиясига муносабати умумий манзараси унинг Юнг Доктор Ланг ҳамда чуқур психологиядан узоқлашганлигида ҳам кўзга ташланади. Гессе псионалтиклар Моцарт, Гёте каби гениалларнинг ижодини

биргина инстикт ёки бирор – бир руҳий камчилик махсули сифатида баҳолаши туфайли психоанализ аниқроғи психоаналитик ижод фалсафаси унинг ҳафсаласини пир қилади. Шунга қарамасдан Юнг таълимоти Гессенинг шахсий диний қарашларини ифодалаган ҳолда фикрларини қонунлаштирди, тизимлаштирди, хайратланарли даражда тўлдирди ҳамда шу маънода ортодоксиал диний дунёқараш занижирлардан ҳалос бўлишга ёрдам берди.

III.2. Гессенинг гуманистик қарашлари эволюцияси ва унинг назарий манбалари

Гессе шахсияти ва ижодига қизиқиш унинг серкирра дунёқараши туфайли юзага чиқади. Унинг ижоди илмий билишда даврлар алмашинуви акс этаётган бир шароитда бошланди. Мазкур даврда Европа маънавий ҳаётида кўзга ташланарли силжишлар рўй берди. Дастлаб бир ўлчамли саналган ҳодисалар янги талқинларга учрай бошлади. Олимлар маданий алмашинув жараёни белгиларини унинг инкирозида акс этади деб таъкидлаб ўтадилар. Олам тартиботларининг ўзгариши жараёнида шахс ибтидоси масаласининг аҳамияти янада ортади. Ўша давр учун долзарб саналган инсон ҳақидаги бахслар Гессе ижодида янгича талқин ва ечимлар билан акс этган.

Ўтган аср бошларида содир бўлган цивилизацион бурилиш инсон индивидуаллигининг, жамият соҳалари тараққиётида шахс ижодий ибтидосининг ролини кескин оширди ҳамда уларнинг ижобий ва салбий оқибатларини тажрибадан ўтказди. Гессе нозик психолог ва файласуф сифатида “чегарадош” вазиятдаги С.С.Хоружнинг таъбири билан айтганда “ҳеч бир маънога эга бўлмаган ва тубанликка кетган”¹ одам масаласига биринчилардан бўлиб эътибор қаратди. Маълумки табиатнинг ўзгарувчанлик ва ҳаракатчанлик ҳодисалари қонунига мувофиқ, инсон маълум бир тарихий даврни яшаб хали иккинчиси бошланмаган пайтда, ўтиш даврларини бошидан кечиради, бундай вақтларда ёзувчилар, файласуфлар, мутафаккирлар ва олимлар кескин бахсларни авж олдирадилар.

Инсон категория сифатида турли давр файласуфлари ва фалсафий таълимотларининг марказий муаммосини ташкил этган. Илмий билиш ва фалсафий тафаккурнинг асосий мақсади саналган ҳақиқатни излаш, ҳамиша

¹ Лазуткина, Олеся Александровна. Концепция человека в циклах рассказов Германа Гессе "По эту сторону", "Соседи", "Окольные пути". Б.20.

парадигма билан боғлиқ тарзда намоён бўлган. Шу жумладан инсон тушунчаси ҳам даврларда устунлик қилган парадигма ва ғоялар тизимига қараб хилма-хил кўринишларда таърифланган. Турли даврларда инсон тафаккур, инсон билиш, инсон олам, инсон экзистенция, инсон борлиқ моҳияти сифатида талқин этилган. Илмий билиш соҳаларининг босқичма-босқич тараққиёти бир-биридан ажратилмаган ҳолда рўй беради. Шунинг учун фалсафий тушунчалар бошқа илмий билиш соҳалари томонидан интерпретация қилинади. Фалсафа ва адабиётнинг ўзаро кесишган таъсири моҳиятан тафаккур шакли бўлиб, улар “сўзда ўз ифодасини топади”, улар шу маънода инсон борлигининг гносеологик аспекти очиқ беришга хизмат қилади.

Кўп қиррали ва кўп маъноли инсон категорияси бадиий асар учун муҳим аҳамият касб этади. Муаммони тўла адекват тадқиқ этилганда инсонга уч ўлчамли деб қараш одат тусини олган, “уни маънавий руҳоний ва жисмоний каби кўплаб жиҳатлари фалсафий антропологияда уни қандайдир инсонмонанд мавжудот сифатида ўрганишга имкон беради. Декомбнинг таъкидлашича: “тарих ўз якунига етмас экан инсон ҳеч қачон ўзининг тугал моҳиятига эриша олмайди”¹. Гессе назарда тутган инсон ҳам ҳамиша ўзгарувчанлик ва мукамаллашиб, бойиб бориш хусусиятига эга. XX – аср фанидаги танқидийликни ўсиб бориши, инсон оламини эмпирик ёндашув асосида таҳлил қилиш унинг оригиналлигини англаш имконини, фалсафа, фан ва маданиятда янги мўлжалларни вужудга келтирди. Бундан ташқари инсон ўзининг ноёб индивидуал мени билан бирга яхлит шахс ҳисобланиб, айнан унга фалсафий ҳамда бадиий маъно юклана бошланди.

Борлиқ чегараларини муҳофаза қилар экан М.М.Бахтин, “инсон тугал тушуниб бўлмайдиган мавжудот деб таъкидлаб ўтади”. Мантиқ субъектни эмас объектни моддий оламни батафсил тушунтиришга қодир. Юқорида

¹Лазуткина, Олеся Александровна. Концепция человека в циклах рассказов Германа Гессе "По эту сторону", "Соседи", "Окольные пути". Б.27.

айтилгандек инсон кўп қиррали категория бўлиб шунинг учун ҳам уни ижобий ёки салбий эмас балки, уни уйғунликда таъбир жоиз бўлса очик системадаги мавжудлигида ўрганиш лозим. Инсон ҳақида хулоса берганда ҳам уни ўзаро таъсирлар тизимида тасвирлаш керак.

Адабиётда амалий жаҳатдан фалсафий тамойиллар инсон категориясида мужассамлаштирилиб ифодаланиши аҳамиятлидир, лекин Гессега кўра субъектнинг нафақат бошқа субъектлар билан умумийлигига балким улардан фарқ қилувчи алоҳида жиҳатларига ҳам урғу бериш муҳимдир. Шарк фалсафасига танияган ёзувчи инсон борлигининг икки ўзаро қарама – қарши ибтидосининг туташиб нуктасини топади, айтиш мумкин, инсон шахсиятининг ўзига хос бетақдор жиҳати ҳисобланади. Мен ҳамиша илҳом билан, бу фаровон қуюқ олачибор оламни кўрсатишни хоҳлайман, шунинг эса тутаманки шу рангларда бутун яхлитлик мавжуд”¹. Ўрганилаётган тушунчани Гессе ўзида субъектнинг барча имкониятларини мужассамлаштирган ҳолда эстетик талқин қилади.

Маълумки, инсон нафақат фалсафа балки адабиётни ҳам марказий муаммоси саналади. Гессенинг эстетик идеаллари, антик давр файласуфи Протагор таъбири билан айтганда, “инсон барча нарсаларнинг ўлчамидир”, хусусан, О.Б.Золотухин айтганидек, ёзувчи ижодининг “антропологик ва шахсий ҳарактер”и, асарларининг стержен ҳосил қилувчи кучида гуманизм намоён бўлади². Том маънода Гессени шахсий индивидуаллик муҳофаза қилиши сифатида кўрсатиш мумкин. Бу ҳақида ёзувчининг ўзи қуйидагича таъкидлайди: “Маркс дунёни, мен эса яқин индивидни ўзгартиришни хоҳлайман”³.

1903-1916-йилларга келиб Гессе Фрейдизм ва Карл Юнг психологияси билан таниша бошлади, айтиш мумкин Гессе дунёқарашида инсон

¹Лазуткина, Олеся Александровна. Концепция человека в циклах рассказов Германа Гессе "По эту сторону", "Соседи", "Окольные пути". Б.32.

²Ўша асар. Ўша бет.

³ Я верю в законы человеческого рода. В. Седелник. Ст.2. Hesse.ru

масаласининг фалсафий муҳокамаси кўрина бошлайди. Шу кезлардан бошлаб Гессе ижодида реализмдан кўра модернизм тамойиллари яққолроқ сезила бошлади. Кундалик маиший психологик жараёнларни тасвирлар экан, модернистлар инсоннинг ахлоқий танлов омилига алоҳида эътибор қаратади. Инсон реаллик билан тўқнашганда оламни фожевий тарзда идрок қилади деб ҳисоблайди модернистлар. 1915 – йилда Гессе ҳаётида содир бўлган умидсизлик руҳий тушқунлик дамларини ёзувчининг ўзи юксак бадиий маҳорат билан тасвирлайди.

Гессе ёзган ҳар бир асар адибнинг ўзи айтишича, у шаклан ва мантиқан тугал бўлганда, вақтнинг маълум бир оқида долзарбланиши. Ёзувчининг айтишича “бундай асарлар ўз вазнига эга бўлиб қатъийлик касб этади”.

Бир қарашда адиб қаҳрамонларини ижтимоий – сиёсий бўҳронлардан ихоталаётгандек туюлади. Лекин унинг публицистик мақолалари бунинг аксини кўрсатади.

Адиб ижодининг дастлаб реалистик кейин эса модернистик хусусият касб этганлиги ҳақидаги баҳслар бежиз эмас. Чунки унинг инсон борасидаги қарашлари хусусан “Демиян”, “Чўл бўйиси”, “Сидхартха” асарларида иккала оқимнинг ҳам таъсири сезилади.

Гессенинг инсон ва унинг руҳий борлиги ҳамда камолоти борасидаги қарашлари унинг таниқли романлари “Чўл бўйиси”, “Мунчоклар ўйини”, “Демиян”, “Сидхартха” романларидан ташқари циклик хусусиятга эга бўлган илк прозаик ҳикояларида ҳам кўзга ташланади.

Гессенинг дунёқараши маданиятлар, таълимотлар тўқнашуви, алмашинуви рўй бераётган пайтда шаклланди. Хали янги идеаллар қарор топмаган, эскилари эса ўз умрини яшаб бўлган замонлар эди. Унинг инсон моҳияти борасидаги қарашлари ҳам айни жараёни бевосита акс эттиради. Бу унинг асар қаҳрамонлари табиатида ҳам яққол кўринади. Хатто инсон ҳақидаги қарашлар курашини ҳам кузатиш мумкин. “Чўл бўйиси”даги Гарри табиатининг ўзи ҳам фикримизнинг яққол далилидир. Унда биринчидан

табиат ва илоҳиёт, омма ва комил шахс, эзгу ва ёвуз одам, классик ва элитар маданият, қарилик ва навқиронлик, донолик ва жоҳиллик каби қарама – қарши қутбларнинг ўзаро курашини кузатиш мумкин.

Адибнинг дастлабки асарларидан саналувчи “Димиан”да қарама – қарши қутблар кураши намоён бўлади. “Бюргер”лар ҳаёт стандартларида тарбияланган оддий немис болакай атрофдагиларга нисбатан тез камол топади. Қачонлардир Европаликлар уйлариининг қибласига айлантирган яҳудийларнинг қабилавий Худосидан мутлақо ғақр қилувчи Худо билан юзлашади.

“Димиан”даги Худо боши ҳўроз думи еса илон думидан иборат, қадимги Александриялик “Гностик”ларнинг Худоси эди. Мазкур “Архонд” бир томондан оламни яратувчи эзгу, иккинчи томондан уни вайрон қилувчи ёвуз куч сифатларига эга илоҳ деб тан олинади. Шу маънода инсон борлиғидаги ёвуз ва эзгу жиҳатлар аввало табиатда – яралишдаёқ мавжуд деган хулосага келади Гесси. Масалан, табиатнинг ўзи қуён билан бўрини биргаликда яратган. Аммо қуён бўрига озуқа қилиб берилган. Шундай экан, инсон ўз борлиғидаги иблисона аспект ҳам яралишданоқ мавжуд бўлганини бироз кечроқ бўлсада англаб етади.

Аниқроқ айтганда инсон вужудидаги икки қарама – қарши кучлар кураши остида яшайди деган қарорга келади Гесси. Кейинчалик эса Гессининг шедеврлари “Чўл бўриси”, “Сидҳардха”, “Мунчоқлар ўйини” қабилирида бу ғоя давом эттирилди. Гесси “Чўл бўриси” асари орқали нафақат инсон табиати кўплаб қарама – қарши қутблар орасида кечишини топди, балки уларни бошқариш турли конфигурациялар амалга ошириш имкони борлигини ҳам кашф этди. Бундан ташқари Гарри образи орқали инсон тўғрисидаи турли қарашлар, бошқача қилиб айтганда гуманизмнинг турфа кўринишларини ҳам синтезлади дейиш мумкин.

Гуманизм ғояларининг эволюциясига диққат қаратадиган бўлсак нафақат фикримизнинг исботи балки Гарри образининг ғоявий асослари ҳам

якқол намоён бўлади. Гуманизм деганда биз – Уйғониш давридан бошланган ва у билан тавсифланувчи янги тарихга хос, инсон эътиқодининг умумий шаклини тушунамиз. Гуманизм эътиқоди, ўз – ўзини шартловли ва бутун оламдан ажратиб олинган ва унга қарши қўйилувчи, инсон моҳиятини Худо билан боғлиқлик ва ўзаро муносабатда олиб тушунтирувчи Христианча талқиндан фарқланган, инсон образини яратди. Улкан “Фауст” мотиви орқали Уйғониш даври инсоннинг илоҳий дин догмаларидан озод, ўзига – ўзи хукмрон, қолаверса, ўзини ўраб турган барча сфералар ва бутун оламга эгалик даъвоси билан чиқувчи, инсон қиёфасини яратди. Гарри тадқиқотчилар томонидан XX – асрдаги Фауст образининг энг мукаммал кўриниши сифатида тан олинади. Мазкур ҳаракат XVII айниқса XVIII асрда инсоннинг теоцентрик моҳиятини танқид ва секуляризация қилиш култи остида, инсон табиий ҳуқуқларини мутлоқлаштириш билан улкан ривож топди. “Халқ иродаси” устунлиги ҳамда “инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини қарор топтириш” ғоялари, ўз даври ғоялар тарихида муқобил қарашларга ўрин қолдирмасдан кенг ёйилди. Уларнинг моҳиятини қисқа қилиб, инсоннинг ўз эркига ва бутун табиатга хукмронлик қилиш ғоялари билан тушунтириш мумкин. Бундай тасаввурларни асослаш учун инсоннинг туғма эзгу ва бахт саодати хусусидаги оптимистик таълимотлар ривожига урғу берилди. Айни кўринишдаги гуманистик таълимот “Чўл бўриси” асарининг бош қаҳрамони бўлмиш Гарри табиатидаги инсоннинг маданийлашган кўринишида акс этади.

Бу таълимотга кўра инсон табиатан эзгу, агар унга озодлик берилса (черков томонидан) у ўз ақлига мувофиқ ҳаётини эзгу ва фаровон қилиб ташкил этиши мумкин деб қаралади. Гуманизмнинг шундай оптимистик руҳдаги кўринишларининг таъсири, либерализм ғояларида, демократия ва XIX – асрда хукмронлик қилган барча қарашларда ҳамда ўзининг энг оммалашган кўринишга эга бўлган бугунги кунда ҳам якқол кўзга ташланиб туради.

XVIII аср охири немис фалсафасида ва айниқса XIX – асрнинг бошида, янгича романтистик гуманизм ғоялари вужудга келди. Бир томондан маърифатпарварлик, ўзининг тор рационалиزمи билан чуқур диний, эстетик тирик табиати ҳақидаги тасаввурлар юзага келишига туртки берди. Бошқа томондан эса, маърифатпарварлик фалсафасининг амалий маҳсули сифатида, француз инқилоби илк маърифатпарварлик фалсафаси томонидан инкор қилинган инсоннинг кўр – кўрона, иблисона, ёвуз томонларини тасодифан юзага чиқарди, натижада маърифатпарварликка таянган романтик гуманизм, бирёқлама, юзаки эканлиги маълум бўлди. Романтизм ва идеализмда инсон ҳақида, унинг моҳияти фақат ақлдан иборат эмаслиги, кўплаб космик кучлар таъсир марказида турувчи қандайдир микрокосм эканлиги хусусидаги янги тушунчалар юзага келди.

Гаррининг бўри қисми гуманизмнинг мазкур кўринишини ўзида гавдалантиради. Гарри маърифатпарварлар айтганидек фақатгина донишманд, файласуфсифат инсондан иборат эмас эди. Унинг ёвуз жиҳатлари ва инстинктлари жамланмаси бўлган бўри қисми ҳам мавжуд эди. Энди эзгулик инсоннинг туғма хусусияти эмас, балки у ўз – ўзини маънавий тарбиялаш натижасида вужудга келади деб қарала бошлади. “Эзгу одам”нинг “гўзал қалби” идеалига ўз – ўзини мукаммаллаштириш, ўз табиатида ухлаб ётган илоҳий космик кучни англаш жараёни каби ғоялар келиб қўшилди. Бу ерда маърифатпарварликнинг рационалиزمи енгиб ўтилди, лекин унинг инсон моҳиятини тушунишга қаратилган оптимистик фалсафаси яшаб колди.

Маърифатпарварлик гуманизми ва романтик гуманизм ўзига хос қоришиқ вариантларнинг образлари орқали бутун бошли XIX асрни қамраб олади. Гарридаги инсон ва бўрининг кураши маърифатпарварлик ва Достоевский, Ницше кабилар урғу берган гуманизм кўринишларининг аёвсиз бахсини ифдалайди. Шу маънода Гессе нафақат инсон моҳиятидаги қарма-қарши кутблар курашини бартараф қилишга балки у ҳақидаги назарий қарашлар зиддиятларини ҳам ечим топишга уринади. Бундай қарашлар

коришиқ тарзда 1830 ва 1840-йиллар “утопистик” таъбир жоиз бўлса, гуманистик социализм, рус тафаккури хусусан Достоевский ва унинг ёшлик чоғларидаги дунёқарашига катта таъсир кўрсатди. Достоевский орқали эса бу ғоялар Гессе ижодига ҳам кўчганлигини ҳам кузатишимиз мумкин. Жумладан Достоевскийнинг “Жиноят ва жазо”, Гессенинг “Чўл бўйиси” романлари мазкур нуқтаи назардан бир бирини мантиқан тўлдирувчи асарлар дейиш мумкин.

Ницшеда гуманизм инқирози ўзининг чуқур диний – фалсафий ифодасини топади. Инсондаги эътиқод, христианлик дунёқарашида назарда тутилган инсон ва Худонинг алоҳида алоқалари туфайли келиб чикмаган, бу ерда унинг туб асослари принципал тарзда инкор қилинади. Ахлоқ ва эътиқод, инсондаги энг инсоний хусусиятдир, Ницшега кўра инсоннинг майда, қуллик ва ожиз ҳолати ўзгармасдир. “Инсон табиатининг ҳеч ким, яъни – инсон бўлмаган қисми енгиб ўтилиш керак”. Ницшенинг мазкур сўзларида ҳам гуманизм ҳалокатининг ифодаси ўз аксини топган.

Бундай руҳий ҳолатдаги Фарб, Достоевский ва унинг инсон моҳияти ҳақидаги ўзига хос таълимоти билан танишади. Достоевский на Марксни на Ницшени билмаган холда, ўз ижодига таъсир кўрсатганлигини тан олади. Достоевский хайратланарли тарзда XIX асрда рўй берган улкан гуманизм таъсиридан четда қолади; унинг руҳий эволюцияси бошланишига қарши ўлароқ, юқорида таъкидлаб ўтилганидек унга илк романтизм ва социалистик гуманизм таъсир кўрсатган, (Шиллер, Жорж Занд, В.Гюго), ва ҳеч ким гуманизм инқирозини Достоевскийчалик ҳис қилмаган ҳамда бошидан кечирмаган. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Достоевскийнинг буюклиги, ўзи бошдан кечирган гуманизм инқирозидан чиқишнинг мутлоқ янги ўзига хос такрорланмас йўлини ишлаб чиққанлигидадир.

Достоевский назарда тутган “инсон моҳияти”ни маърифатпарварлик талқинидаги “ақлдан иборат инсон” ва романтизм тасвирлаган эзгу қалбли инсонга тўғридан – тўғри, қарама – қарши қўйиш мумкин. Достоевскийга

кўра ёвузлик, кўрлик, тартибсизлик, дисгармония нафақат инсон моҳиятини ташкил этади, шунинг билан биргаликда қайсидир маънода унинг чуқур сўнгги мавжудлиги билан боғлиқ.

Албатта Достоевский аъло одам назариясини ўз ижодида акс эттирган ягона ёзувчи эмас. Ва уни кўплаб Достоевский ва ундан кейинги давр ғарбий Европа мутаффакир ва адиблари қарашларида ҳам учратиш мумкин. Жумладан Герман Гессе Достоевскийнинг бу борадаги қарашларидан чуқур таъсирланган ва Достоевскийнинг мазкур ғояларини қайта ишлаб тўлдирган. “Чўл бўриси” асарида Достоевский номини бир нечи бор тилга олади. Ҳатто 1925-йилнинг 22- мартада Берн шаҳрида “Достоевский ҳақида” деган мақола ҳам ёзади. Ф.М.Достоевскийнинг аъло одам концепсияси “Жиноят ва жазо” асаридан бошланиб “Иблислар” романида турли синовлар чиғириғидан ўтказилади. Аммо бизнингча бу назария “Иблислар” билан якунланиб қолмайди. Гессенинг “Чўл бўриси” асарида янада қайта ишланиб фалсафий сайқал берилади.

Дастлаб “Жиноят ва жазо”да масала қуйидагича қўйилган эди. Родион Романович ўзининг мақоласида бутун инсониятни икки синфга ажратади. Биринчиси “Напалеон”лар ўз руҳиятида оиласи ва атрофдагилар турмушида кейин эса ижтимоий ҳаётда катта ўзгаришлар ясай оладиган кишилардир. “Бит”лар деб аталувчи иккинчи тоифага эса, жамият томонидан ўрнатилган, Гессе таъбири билан айтганда “ижтимоий келишув асосида юзага келган қонунлар”га тинчгина бўйсунувчи, яна Гессе айтганидек “мутлоқ қувончдан кўра хотиржамликни афзал кўрувчи”, на мутлоқ аскетик ва на мутлоқ дионисийча бўла оладиган, хомшиё вазифасини бажаришдан бошқасига ярамайдиган кишилар киритилади. Биринчи тоифа кишиларга жамиятда ўзгариш қилиш учун барча ҳуқуқлар берилиши керак деб ҳисоблайди Родион Романович. Аниқроғи уларнинг бу йўлдаги ҳар қандай жинояти қилган эзгу ўзгаришлари ҳисобига жамият томонидан кечирилади. Шу сабабдан ҳам улар ўз мақсадлари йўлида ҳар қандай воситадан фойдаланишлари мумкин деб

таъкидлайди Раскольников. Бироқ судхўр кампирни ўлдирган Родион Романович назарий жиҳатдан қанча ҳақ бўлмасин ўзи табиатан Наполеон эмас эканлигини англаб етади. Ўз жиноятини ўзи жазолашга қарор қилади. Шу ўринда Гессе “Чўл бўриси” асарининг бош қаҳрамони Гарри Галлернинг: “Мен жиноятчилик ва фоҳишалikka назарий жиҳатдан қарши эмасман, лекин бу ходисаларни ўзим билан бўлишини истамайман” деган маънодаги сўзларини эслатиш ўринли деб ҳисоблаймиз.

Гарри ҳам Родион Романович сингари назарий жиҳатдан Наполеонликка ҳавасманд бўлса ҳам, амалиётга келганда бундай қобилиятдан бенасибдир. Гарри ва Родион Романовичнинг ўхшаш жиҳатларидан яна бири шуки, ҳар иккаласида ҳам “Фауст”она ҳарактерга эга. Аниқроғи ҳар иккисининг табиатида ҳам, эзгулик ва ёзувлик курашини кўришимиз мумкин. Фақат Родион Романовичда эзгу “инсон қисми” асарда “Чўл бўриси”га нисбатан яширинроқ намоён бўлади. Тўғри Родион Романовичда ҳам инсон ва бўрининг кураши кўзга ташланади. Аммо унда Родион Романовичнинг руҳий васвасалари кўринишида ифодаланади. Гессе “Чўл бўриси”да эса Гарри табиатидаги қарама- қарши қутблар курашига эса, алоҳида урғу беради.

Родион Романович образи “Иблислар” асарида турли кўринишларда давом эттирилиб, натижада бундай табиатли одамлар ҳар қанча уринмасинлар, барибир табиатан Наполеон эмасликлари яққол очиб берилади. Инқилобчи бўлиб, дор остидан қайтган Достоевский, ниҳоят бундай одамлар жумладан ўзи ҳам Наполеонликка қодир эмаслигини англаб етади ва буни асарларида моҳирлик билан акс эттиради.

Достоевский Ницшедан фарқли ўлароқ муаммога диний ечим беради. Бизнингча бу ҳам Достоевскийнинг ҳаёт йўли билан бевосита боғлиқ. Зеро, дор остида турганда унга нидоларини Худо эшитгандек туюлади. Бундан ташқари ишимизнинг бошқа параграфларида айтганимиздек Достоевскийнинг нафақат “аъло одам”, умуман инсон ва унинг моҳияти хусусидаги қарашлари проваславия билан қоришиқ тарзда қурилган.

Диний протестантлик миссионерлари оиласидан чиққанлигига карамасдан Гессе эса бу йўлни танламайди. Чунки унинг ҳаёт йўлини кузатар эканмиз у, қайтий диний тартибот устига қурилган ҳаёт тарзидан қочганлигини кузатишимиз мумкин. Шу сабабдан ҳам Гессе Достоевскийнинг “аъло одам” концепсиясини бироз бошқача йўл билан такомиллаштиради.

Гарчи проваславия ғоялари асосида ечим берилган бўлса ҳам, Достоевскийнинг Родион Романович, Верховенский, Ставрогин образларида ривожлантирилган аъло одам бўлишга даъво қилувчи қаҳрамонлари ҳар қайси йўллар билан уринишларга карамасдан муаммоли вазиятдан чиқа олмайдилар.

Мажозий қилиб айтганда, бу уринишларни Достоевский ижодида бошидан кечирган Гарри эса, ночор, умидсиз ҳолга тушиб қолади. Ҳатто ўз – ўзини ўлдиришга қарор қилади. Аммо у шунчалар ночор эдики, ўз жонига қасд қилиш ҳам унинг қўлидан келмас эди. Гессе психоанализ оқими ғояларидан фойдаланган ҳолда, бу масалага ечим беришга уринади. Моҳиятида карама – қарши қутблар, маданиятли донишманд сифат инсон ва ваҳший қонхўр “чўл бўриси”нинг кураши ётувчи бундай инсонлар, ижод ва юмор орқали муаммони ҳал қилишлари мумкин деб ҳисоблайди.

Бунинг учун эса бўри хусусиятини Родион Романовичнинг “бит” ва фавқулодда одам назариясини, Верховенскийнинг шайтонмонанд хатти – ҳаракатларини юзага келтирган рационал ақлдан воз кечиб, магиявий театрға, инсоннинг онг остига мурожаат қилиш керак дейди. Бунинг учун эса осмонларда юрувчи Родион Романович, Верховенский ва Ставрогинлар Гермина ёрдамида Гарри кўрнишида ерга тушмоқлари лозим. Аниқроқ айтадиган бўлсак Достоевскийнинг бу турдаги қаҳрамонлари Гессенинг Гарриси, хусусан Достоевский ва Гессенинг ўзлари ҳам гарчи кўрарга кўзлари йўқ бўлсада, мешчанлик табақасининг вакиллари эдилар. Шу

боисдан ҳам улар юмор ва ижод орқали бу оламда “бит”лар қатори яшаб қолаверадилар.

Фақат реал олам қонуниятларини магиявий театр қонуниятлари билан адаштириб юбормаслик талаб қилинади. Умуман олганда Достоевский томонидан қўйилган мазкур муаммо Ницше томонидан давом эттирилди, аммо Гессе келиб бу масалага ўзига хос ечим берилди.

Гессенинг адабиёт, фалсафа умуман тафаккур соҳасида эришган ютуқлари “Мунчоқлар ўйини” асарисиз тўлиқ бўлмасди. “Мунчоқлар ўйини” асари XX – аср Европа интеллектуаллари орзулаб қолган утопияни акс эттирди десак муболаға бўлмайди. Гессе ижодининг инсон ҳақидаги қарашларининг хулосаси бўлган “Мунчоқлар ўйини”да ҳеч қандай иқтисодий, сиёсий эмас балки ижтимоий – интеллектуал, утопик жамият ҳақида сўз боради.

Гессенинг утопистик жамияти юқорида таъкидлаганидек интеллектуал утопия бўлиб, қисқа қилиб айтганда унинг аъзолари кундалик маиший муносабатлардан юқори туради. Мазкур утопия ҳеч қандай шухратпарастлик моддий манфаатлар тараққиётини назарда тутмайди. Гессенинг дастлабки ижодида якка индивидни тадқиқ қилишга эътибор қаратади. Аммо “Мунчоқлар ўйини” нафақат якка индивид балки бутун инсоният баркамоллигини кўзга тутди. Гессе ижодининг дастлабки даврларида жумладан “Демиян”, “Чўл бўйиси” асарларида якка шахс унинг борлигини ташкил қилувчи ҳамда уни камолотга элтувчи қарама – қарши қутблар муҳокама қилинган бўлса, “Мунчоқлар” асарида бу ҳол ижтимоий тус олади. Энди қарама-қаршилиқлар Касталияликлар ва касталиялик бўлмаган яъни комил ва комил бўлмаган жамиятлар ўртасида кечади.

Умуман олганда Гессенинг гуманистик қарашлари унинг ижодида дастлаб реалистик кейинги эса модернистик руҳда акс эттирилади. Бундан ташқари Гессенинг инсон борасидаги қарашлари уйғониш давридан то XX асргача бўлган гуманистик назарияларнинг ўзига хос синтези дейиш бўлади.

III БОБГА ХУЛОСА

Герман Гессенинг гуманистик қарашлари ва унда психоанализ оқимининг тутган ўрнини таҳлил қилишга бағишланган бобимизда ушбу хулосалар ойдинлашди:

1. Маданият чегараларидан ошиб кетувчи жуда катта таъсир қуввати Гессе асарларининг туганмас глобал муваффақиятининг энг муҳим сабабларидан биридир. У ҳар қандай маданият кишилари учун тушунарли бўлган ва ҳамма даврларда инсон мавжудлиги учун пойдевор бўладиган имкониятлар образини яратди. Бу имкониятлар гуманистик характерга эга бўлиб, унинг ижодининг асосий хусусиятига айланди.
2. Гессенинг гуманистик қарашлари унинг ижодида дастлаб реалистик кейинги эса модернистик руҳда акс эттирилди. Шунингдек, Гессенинг инсон борасидаги қарашлари уйғониш давридан то XX асргача бўлган гуманистик назарияларнинг ўзиди синкретлаштирган синтез сифатида намоён бўлди

ХУЛОСА

Тадқиқот ишида қўйилган масалаларни умумлаштириб қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Таниқли Олмон адиби ва мутафаккири Герман Гессе (1877-1962) XX асрнинг 60-70 йилларида Ғарбий Европа ва Японияда ёшларининг кумерига айланди. Чунки у икки дунёқараш, икки маданият алмашинуви даврларида яшаган бўлиб, айна замон ёшларини қийнаган муаммоларини ўз ижодида акс эттирган. Унинг ҳаёти бирмунча нотекис ҳамда руҳий изтиробларга бой бўлган. У диний протестант миссионер оиласида дунёга келган шу сабабдан адибни болалигидан уни диний мактабга берадилар, бироқ Гессени мактаб таълими қизиқтирмаган. Бир неча бор диний семинариядан қочганлиги туфайли муассаса маъмурияти уни жазолашади. Натижада Гессе ўз жонига қасд қилишга ўринади, буни ҳисобга олган шифокорлар унга “ахлоқий телба” ташхисини қўядилар. Гессенинг оилавий ҳаёти ҳам бирмунча беқарор кечади. Гессенинг учинчи турмушигина бирмунча осуда кечади. Ундан ташқари адиб иккита жаҳон урушини бошдан кечирган бўлиб, сиёсий тақиблар сабабли ўз юрти Германияни тарк этиб, Швецарияда яшашга мажбур бўлади.

2. Гессе дунёқараши энг аввало ўз ҳаётий кечинмалари маҳсули бўлиб, хусусан, унга юқорида таъкидлаб ўтилган омиллар катта таъсир кўрсатган. Ундан ташқари Ҳинд, Хитой, умуман, Шарқ фалсафаси Гессе дунёқараши шаклланишида муҳим ўрин тутди. Негаки, унинг бобоси Ҳиндистонда миссионерлик фаолияти билан шуғилланган бўлиб, Гессе ҳам бобосининг уйида яшаган вақтларида Шарқ фалсафаси билан яхши танишган, Ғарб файласуфларидан эса К.Г.Юнг, Ф.Нецше, Ф.М.Достоевский, Томис Манлар Гессе дунёқарашининг шаклланишига улкан таъсир кўрсатганлар. Гессе Ф.Нецшени ўз асарларида бир неча бор тилга олган бўлса Ф.М. Достоевскийга бағишлаб ҳатто “Достоевский ҳақида” номли мақола ҳам

ёзади. Томас Ман билан эса юзма юз кўришиб бир неча марта хатлар ҳам ёзишади. Бу масалани ишимизни биринчи бобида кенгрок ёритганимиз туфайли айти ўринда батафсил тўхталиб ўтишни жоиз деб билмаймиз. К.Г. Юнг ҳамда унинг шогирди доктор И.Ланглар билан шахсан танишлиги, улардан бир неча марта муолажалар олганлиги психоанализ оқими ҳам Гессе дунёқарашини шакллантирган асосий омиллардан бири эканлигини кўрсатади. Ипестолар жанр асосчиларидан бири саналувчи Гессе ўз дунёқарашини жумладан сиёсий позициясини мактубларида ифодалаб берган.

3. Гессе ижоди ва фалсафий дунёқарашининг назарий методологик асоси сифатида герметизм оқимини келтириш мумкин. Герметизм, элинизм ва кечки антик даврда вужудга келган фалсафий оқим бўлиб унинг замирида дунёнинг сирли моҳиятини англаш ётади. Унга кўра бутун олам макрокосм инсон эса шу оламнинг кичрайтирилган шакли микрокосм деб қаралади. Макрокосмда бўлган ўзгаришлар микрокосмда акс этади ва аксинча деб ҳисоблайди герметиклар. Бунинг учун инсон ўз ички дунёсига мурожаат қилмоғи лозим. Уйғониш даврига келиб Пеко Дела Мирандола, Марселио Фечено, Парацелс кабиларнинг таълимотларида романтизм вакили бўлмиш Гёте ижодида герметизм унсурлари яққол кўзга ташланади. Фауст образи герметизм ғояларини ўзида бир мунча мужассам этган. Герман Гессе “Чўл бўриси” асарининг бош қаҳрамони Гари Галлер тадқиқотчилар томонидан XX асрнинг энг етук фауст варианты деб баҳолайдилар. Герметизмнинг кўплаб хусусан қутблилик, вибрация эркаклик ва аёллик ибтидоси принципларига таянган ҳолда адиб “магиявий театр” метофорасини яратади. Мазкур метафора Гессе ижодида инсон руҳияти ички дунёси янада аниқроқ айтадиган бўлсак онг ости оламининг рамзи ўлароқ номоев бўлади. Герметизмнинг қутблилик принци “чўл бўриси”даги бўри ва инсон Гарри ва Гермина, Гарри ва Пабло, академик мусиқа ва жаз, мунчоқлар ўйини асарида

эса касталияликлар ва касталиялик бўлмаганлар “мукаммал ва нокомил жамият” кнехт ва пленео кўринишларида воқе бўлади.

4. Муסיқа ва унинг моҳияти муҳокамаси Гессе дунё қарашида марказий ўрин тутди. Муסיқа Гессе учун энг аввало сўзни ифодалаб бўлмайдиган туйғулар ва қарашларни акс эттириш усулидир. Насрий ёки назмий асардаги бирор бир харфнинг ўзгариши ҳам асар мазмун моҳиятига таъсир кўрсатмасида, унинг муסיкий ритми ва оҳанги бузилишига олиб келади деб ҳисоблайди. Гессе муסיқада бутун олам гармониясини кўради. Бироқ Гессенинг муסיкий концепцияси тугал ва батафсил кўринишда “Чўл бўйиси” ва “Мунчоқлар ўйини” асарларида номоён бўлади. Юқорида айтганимиздек Гессе икки маданият алмашинуви даврида яшаган бўлиб, унинг муסיкий концепцияси икки оммавий ва элитар маданият ўртасидаги курашни акс эттиради. “Чўл бўйиси” асарининг бош қаҳрамони Гарри асрлар оша тўпланиб келган рўҳий юксакларга чорловчи Мотцарт, Бетховен, Бах кабилар томонидан яратилган академик муסיқа рамзи бўлса саксофонист Пабло ресторанларда янговчи жаз муסיқаси мажози ҳисобланади. Дастлаб Гарри академик муסיқа ва жаз ўртасига назарий чегара қўйишга уринади. Аммо магиявий театрда жаз муסיқаси ҳам соя инсоннинг ажралмас қисми бўлгани каби муסיқа санъатининг таркибий қисми эканлигини тушуниб етади. Бошқача қилиб айтганда, академик муסיқа ва жаз ҳамда оммавий маданият ва элитар маданият бир танганинг икки томони экани маълум бўлади. Шу маънода маданиятлар ўртасидаги зиддиятга Гессе постмодеринистик ечим берганлигини кўришимиз мумкин.

5. Мутафаккир дунёқарашининг барча қирраларини ўзида бирлаштирувчи масала инсон моҳиятининг туб илдизи борасидаги муҳокамаларидир. Гессенинг гуманистик қарашларини К.Юнгнинг психоаналитик қарашлари хусусан архитиплар назариясисиз тушуниш бирмунча мураккабликларни туғдиради. К.Г.Юнг инсоннинг ноқис ёвуз инсон табиатининг аспекти соя архитипи деб атайди. Аммо К.Юнга кўра соя ҳам инсон моҳиятининг

зарурий таркибий қисмидир. “Чўл бўрисида” эса Гаррининг бўри қисми унинг сояси ҳисобланади. Юнг назариясига кўра анимус ҳисобланувчи Гермина ёрдамида Гарри магиявий театрға онг остига киради. Магиявий театр рационал қуруқ ақлдан воз кечишни талаб қилар эди. Зеро, Гаррининг ўзи ҳақидаги “Чўл бўриси” деган ёлғон тасаввури ўша назарий ақлнинг маҳсули эди. Магиявий театрда Гессе инсон табиати биргина бўри эмас, балки бошқа кўплаб тулки, илон, сичоқ каби кўплаб жонзотлардан ташкил топганлигини англаб етади. Улардан қайси бирини инсонними бўриними, тулкиними, сичқонними устинроқ ўринга қўйиш шахснинг ўзига боғлиқ экани маълум бўлади.

6. Гессенинг гуманистик қарашлари ўзигача бўлган давр инсон моҳияти ҳақидаги ғояларнинг ўзига ҳос оригинал синтези ҳисобланади. Масалан, Гарри табиатидаги инсон марифатпарварлар ва романтизм оқимларининг гуманистик қарашларини акс эттирса, унинг табиатидаги бўри Нецше ва Достоевский томонидан асос солинган гуманистик назария рамзи ўлароқ номоён бўлади. Ф.М.Достоевскийнинг “Жиноят ва Жазо” асаридан бошланиб иблислар асарида давом эттирилган “фавқулотда одам” Нецше таъбири билан айтганда “аъло одам” концепцияси Гессенинг “Чўл бўриси” романида мантиқий давом эттирилиб ғоявий жиҳатдан бойитилади. Ф.М.Достоевский назарий жиҳатдан ўзини “Наполеон” ёки “аъло одам” деб ҳисобласада, амалиётда турли ўринларда, турли усулларда бунга уриниб кўрсада, амалиётда бундай мақомга эга эмаслигини англаган кишилар муаммони қай усулда ҳал қилиш керак деган савол қўяди. Гессе эса бу саволга ўзинг “Чўл бўриси” асарида Мотцарт тилидан жавоб беради. Мазкур жавобга мувофиқ бу типга қирувчи шахслар юмор ва ижод орқали масалани ҳал қилишлари мумкин.

7. Гессенинг “Мунчоқлар ўйини асари” унинг идеал жамият утопиясини очиб беради. Гессенинг утопияси иқтисодий, ҳарбий, сиёсий эмас, балки ижтимоий интелликуал ҳарактерга эга. Соддароқ қилиб айтганда, Гессенинг

идеал жамияти кундалик моддий маиший муносабатлардан юқори турувчи асосан руҳ ва интеллект ривожини учун хизмат қилувчи шахслардан ташкил топади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.:Ўзбекистон, 2008
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси. –Т.:Ўзбекистон, 2005
4. “Ёшлар йили” давлат Дастури.- 2008.
5. 2010 йил “Баркамол авлод йили” Давлат дастуридан.
6. Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони / Халқ сўзи, 2002 й 30 май.
7. Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этишчора-тадбирлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги 200-сонли Қарори. Халқ сўзи. 2002 й 6 июн.
8. Ўзбекистон Республикаси “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги 2002 йил 12 декабр, 439-11-сон Қонуни
9. Ахборот ва ахборотлаштиришга оид норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 12-модда. –Т.:Адолат, 2008, 45-46 бетлар
10. Олий таълим меъёрий ҳужжатлари. -1-2 қисм, Т.:Шарқ, 2007

Раҳбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Танланган асарлар тўплами. Том 1-20. Т.: Ўзбекистон, 1996-2012 й.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.:Маънавият, 2008.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. –Т.: Ўзбекистон, 2012

4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. - Т.:Ўзбекистон, 1999.
5. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т.: Ўзбекистон. 2010.
6. Каримов И.А. Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи. // Халқ сўзи. - 2012. – 10 октябрь.
7. Каримов И.А. “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti”. Мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. // Халқ сўзи, 2012, 18 феврал
8. Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // “Ишонч”, 2009 йил 6 декабр.

Дарслик ва ўқув қўлланмалар:

1. А.В.Гульга. Немецкая классическая философия. Издательство “Мысль”. Москва 1986.
2. А.С.Богомолов, Ю.К.Мельвиль, И.С.Нарфкой. Буржуазная философия. Москва «Высшая школа» 1978.
3. А.Ф.Зотов, Ю.К.Мельвиль. Западная философия XX века. Прспект. Москва 1998
4. А.Чориев. Инсон фалсафаси. Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти. Т.: - 2007.
5. Аббосхўжаев О., Умарова Н., Қўчқоров Р. Мафкура полигонларидаги олишув. –Т.:Академия, 2007

6. Абдурахмонов Қ.Х. Мехнат бозоридаги энг янги тамойиллар; глобаллашув ва миллий манфаатлар// Мехнат иқтисодиёти. –Т.:Мехнат, 2005
7. Азизхўжаев А.А. Мустақиллик курашлар, изтироблар ва қувончлар. –Т.,2001.
8. В.Н.Кузнецов, Б.В.Мееровский, А.Ф.Грязнов. Западно – Европейская философия XVIIIвека. Москва. «Высшая школа» 1986.
9. Ғарб фалсафаси. Муаллифлар жамоаси. – Т.: Файласуфлар миллий жамияти. Шарқ 2004.
10. Замановий ғарб фалсафаси муаммо ва йўналишлари.Г.Рўзметова– Т.: Университет 2013
11. Қаххарова Ш. Глобал маънавият – глобаллашувнинг ғоявий асоси – Т.: Тафаккур нашриёти, 2009
12. Маънавият асосий тушунчалар изохли луғати - Т.:Ғ.Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2009
13. П.С.Гуревич, В.И.Столяров. Мир философии. Москва политическая литаратура. 1991
14. Фалсафа қомусий луғат. Қ.Назаров таҳрир остида. –Т.:Шарқ, 2004.
15. Фалсафа тарихи. Г.Скирберг ва Н.Гилье. – Т.: Шарқ 2002.
16. Фалсафа энциклопедик луғат.-Т.:”Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2010
17. Фрейдизмда инсон фалсафаси таҳлили. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти 2013.
18. Шермухамедова Н.А. Гносеология. – Т.: Ношир. 2011.
19. Шермухамедова Н.А. Фалсафа –Т.:Ношир, 2012
20. Янги ва энг янги давр Ғарбий Европа фалсафаси. – Т.: Шарқ 2002.

Илмий мақолалар ва диссертациялар:

1. *Waugh P.* The Theory and Practice of Self-Conscious Fiction. London and New York, 1984; *Hutcheon L.* Narcissic Narrative: The Metafictional Paradox. London and New York, 1984, и др.
2. А. Костерин, К.П. Степанова. Оппозиция музыкальных пространств в “Степном Волке” Германа Гессе: менестрельная традиция VS опусной музыки
3. А.С.Богомолов, Ю.К.Мельвиль, И.С.Нарфкой. Буржуазная философия. Москва «Высшая школа» 1978.
4. Аверинцев С. С. «Адвокат индивидуальности» / С. С. Аверинцев // Круг чтения: Лит.альм. / Редкол.: С. С. Аверинцев и др. Б. м.: Междунар. ассоц. «Мир культуры». - М. : Фортуна-Лимитед, 1992.
5. Азизян И. А. Диалог искусств Серебряного века / И. А. Азизян. М. : Прогресс-Традиция, 2001.
6. *Айхенвальд Ю.* Силуэты русских писателей. М.: Республика, 1994.
7. *Амусин М.* “Ваш роман вам принесет еще сюрпризы” (О специфике фантастического в “Мастере и Маргарите”) // Вопросы литературы. 2005. № 2.
8. Аникин Г. В. Английский роман 60-х годов / Г. В. Аникин. М. :Высш. школа, 1974.
9. Бахтин М. М. Литературно-критические статьи / М. М. Бахтин / Сост. С. Бочаров и В. Кожин. М. : Худ. лит., 1986.
10. Березина А. Г. Герман Гессе / А. Г. Березина. Л. : Изд-во Ленинград, унта, 1976
11. Березина А. Г. Проблема ответственности в творчестве Г. Гессе / А. Г. Березина // Филологический сборник. Л. : Изд-во Ленинград, ун-та, 1969.
12. Березина А. Герман Гессе. Л., 1976.

13. *Борухов Б.Л.* “Зеркальная” метафора в истории культуры // Логический анализ языка. Культурные концепты. М.: Наука, 1991; *Вулис А.* Литературные зеркала. М.: Советский писатель, 1991; *Осьмухи-на О.Ю.* Явление зеркала/зеркальности в культурном сознании России XX столетия и научная концепция М.М. Бахтина // Феникс. Ежегодник кафедры культурологии. Саранск, 2004; *Шубников А.В.* Симметрия в науке и искусстве. Ижевск: Ин-т компьютер. исслед., 2004; *Правдив-цев В.* Эти загадочные зеркала... Взаимодействие человека с зеркалами. М.: РИЦ МДК, 2004, и др.
14. Бройтман С. Н. Две повести Германа Гессе // Гессе Г. Демиан. Сиддхартха: Повести / Пер. с нем. СПб., 2002.
15. Бурно М. Е. О характерах людей. (психотерапевтическая книга). 3-е изд-е, испр. и доп.– М.: Академический проект; Фонд «Мир», 2008.
16. В. Набокова и М. Булгакова Парадоксы зазеркалья в романах Г. Гессе.
17. Владислав Лебедько, Елизавета Миронова. Философия Магического Театра и Герметизм (ч.2) Философия герметизма и Магический Театр
18. Волков П. В. Разнообразие человеческих миров. М: Аграф, 2000.
19. Герман Гессе. Письма по кругу. [Текст] : - М.: Прогресс, 1987 г.
20. Герцман Е.Г. Музыка Древней Греции и Рима. - СПб: Алетейя, 1995 ISBN 5-352-01150-х.
21. Гессе Г. Библиотека всемирной литературы / Г. Гессе // Гессе Г. Собрание сочинений. В 8 т. Т.8: Пер. с нем. / Составители: Н. С. Павлова, В. Д. Седельник. М. : Прогресс-Литера, 1995.
22. Гессе Г. Благодарность Гете / Г. Гессе // Гессе Г. Собрание сочинений. В 8 т. Т.8: Пер. с нем. / Составители: Н. С. Павлова, В. Д. Седельник. М. : Прогресс-Литера, 1995.-
23. Гессе Г. Братья Карамазовы, или закат Европы / Г. Гессе // Гессе Г. Собрание сочинений. В 8 т. Т.8: Пер. с нем. / Составители: Н. С. Павлова, В. Д. Седельник. -М.: Прогресс-Литера», 1995.

24. Гессе Г. Демиан. Сиддхартха: Повести / Пер. с нем. СПб.: Азбука-классика, 2002.
25. Гессе Г. Игра в бисер. М.: «АСТ», Харьков: «Фолио», 2000.
26. Гессе Г. Моя вера / Г. Гессе // Гессе Г. Собрание сочинений. В 8 т. Т.8: Пер. с нем. / Составители: Н. С. Павлова, В. Д. Седельник. М. : Прогресс-Литера, 1995.
27. Гессе Г. Не убий / Г. Гессе // Гессе Г. Собрание сочинений. В 8 т. Т.8: Пер. с нем. / Составители: Н. С. Павлова, В. Д. Седельник. М. : Прогресс-Литера, 1995.-
28. Гессе Г. О чтении книг Г. Гессе // Гессе Г. Собрание сочинений. В 8 т. Т.8: Пер. с нем. / Составители: Н. С. Павлова, В. Д. Седельник; Комментарий.
29. Гессе Г. Письмо к Адели / Г. Гессе // Гессе Г. Собрание сочинений. В 8 т. Т.8: Пер. с нем. / Составители: Н. С. Павлова, В. Д. Седельник. — М. : Прогресс-Литера, 1995.-
30. Гессе Г. Своенравие / Г. Гессе // Гессе Г. Собрание сочинений. В 8 т. Т.8 : Пер. с нем. / Составители: Н. С. Павлова, В. Д. Седельник. М. : Прогресс-Литера.
31. Гессе, Г. Собрание сочинений [Текст] : в 4-х т. / Герман Гессе /Пер. с нем. - СПб.: Северо-запад, 1994 - 50000 экз. - ISBN 5-8352-0314-4
32. Дмитрий Петров Письмо Герману Гессе
33. Достоевский Ф.М. Полн. собр. соч. в 30 тт. Т. 21. Л.: Наука, 1980.
34. Злочевская А.В. Религиозно-философская позиция М. Булгакова в романе “Мастер и Маргарита” // Opera Slavica. 2001. № 1.
35. Канарш Г. Ю. "Терапия творчеством" в жизни Германа Гессе
36. Канарш Г. Ю. К особенностям поиска смысла в мире полифониста и аутиста (к занятиям Терапией творческим самовыражением) // Психотерапия. 2005. № 8.
37. Каралашвили Г. Мир романа Германа Гессе. Тбилиси, 1984.

38. Лазуткина, Олеся Александровна. Концепция человека в циклах рассказов Германа Гессе "По эту сторону", "Соседи", "Окольные пути"
39. *Левин Ю.И.* Зеркало как потенциальный семиотический объект // Зеркало. Семиотика зеркальности. Труды по знаковым системам. Т. XXII. Тарту: Тартуский гос. ун-т, 1988.
40. Лессинг Г.Э. Лаокоон, или о границах живописи и поэзии. [Текст] : Перевод Е.Эдельсона (под ред. Н.Н. Кузнецовой) / Лессинг Г.Э. // Лессинг Г.Э. Избранные произведения. -М.: Худож. лит., 1953.
41. Малащенко, Владимир Владимирович. Феномен игры в прозе Германа Гессе : "Демиян", "Кляйн и Вагнер", "Последнее лето Клингзора"
42. *Микулашек М.* Гностический миф в эволюции романа первой трети XX века // *Litteraria humanitas*. III. Brno: Masarykova univerzita, 1995; *Иванов Вяч. Вс.* Черт у Набокова и Булгакова // *Иванов Вяч. Вс.* Избранные труды по семиотике и истории культуры. Т. 2. М.: МГУ им. М.В. Ломоносова — Институт теории и истории мировой литературы, 2000; *Злочевская А.В.* Трилика "мистического реализма" XX в.: Г. Гессе — В. Набоков — М. Булгаков // *Opera Slavica*. 2007. № 3, и др.
43. Мюнстер Е. Г. Музыка и живопись в творчестве Германа Гессе
44. Мюнстер Елена Георгиевна. Влияние мировоззренческих установок на творчество Германа Гессе
45. МЮНСТЕР Елена Георгиевна. Гессе и музыка
46. *Набоков В.В.* Джейн Остен // *Набоков В.В.* Лекции по зарубежной литературе. С
47. *Набоков В.В.* Искусство литературы и здравый смысл // *Набоков В.В.* Лекции по зарубежной литературе
48. *Набоков В.В.* Предисловие к английскому переводу романа "Дар" // В.В. Набоков: pro et contra. СПб.: Изд. Русского христианского гуманитарного института, 1997.

49. Ницше, Фридрих. Сочинения в 2-х томах [Текст] / Ницше Фридрих; Фридрих Ницше. -М.: Мысль. - ISBN 5-244-00853-6. 2 / Ред. К.А.Свасьян. - 1997. - 829 с. - (Философское наследие). -Содержание: Как говорил Заратустра : Книга для всех и ни для кого ; По ту сторону добра и зла ; К генеалогии морали : Полемическое сочинение ; Казус Вагнера : Проблема музыканта ; Сумерки идолов, или как философствуют молотом ; Антихрист : Проклятие христианству ; Ессе Номо. -5000 экз. - ISBN 5-244-00854-2
50. Олонова Э. Фаустовская тема в романе Михаила Булгакова “Мастер и Маргарита” // Slavica Slovaca. Bratislava. 1991. № 2. S. 167.
51. Петрушин В.И. Музыкальная психология [Текст] : учеб.пособие для ср. и высш. муз. учеб. заведений / В. И. Петрушин. - 2-е изд., испр. и доп. - М. : ВЛАДОС, 1997 ISBN 5-87065-103-4
52. Розеншток-Хюсси О. Речь и действительность. [Текст] : - М.: Лабиринт, 2008.
53. С. Джимбинов Гессе
54. Седельник В. Герман Гессе и швейцарская литература. М., 1970;
55. Сенэс Ж., Сенэс М. Герман Гессе, или Жизнь мага. / Пер. с фр. А. Винник. М.: Молодая гвардия, 2004.
56. Символы, знаки, эмблемы. Энциклопедия. М.: Локид — Пресс, 2003.
57. Ср.: Лакан Ж. Стадия зеркала и ее роль в формировании функции “Я” // Лакан Ж. Стадия зеркала и другие тексты. Париж: EOLIA, 1992.
58. Текст научной работы на тему "Феноменология искусства в творчестве Германа Гессе"
59. Цит. по статье: Березина А.Г. Философия музыки в творчестве Германа Гессе // Литература и музыка. Л., 1975
60. Э.Т.А. Гофман. Крейсleriана // Избранные произведения в трех томах. М., 1962.

61. Гессе Г. Язык / Г. Гессе // Гессе Г. Собрание сочинений. В 8 т. Т.8: Пер. с нем. / Составители: Н. С. Павлова, В. Д. Седельник. М. : Прогресс-Литера, 1995.
62. Гинзбург Л. Я. О лирике / Л. Я. Гинзбург. — М. — Л. : Сов. писатель. Ленингр. отд-ние, 1964.
63. Гинзбург Л. Я. О литературном герое / Л. Я. Гинзбург. Л. : Сов. писатель, 1979.
64. Гинзбург Л. Я. О психологической прозе / Л. Я. Гинзбург. М. : Интрада, 1999.
65. Гиривенко А. Н. Немецкая литература от древности до наших дней: Словарь-справочник / А. Н. Гиривенко. — М. : Флинта: Наука, 2003.
66. Гиршман М. М. Ритм художественной прозы. Монография / М. М. Гиршман. -М. : Издательство «Советский писатель», 1982.
67. Грязнова А. Дорога или путь (о цикле А. Блока «Родина») / А. Грязнова // Русский язык в школе. 2000. - №5.
68. Гутерман Ю. О. Поэтика романа Германа Гессе «Игра в бисер» в контексте философии буддизма и даосизма : автореф. дис. . канд. филол. наук / Ю. О. Гутерман. М., 1999.
69. Гутманис А. Э. Путь Германа Гессе к созданию концепции совершенной личности / А. Э. Гутманис // Вестник Моск. ун-та. Сер. 9, Филология. — 1987. - №6. - С. 27-31
70. Гутманис А. Э. Традиции и современность в творчестве Гессе 30-х годов : автореф. дис. . канд. филол. наук / А. Э. Гутманис. -М., 1988.
71. Гучинская Н. Герман Гессе на пути к духовному синтезу / Н. Гучинская // Гессе Г. Собрание сочинений: В 4-х т. Т.1: Повести, сказки, легенды, притчи / Пер. с нем. СПб.: Северо-Запад, 1994.

Интернет сайтлар:

<http://www.ziynet.uz> (O'zbekiston ta'lim tizimi portali)

<http://www.gov.uz> (O'zbekistonhukumatiportali)

<http://www.press-service.uz> (O'zbekistonRespublikasiPrezidentimatbuotxizmati)

<http://www.cctld.uz> (statistikaportali)

<http://google.uz> (O'zbekistonqidiruvserveri)

<http://www.UzA.uz> (O'zbekistonaxborotagentligi)

<http://www.xs.uz> (Xalqso'zigazetasielektronsayti)

<http://www.centralasia.org> (Марказий Осиё электрон портали)

<http://i-r-p/ru/page/stream-exchange/index-19141/html>

<http://www/respublika-kz.info/news/politics/17102/>

<http://www.hesse.ru>

<http://www.gomer.ru>

<http://ru.wikipedia.org>

<http://lib.ru>

<http://briefly.ru>

<http://www.koob.ru>

<http://citaty.info>

<http://www.100bestbooks.ru>

<http://www.livelib.ru>